

Мархабо

САЙЛАНМА

1

Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2014

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6 - *9,5.9908*

М 29

Тақризчилар:

Санъат Маҳмудова, Зухро Алиева

Марҳабо

Сайланма/Марҳабо. — Тошкент: Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. — 360 б.

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

Эслатма:

Муаллифнинг рухсатисиз нусха кўчириш, чоп этиш

қонуний ман этилади

2014/18	Alisher Navoiy
A 1475	nomligi
	O'zbekiston MK

Ю 42332
381

- © Марҳабо.
- © Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2014.

ISBN 978-9943-03-434-1



МУАЛЛИФДАН

Ассаламу алайкум, Азиз мухлис!

Хижолатдаман, улуғингизга бир фарзанд бўлиб, сингил бўлиб, бир нон билан йўқламаган бўлсам. Кичигингизга она бўлиб, опа бўлиб, бешигингизни тебратмаган бўлсам. Бор-йўғи ўзингизнинг деярли ҳар куни бир гапириб ўтадиган дарду-ҳасратларингиз, инсоний туйғуларингизни шунчаки қофияга солиб юрган нўноққина бир шоираман. Сизда эса шунча меҳрумуҳаббат...

Баъзан катта-кичик давраларда «Сизни ким деб та-ништирай, бирон унвон, амалингиз борми?» деб қолишади. Ўзим ҳам ўйлаб қоламан: ким эканман-а? Яхшими ёмонми шоирлигим бор. Биринчи китобимнинг чиққанига анча бўлди. Ундаги шеърларим эски тузум пайтидаги истиқлол соғинчларию она тилимиз учун куйиб ёнишлар ҳақида эди.

Уша китобим ҳақида ўйларканман кўнглимдан куйидаги сатрлар ўтади:

*«Не қилдингиз истиқлол учун?»
Бу саволдан пенюнам терлар,
Оддий бир иш — ёзгандик холос,
Жонни тикиб исёнкор шеърлар.*

Кейинги ёзган шеърлар, асосан, турмуш ўртоғим — санъаткор Абдулҳай Каримов томонидан куйланади. Бир неча қўшиқларимиз Мустақиллик ва Наврўз байрамига бағишланган катта давлат тантаналарида ижро этилган. Бундан ич-ичимдан хурсанд бўлиб юраман.

«Қайнона» деган оилавий газета ташкил қилдик. Ҳозирча шу «Қайнона»нинг «қайнонаси» бўлиб турибман. Аммо фарзанд бўлиб, она бўлиб, умр йўлдош бўлиб, келин бўлиб, жигар бўлиб, дўст-дугона, қўни-қўшни бўлиб бирон нарсани қойил қилган жойим йўқ.

Раҳматли онам гўзал, дилбар аёл эдилар. Қирқ саккиз ёшиларида оламдан ўтганлар. У кишини билан ҳаётлик чоғларида икки оғиз гаплашган одам ҳалигача ҳавас қилиб юради.



Ёшлигимда ҳовлимиз этагидан оқиб ўтадиган ариқ бўйида кўп китоб ўқиб ўтирдим. Уйдаги барча рўзғор ишларини мenden катта онам Ҳабибахон ва Мухтасар синглим қилишарди. Синглим онамга, кўпинча, «Ҳамма иш бизга, Марҳабоингиз бўлса доим китоб ўқийди», деб жиғибийрон бўларди. Шунда онам: «У кўп ўқиши керак, у шоира бўлади», дердилар. Афсус, биринчи китобимни кўрмадилар. Азиз муҳлис! Ёзганларим балки Сизнинг рўзғорингизни тўлатиб беролмас, кўз ёшингизни артиб қўёлмас, агар шунчаки бир табассумингизга арзиса ҳам ўтиниб сўрайман, онам Жамилаҳон Абдурахмон қизини дуо қилинг, ёшлари етмишдан ошган меҳнаткаш, кичиккўнгли отам — Муҳаммадали акани дуо қилинг. Мен уларга бола бўлиб ҳеч нарса қилиб беролмадим. Доим дийдоримга ташна бўлиб яшаиди улар...

Мен она бўлиб, фарзандларим, келинларимга ҳам алоҳида вақт ажрата олмадим. Улар ҳам эл қатори шеърларимни ўқишади. Хотин бўлиб турмуш ўртоғимнинг ҳам кўнглиларини тўлдириб турганимга шубҳам бор...

Опа-укаларимнинг йиғинларига ҳам шошиб бориб, шошиб келаман. Вақтимнинг доим ўлчоғлиги уларга алам қилади. Биттагина тоғам бор. Нозиктаъб, олифта чол. Ёшлигимда шу тоғамнинг китобларини кўп ўқирдим. Шу жигаримни ҳам тез-тез бориб кўролмайман. Учта ажойиб аммаларим бор, ҳазил мутойибасиз гаплашишганини эслолмайман. Уларнинг олдиларида ҳам кўп узрлиман.

Қайнонам — онамнинг юмушларини-ку, барака топгур, овсинларим қилишади. Ёшлигимдан бирга катта бўлган дўсту дугоналарим мени ўртоқ билиб, йиғинларига чақиришади. Бирига борсам, ўнига боролмайман. Яна қанча кўнгли яқин аяларим, опаларим, онамнинг ўртоқлари бор. Афсуски, ҳамма-ҳаммаларига ҳам етарли меҳру оқибат кўрсатолмайман.

Тошкенту Фарғона бўлиб, ўн бир жойга кўчганмиз. Юзлаб қўйинларим бўлиши керак. Улардан кўп яхшиликлар кўрганман. Ҳатто болаларимниям биргалашиб боқшиганлари бўлган. Еганимда, ичганимда, кийганимда уларнинг ҳаққи бор. Мен эса уларни кўрганимда, табассум қилиб, бағримга босиб, китоб бериб, қарзимдан қутилгандек бўламан. Аслида, улар бундан



буюкроқ меҳру муҳаббатимга лойиқ яқинларимдир. Ёзган ҳар бир сатримда уларнинг ҳаққи бор.


Баъзан «Ёзганларимни кутиб туришибди-ку», деган ҳаёлда янги шеърлар нуқсонлар билан ҳам тарқаб кетади. Бунинг учун замондош улуғ шоирлар, адабиётшунос олимлар олдида кўп хижолатдаман. «Шошмай тур, танқид оламида ҳали бир «тош бўрон» бўлишинг бор», деб қўяман ўзимга ўзим. Аммо у бағри кенг алломалар ёзилган шеърлар ҳақида яхши фикрлар айтишади, гарчи анча муболаға қилишганда ҳам, уларнинг эътирофларидан кўнглим тўлиб, йиғлаб ўтираман.

Улар-ку менинг китобларимни ўзлари қидириб, олиб ўқишади, деб ўйламайман, албатта. Фақат баъзи бир баҳонаи сабаблар билан қўлларига тушиб қолса, сўрардимки, шеърларимиз ҳозирча мухлисларимизга кайфият дори, табассум терапия бўлиб турганини ва ўзимизнинг ҳам бир авом шоири эканлигимизни назарда тутсалару, танқид кундасига тўқилажак бир қошиқ қонимиздан кечсалар.

Азиз мухлис! Баъзан, «Китобингизни тополмай, шеърларингизни баққолдан олдик», деб қолишади. Одатда, баққолда доим зарур нарсалар сотилади. Шеър ўша зарур нарсалар қаторига қўшилганидан хурсандман. Ёзганларимизни қўлёзма ҳолида ўқийсизми, тошбосма ҳолида ўқийсизми, сотиб олиб ўқийсизми, топиб олиб ўқийсизми, ўқиб турганингиз учун шукур. Баъзан фикрингни ўз онангга тушунтиролмайсан, ўз болангга уқтиролмайсан. Қалбим тўла меҳр билан айтаманки, шеърни тушуниб турганингиз учун қуллуқ! Кўтариб юрганингиз учун ташаккур! Ҳамма-ҳаммаси учун раҳмат Сизга!

Эҳтиром ила Сизнинг Марҳабо





Душѣннѣ
шарѣу фѣр

ВАТАН ҲАҚИДА СЎЗ

Сўритокларда узум, новдаси қулоч-қулоч,
Айвонида ҳар баҳор бола очар қалдирғоч,
Салом бериб кирса ким, тўйиб чиқар бўлса оч,
Билолмадим, Фарангу Африқода қанақа,
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, ўзбекларда шунақа.

Кампирларин қўлида куйлайди урчуғиям,
Боламга, деб дон чўқир, каптар, чуғурчуғиям,
Ўғил кўрса, тўй қилар, ҳаттоки, чумчуғиям,
Билолмадим, Фарангу Африқода қанақа,
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, ўзбекларда шунақа.

Янги пишган анжирин илинар қўшнисига,
«Нон ёпинг», деб тандирин илинар қўшнисига,
Уч кун уйда бўлмаса, билинар қўшнисига,
Билолмадим, Фарангу Африқода қанақа,
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, ўзбекларда шунақа.

Яшаб юриши мумкин қўл, оёғу бармоқсиз,
Аммо яшай олмайди эл-юрт, уруғ-аймоқсиз,
Кузатишмас меҳмонни новвот, майиз, қаймоқсиз,
Билолмадим, Фарангу Африқода қанақа,
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, ўзбекларда шунақа.

Тўй қилиб, эл-юртига едириб, мазза қилар,
Кетаётганда, чопон кийдириб, мазза қилар,
Бу маззани лондонлик бойота қайдан билар,
Билолмадим, Фарангу Африқода қанақа,
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, ўзбекларда шунақа.

Қандай яшаб бўлади ҳандалаксиз, қовунсиз,
Эркак эркак бўптими улоқ, кураш ўйинсиз,
Бусиз ҳам элман, деган сафсатани қўйинг сиз,
Билолмадим, Фарангу Африқода қанақа,
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, ўзбекларда шунақа.



Азиз қилар қайси эл биздай ота-онани,
Ён қўшниси тўй қилса, чиқмаган ҳам одамми,
Тўкис бўлмас ўзбексиз инсоният олами,
Билолмадим, Фарангу Африқода қанақа,
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, ўзбекларда шунақа.

Бешик майли, тувагин кўриб лол бўлганлар бор,
Минг йил олдин ҳам бу эл эди буюк ижодкор,
Фарзандларин қонида яшар ўша иқтидор,
Билолмадим, Фарангу Африқода қанақа,
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, ўзбекларда шунақа.

Юрт айланиб кузатсанг, бозори йўқ баққолсиз,
Юришмайди чоллари, дўппи, яхтак, соқолсиз,
Тилин учида ҳазил, гап гапирмас мақолсиз,
Билолмадим, Фарангу Африқода қанақа,
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, ўзбекларда шунақа.

Балки шу эл кўксида туриб ой сочар зиё,
Шундай яшаш керакдир аслида бутун дунё,
Бу элатни бошқача қилиб бўлмас, Марҳабо,
Билолмадим, Фарангу Африқода қанақа,
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, ўзбекларда шунақа.



КАТТАЛАРГА НАСИХАТ

Ярақлаган уйларинг чанг бўлсаям, сиқилма,
Рўзфорингда бир нима кам бўлсаям, сиқилма,
Ташвишлардан кунда бир жанг бўлсаям, сиқилма,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Чайнаётган нонингни «боламга», деб ўласан,
Катта бўлгач, гап билан бир силтаса, сўласан,
Бино қўйма, сийлама, пўпалама, кўрасан,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Қариганда ғалвани кўтаролмас юрагинг,
Қани ота-оналар — суянчиғинг, тиргагинг?
Ётиб қолсанг, оғрисанг, кимга бўлар керагинг?
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Фамни олсанг кўнгилга, тўлиб кетаверасан,
Офтоб урган майсадай, сўлиб кетаверасан,
Юрагингни чангаллаб, ўлиб кетаверасан,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Ўзин боққанинг қолиб, боласин ҳам боқасан,
Куч-қувватинг борида ҳаммасига ёқасан,
Ўзинг учун бир бора чиққанмисан боққа, сан?
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Уйлантиру болангни, бўлак қилгин уйини,
Ўзи тортсин рўзфорнинг ташвишини, ўйини,
Кўриб турсанг бўлгани, соғ-саломат бўйини,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Таъма қилсанг бир нонни, чимирилар қошлари,
Сенсиз пишиб ейилар, ёғлиққина ошлари,
Югуришар олдинга, оғриб қолса бошлари,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.



Эрининг топганини уйнаб, еркан бир аёл,
Ўглининг топганини, ўйлаб, еркан бир аёл,
Бекорга айтилмаган, халқ ичида бу мақол,
Ўглинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Майли, тушган уйида яшнаб юрсин келинлар,
Мақтаб, алқаб, дуо қил, яйраб юрсин қелинлар,
Қайнонаммас, онам, деб, сайраб юрсин келинлар,
Ўглинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Ялаб-юлқиган уйинг, келинларга қолодир,
Сендан кейин ким билар, не куйларга солодир,
Уйим, болам, чақам деб, олаверма хавотир,
Ўглинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Меҳнат қилдинг тинмадинг, етганича имконинг,
Ўзинг учун ҳам яша, фаниматдур ҳар онинг,
Тоғларга чиқ, ҳаво ют, жон-жон ўзингни жонинг,
Ўглинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Ўғилларда кўш улов, сен юрасан пиёда,
Ўзларидан ошмайди, моли бўлса зиёда,
Болам, болам, болам деб, нима кўрдинг дунёда?
Ўглинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Ўлсанг болаларинг ҳам қабргача боради,
Айтчи, унда сен билан қайси бири қолади,
Қиёматда қай бири гуноҳингни олади?
Ўглинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Кўнглинг кимни хушласа, ўша билан суҳбат қил,
Тиконларга қарама, гулга қараб роҳат қил,
Асабингни қийнама, юрагингга шафқат қил,
Ўглинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.



Жуфтинг учун ясаниб, эй аёл, ҳеч толмагин,
Қариликни бўйнингга асло-асло олмагин,
Ўнта боланг бўлса ҳам, эргинангдан қолмагин
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Кунлар келар инжиқ чол, биров келмас ёнингга,
Шу илмилик кампиринг оро кирар жонингга,
Шукр қил бирга ўтган ҳар соат, ҳар онингга,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Тўрт пул топсанг ярмини кексаликка олиб қўй,
Йиғиб, эски нимчангнинг чўнтагига солиб қўй,
Ўн бола бир отани боқолмайди, билиб қўй,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Қўлинг ишда ва лекин Роббанода бўлсин дил,
Гийбат, хасрат гапни қўй, субҳаналлоҳ айтсин тил,
Бу дунёнинг нонин еб, у дунёнинг ишин қил,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Йиғиштириб умрнинг қолганини – борини,
Эй, Мархабо, қилгайсан охиратнинг корини,
Қулоғингга қуйиб ол бу насиҳат – дорини,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.





ҲАЛИ АЁЛ БЎЛМАБСИЗ, ПОШШО

Уйни безаб, тузатсангиз ҳам,
Эрни кутиб, кузатсангиз ҳам,
Ўнта қизни узатсангиз ҳам,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Уйингизга келин келган йўқ,
Юрагингиз ҳали қувноқ, шўҳ,
Кафтингизда тутмагансиз чўғ,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Ташвиш сиздан бир қадам нари,
Меҳнатларнинг келмади гали,
Зўр синовлар олдинда ҳали,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Кўзларингиз ҳали сурмалик,
Кўйлагингиз ёқа, тугмалик,
Уйингизда ғалва йўқ, тинчлик,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.


Кўнгил қуши сайраб турипти,
Орзулардан яйраб турипти,
Зўр савдолар пойлаб турипти,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Бир бегона қуш келиб унда.
Ахлатингиз «титади» кунда,
Билмасликка оласиз шунда,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.



Қандай гулсиз, исингиз чиқар,
Чин қиёфа, тусингиз чиқар,
Ё тилло, ё мисингиз чиқар,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

— Мархабохон, шеър ёзмай кетинг,
Нима қилай бўлмаса, айтинг?
— Тинч кунларнинг қадрига етинг,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.





БИРОВНИНГ БОЛАСИ УЙИМДА

Тўй қилиб, келинчак туширдим,
Ўзимга ўзим иш оширдим,
Ман энди... ман энди тушундим,
Бировнинг боласи уйимда.

Бақирманг, дадаси, секин-ей,
Овозингиз бирам текин-ей,
Уйимнинг қайтига бекинай,
Бировнинг боласи уйимда.

Ҳаммага қиламан илтифот,
Тилимга бўламан эҳтиёт,
Кўчага чиқмасин «ахборот»,
Бировнинг боласи уйимда.

Келинлик бир келар, яйрасин,
Аллоҳим илтифот айласин,
Қозоним гўшт билан қайнасин,
Бировнинг боласи уйимда.

Сипороқ кийингин, вой, қизим,
Ибрат бўл келинга, ҳой, қизим,
Онангни тушунгин, ой қизим,
Бировнинг боласи уйимда.

Ёрдам қил, сиқиб бер ўсмасин,
Бахтингни йўлини тўсмасин,
Совчига ёмонлаб қўймасин,
Бировнинг боласи уйимда.

Чимирилмасин деб қошлари,
Авайлаб шу келин пошшани,
«Сиз-сиз»лаб ҳайдайман пашшани
Бировнинг боласи уйимда.



Койишар: «Эркалаб, куласан,
Келинга «майли» деб турасан...»
Бошингга тушганда биласан,
Бировнинг боласи уйимда.


Нонини куйдирса, майлига,
Идишни синдирса, майлига,
«Адвокат»ман ўша Лайлига,
Бировнинг боласи уйимда.

Болам дер, гапирсам: «Уф, бўпти»,
Билмадим, балки «куф-суф» бўпти,
Ўғлим ҳам қўшилиб, жуфт бўпти,
Бировнинг боласи уйимда.

Майли, мен — қайнона, қайнамай,
Келин ҳам тек юрсин, айнамай,
Бу ҳам бир кўргилик, айланай,
Бировнинг боласи уйимда.

Меҳр-ла кўнгиллар бойланар,
Қаҳр-ла юраклар лойланар,
Бир кун ўз боламга айланар,
Бировнинг боласи уйимда.

Мархабо дер: ичим қон, дўстлар,
Учрашиб турайлик, жон дўстлар,
Ҳасратдан юрагим қон, дўстлар,
Бировнинг боласи уйимда.





ЎҒИЛ БОЛАНГ – БИРОВНИНГ ХАСМИ

Ўғилми қиз – бари ўз боланг,
Қизлар – меҳмон, дейишар расми,
Ўзингники асли – қиз боланг,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Ўстирасан бўлиб парвона,
Эга чиқар битта жонона,
Бу савдога бўлма ҳайрона,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.


Унутса ҳам ўз онасини,
Туғилган ҳовли – хонасини,
Унутмайди қайнонасини,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Қизинг жонин илиниб турар
Юраклари тилиниб турар,
Меҳри кўздан билиниб турар,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Соғинганда йиғламай кутгин,
Ичикмасдан ўзингни тутгин,
Кўз ёшингни «қулт» этиб ютгин,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Уй-рўзғори бўйнида хуржун,
Боламга дер, Худо берган кун,
Дуо қилу, чиқармагин ун,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Юрагининг устунни – ёри,
Совуққотса пўстинни – ёри,
Боласига топгани, бори,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.



Уришсалар қози бўласан,
 Ўртада тарози бўласан,
 Ўлимингга рози бўласан,
 Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Иши тушса ёнингга чопар,
 Хиндистонда бўлсанг ҳам топар,
 Бошқа пайт кутмагин эй, модар,
 Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Хафа бўлсанг койиб, тонасан,
 Кечирасан, чунки онасан,
 Тушун, мунча куйиб — ёнасан,
 Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Жанжал қилма, онамисан, бас!
 Келин сенинг кундошинг эмас,
 Ўғлинг энди сирдошинг эмас,
 Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Совчиликка боришдан олдин,
 Сандиққа сеп солишдан олдин,
 Бир мантиққа кўникиб олгин,
 Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Келса-ю келмаса, дуо қил,
 Билса-ю билмаса, дуо қил,
 Берса-ю бермаса, дуо қил,
 Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Меҳнатларинг — Худо йўлига,
 Заҳматларинг — Худо йўлига,
 Қаратиб қўямасин қўлига,
 Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Келинга гапирсанг мулойим,
 Ўғлинг сендан рози ҳар доим,
 Бу ҳаётдир, Мархабо ойим,
 Ўғил боланг — бировнинг хасми.



ҚИЗИМ, ҚАЙНОНАНГ – ТИЛЛО

Қизгинамни узатдим,
Ўз уйига кузатдим,
Кетарда бир сўз айтдим:
Қизим, қайнонанг – тилло.

Аразлаб келар қизим,
Жовдираб турар кўзим,
Безиллаб туриб ўзим,
Дедим: қайнонанг – тилло.

Дер: «Қайнонам тили ўқ,
Койиб, нолиб, урар дўқ,
Кўнгил билан иши йўқ...»
Дедим: Қайнонанг – тилло.

– Кечирмас, бурни осмон,
Эрим яхши, у – ёмон
– Бекор айтибсан, нодон,
Дедим, – Қайнонанг – тилло.

Икки қўлдан чиқар қарс,
Мулойим бўл, келгин паст,
«Хўп бўлади», десанг бас,
Қизим, қайнонанг – тилло.

Арз қилиб келгандаям,
Ҳар нима дегандаям,
Қизим ҳақ бўлгандаям,
Дедим: Қайнонанг – тилло.

Кутиб олиб ўзини,
Бошламасдан сўзини,
Бекитаман оғзини:
Қизим, қайнонанг – тилло.

Қайтиб келса, «бор», — дедим,
«Сенга уйим тор», — дедим,
«Пешона — бозор», — дедим,
Дедим: Қайнонанг — тилло»

Қизгинамни аврайман,
Телефондаям сайрайман,
Уйқумдаям жаврайман:
Қизим, қайнонанг — тилло.

Чархни бузган-пarrаси,
Қизни бузган-онаси,
Бузмай ўлсин онаси!
Қизим, қайнонанг — тилло.

Уйини-уй бўлсин деб,
Айрилмоқни кўрмай эп,
Битта билан ўтсин, деб,
Дедим: Қайнонанг — тилло.

Қиз узатиб тўйлабман,
Қутилдим, деб ўйлабман,
Бекорларни сўйлабман,
Қизим, қайнонанг — тилло.

Қизингмидур ўғлингдур
Бари юрак кўрингдур,
Тинчимаса — шўрингдур,
Қизим, қайнонанг — тилло.

Марҳабохон йиғлаб дер:
Юрагим қони-бу шеър,
«Тиллохон»га инсоф бер,
Қизим, қайнонанг — тилло.

Тугамайди ғавғоси,
Адо қилди савдоси,
Қиз туққаннинг жазоси
«Қизим, қайнонанг — тилло».



ҚИЗИМ АРАЗЛАБ КЕЛДИ

Аёл эдим бир жаҳон,
Гўзал, қувноқ, соғ-омон,
Рангим бўлди заъфарон,
Қизим аразлаб келди.

Эри айниб турганмиш,
Ким биландир юрганмиш,
Бир шапалоқ урганмиш,
Қизим аразлаб келди.

Дедим: Айб ўзингда,
Қўпол-қўпол сўзингда,
Пардози йўқ юзингда,
Қизим аразлаб келди.

Дердим: кулиб кутиб ол,
Тергамасдан сўра ҳол,
Силаб-сийпаб йўлга сол,
Қизим аразлаб келди.

Ўсма қўймай юрмагин,
Қовоқ солиб турмагин,
Эски кўйлак киймагин,
Қизим аразлаб келди.

Жоним болам, битта бил,
Эринг — пошшо, эринг — пир,
Овқатини ширин қил,
Қизим аразлаб келди.

Болалари қайсар, шўх,
Қарамасанг босар чўғ,
Тумтаяди қилсанг дўқ,
Қизим аразлаб келди.



Деёлмайман «тўхта, ҳой»,
Пардаларим шалтоқ, лой,
Ковушларим пойма-пой,
Қизим аразлаб келди.

Акалари авайлаб,
Боласин турар мақтаб,
Тегиб кетар битта гап,
Қизим аразлаб келди.

Келинларим зириллар,
Киприклари пириллар,
Не тилайди кўнгиллар?
Қизим аразлаб келди.

Ўн беш кун бўлган куни,
Соғинар ўз уйини,
Пойлар эрин йўлини,
Қизим аразлаб келди.

Инжиқлиги ортади,
Йиғлайди, «ух» тортади,
Болаларин туртади,
Қизим аразлаб келди.

Уй ғалвага тўлади,
Дўсту душман билади,
Қочиб кетгим келади,
Қизим аразлаб келди.

Камиб кулгу хандаси,
Қайнар эрим зардаси
— Сабр қилинг, дадаси,
Қизим аразлаб келди.



Дардим тўлиб тошодур,
Юрак ўйнаб шошодур,
Қон босимим ошодур
Қизим аразлаб келди.

Марҳабохон, дил ярим,
Тўкилди болу парим,
Хабар олинг, дўстларим,
Қизим аразлаб келди.



КУЁВИМГА ИЛТИЖО

(Қизим аразлаб келганда)

Куёв болам — ўз болам,
Менинг қора кўз болам,
Тилимда бир сўз, болам,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Эрка болам, арслоним,
Ойим турган осмоним,
Қўлингиздадир жоним.
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Йигит борми сиздай мард,
Юраги тоза, бегард,
Икки дунё кўрманг дард
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Биз — темир, сиз — тиллосиз,
Биз — оми, сиз — муллосиз,
Биз — нодон, сиз — доносиз,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Қизимнинг ўзи аҳмоқ,
Юрарди сизни мақтаб,
Бир кепти-да аразлаб,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Тириклик деб юрсангиз,
Уй-жойим деб турсангиз,
Нима қипти урсангиз,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Рўзғор хуржун бўлади,
Гоҳ камиб, гоҳ тўлади,
Хотин деган кўнади.
Қизим — ёмон, сиз — яхши.



Болам, сизда ихтиёр,
Бўлмайлик озор-безор,
Ўртада болалар бор,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Кўп яшанг, юзга етинг,
Қиз тушгурни авф этинг,
Алдаб-сулдаб обкетинг,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Ишламай ётсангиз ҳам,
Маст бўлиб қотсангиз ҳам,
Чойнакни отсангиз ҳам,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Бўлсангиз ҳам майдагап,
Юрсангиз ҳам ўнгу чап,
Мен ҳамиша сиз тараф.
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Соғлигида — сизники,
Ўғлиники, қизники,
Касал бўлса — бизники,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Таҳсиримсиз, хўжамсиз,
Қимматбаҳо ўлжамсиз,
Ўзим очган жўжамсиз,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Марҳабохон, уққаним
Гўнгта гунча суққаним,
Гуноҳим — қиз туққаним,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.



МУРОСАСИЗ КЕЛИНЛАР

Онам ўлса «дод» демаганман,
Эрим урса «дод» демаганман,
Бир савдодан куйди жону тан,
Муросасиз келинлардан дод!

Нима экан билмадим сири,
Олаяди бирига-бири,
Ҳеч бўлмаса дўст эмас тили,
Муросасиз келинлардан дод!

Чимирилиб тургани қайси,
Қовоқ солиб юргани қайси,
Боласини ургани қайси,
Муросасиз келинлардан дод!

Бир-бирини силталаган чоғ,
Юрагимга санчилар пичоқ,
Ўғилларим бўлишди тарқоқ,
Муросасиз келинлардан дод!

Кўнглим тинмас бир ерга чиқиб,
Бири бирин олса-я чўқиб,
Яшаяпман безиллаб, қўрқиб,
Муросасиз келинлардан дод!

Қанотимни қайирворишди,
Жигарларни айирворишди,
Обрўйимни лойга қоришди,
Муросасиз келинлардан дод!

Талашасан нимани, нодон?!
Пойингда ер, бошингда осмон,



Бу дунёга ҳаммамиз меҳмон,
Муросасиз келинлардан дод!

Ўтмиш бўлса нима дер эди?
Тўрт хотинга битта эр эди,
Ўшалар ҳам «шукр», дер эди,
Муросасиз келинлардан дод!


Асти одам бўлишармикин?
Чирой очиб кўришармикин?
Аҳил бўлса, ўлишармикин?!
Муросасиз келинлардан дод!

Бошқа уйим бўлганда, ё Раб,
Шулар билан юрмасдим яшаб,
Кетар эдим шу уйни ташлаб,
Муросасиз келинлардан дод!

Ерга қамиш, бўйрами тўшаб,
Аталами, умочми ошаб,
Чолим билан юрардим яшаб,
Муросасиз келинлардан дод!


Оёғимни — ўғил қилволсам,
Қўлларимни — келин қилволсам,
Қилар эди не ишга солсам,
Муросасиз келинлардан дод!

Доно келин элтузар — зиё,
Нодон келин юртбузар — бало,
Шуларга ҳам инсоф бер, Худо,
Муросасиз келинлардан дод!



Безор бўлдим қовоқ-қошидан,
Кечдим қилган нону ошидан,
Хизматиям қолсин бошидан,
Муросасиз келинлардан дод!

Марҳабохон, боқмай ёшимга,
Ўлим келса кўққис бошимга,
Ёзиб қўйинг қабр тошимга:
«Муросасиз келинлардан дод!»





«АСАЛ ОЙИ»

Чет элда тўйдан кейин,
Ёшлар тарк этиб уйин,
Бир ой саёҳат, ўйин
«Асал ойи» бошланар.

Бизнинг уйда бошқача,
«Асал ойи» – бир кеча,
Сўнг ҳар тонг супур кўча,
«Саҳар ойи» бошланар.

Бечора келин-куёв,
Тунда учрашар бир ров,
Сўнг кўнгил айниб дарров,
«Ташар ойи» бошланар.

Бўлишар ота-она,
Олти йилда тўрт бола,
Мактабга-ю, боғчага,
«Чопар ойи» бошланар.

Керак кўп пул топиши,
Уй, қуриб, том ёпиши,
Камлик қилиб, чопиши,
«Учар ойи» бошланар

Қиз етилгач узатиб,
Зеб-зийнат-ла кузатиб,
Сандиғларни бўшатиб,
«Сочар ойи» бошланар.

Келин чиқса беадаб,
Кўчага ташийди гап,
Хонадон сирин боплаб,
«Очар ойи» бошланар.

Билгунча ўнгу чапни,
Тушунтиролмай гапни,
Йиғлаб-сиқтаб асабни,
«Бузар ойи» бошланар.

У болангда у ғалва,
Бу болангда, бу ғалва,
Тинч ўтириш қаёқда?
«Заҳар ойи» бошланар.

Ўғил-қизнинг савдоси,
Битмас экан ғавғоси,
Кетга тегиб навдоси,
«Касал ойи» бошланар.

Уйлаб-жойлаб, «кутилиб»,
Ташвишларга тутилиб,
Соч оқариб, ҳол қуриб,
«Яшар ойи» бошланар.

Ўзин деб шўрлик банда,
Яшашни бошлаганда,
Охират диёрига,
«Сафар ойи» бошланар.

Бу бир эски ақида,
Бундай яшамоқ хато,
Ҳаётнинг ҳар онини,
Эҳтиёт қил, Мархабо.

Бериб қўйма юракни,
Ташвишларнинг қўлига,
Ўғил-қиз ҳам, жигар ҳам,
Ҳаммаси ўз йўлига.




Тақдирнинг ҳеч ишини
Қолипга сололмайсан,
Аллоҳнинг дунёсини,
Сен бошқара олмайсан.

«Нега ундай, бундай?» деб,
Қилаверма ташвиш, ўй,
Эплай олмаяпсанми,
Ўз ҳолига ташлаб қўй.

Тафаккур эт, фикр эту,
Охират гамини қил.
Буям битта рўзгоринг,
Неси йўқ, камини қил.

Шукру тавозеъ ила,
Уриб турса ҳар юрак,
Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси,
Асал бўлиши керак.





ҚУТИЛАСАН

- Болалардан қутилганмисиз?
- Алҳамдулиллаҳ, қутилганман.
Сухбатдан.

Ўғил уйладинг алҳол,
Қиз узатдинг йиғиб мол,
Нафасингни қаттиқ ол,
Қутиласан-а, қутиласан!

Энди «чаллар»- чақириқ,
Ҳар шаҳарда ҳар қилиқ,
Мол кетар сандиқ-сандиқ,
Қутиласан-а, қутиласан!

Шу билан битсайди иш,
Ҳам қувончу ҳам ташвиш,
Керак суннат тўй қилиш,
Қутиласан-а, қутиласан!

Суннат бўлган ёш бола,
Ясанар ота-она,
Кўтар қарзи ҳасана,
Қутиласан-а, қутиласан!

Гоҳ қиз келар тумтайиб,
Икки ёққа гап чайиб,
Ўзи оппоқ-беайб,
Қутиласан-а, қутиласан!

Қўлида бир боласи,
Қорнида бир боласи,
Ёмонмиш қайнонаси,
Қутиласан-а, қутиласан!



Гоҳ шўхлик қилар куёв,
Гапи келади дарров,
Бари жонингга эгов,
Кутиласан-а, кутиласан!

Келин бошласа ғалва,
Бу кўрганларинг — ҳолва,
Астағфируллоҳ, тавба!
Кутиласан-а, кутиласан!

Кўлин қўйиб белига,
Сапчиб турса эрига,
Ботиб ғазаб териға,
Кутиласан-а, кутиласан!

Ўғлинг бошлайди: «Эсиз,
Кўп эди дунёда қиз,
Шуни ўзиз топгансиз»,
Кутиласан-а, кутиласан!

Туғиб қўйганинг учун,
Боқиб қўйганинг учун,
Сендан олишар ўчин,
Кутиласан-а, кутиласан!

Ҳар кун — баҳор, ёзу қиш,
Чиқиб турар бир ташвиш,
Бу не ҳаёт, бу не иш?
Кутиласан-а, кутиласан!

Боланг пули халтада,
Сенинг пулинг ўртада,
Буям янгича мода,
Кутиласан-а, кутиласан!



Эркагу хотин яна,
Хайдашади машина,
Омон келармикин-а?
Қутиласан-а, қутиласан!


Эшикка қараб зир-зир,
На ош ва на нон татир,
Ичинг тўла хавотир,
Қутиласан-а, қутиласан!

Кўчадаги мой ютар,
Уйдагилар қон ютар,
Бу кунлар қачон ўтар?
Қутиласан-а, қутиласан!

Ота-она токи бор,
Болага қул, хизматкор,
Бошқа изоҳ не даркор?!
Қутиласан-а, қутиласан!

Эй, Мархабо, бечора,
Сўраб қолишса яна:
«Қутилганман», дейсан-а,
Қутиласан-а, қутиласан!

Уйлаб-жойлаб меҳнатнинг
Зўрроғига тутиласан.
Қутиласан-а, қутиласан!





ҚУДА БҮЛДИК...

Яшар эдик бўлиб ўртоқ,
Бир-бирова очиб қучоқ,
Ўтсиз қолди энди ўчоқ
Қуда бўлдик — жудо бўлдик.

Ёқалашдик ёшларни деб,
Шу икки бебошларни деб,
Биров еган ошларни деб,
Қуда бўлдик — жудо бўлдик.

Ака-ука, опа-сингил,
Гаплашардик гангир-гунгир,
Аразлашдик, қолди кўнгил,
Қуда бўлдик — жудо бўлдик.

Қариндошлар тараф-тараф,
Жовдирашар бизга қараб,
Гурунглашолмаймиз яйраб,
Қуда бўлдик — жудо бўлдик.

Қўшним эди жонажоним,
Битта эди дастурхоним,
Қўшилганда энди қоним,
Қуда бўлдик — жудо бўлдик.

Яхшийди-я ниятимиз,
Чиқиб қолди иллатимиз,
Эсизгина меҳнатимиз,
Қуда бўлдик — жудо бўлдик.

Қарамадик ўнгу чапга,
Қулоқ солдик майда гапга,
Ҳасрат қилдик чор тарафга,
Қуда бўлдик — жудо бўлдик.



Фарзандлар-ку яшар бирга,
Ёмон бўлди фақат бизга,
Кўрпа куйди, тирик бурга,
Қуда бўлдик — жудо бўлдик.

Эслаб ёмон сўзимни мен,
Уришаман ўзимни мен,
Энди очдим кўзимни мен,
Қуда бўлдик — жудо бўлдик.

Миннатли ош тузим қурсин!
Андишасиз юзим қурсин!
Шу чақимчи қизим қурсин!
Қуда бўлдик — жудо бўлдик.

Огоҳ этай энди сизни,
Бегонага беринг қизни,
Нима жинлар урди бизни,
Қуда бўлдик — жудо бўлдик.

Марҳабохон, бу дунё кенг,
Кимки тўйга шимарса енг,
«Таваккалту ал-Аллоҳ», денг,
Қуда бўлдик — жудо бўлдик.





ҲАСРАТ

Қиз топ, йигит бойи учун,
Куёв топ, қиз ойи учун,
Бир кийимлик шойи учун,
Ўртада турмай, ўлай!

Яшамасдан тинч, бахтиёр,
Бир-бирига берар озор,
Жанжал чиқса мен – айбдор,
Ўртада турмай, ўлай!

Бахтли дамда эсламайди,
Бир нон билан йўқламайди,
Милтиғингни ўқла, майли,
Ўртада турмай, ўлай!

Хўмрайса йигит отаси,
Тумтаяр қизнинг онаси,
Кўришмай ўтар боласи,
Ўртада турмай, ўлай!

Аллоҳсиз бахт келишмайди,
Наҳот, шуни билишмайди?!
Пешонадан кўришмайди,
Ўртада турмай, ўлай!

Қуда томонни кўндириш —
Бармоғингга қуш кўндириш,
Осонми, бир иш дўндириш?
Ўртада турмай, ўлай!

Қон қилади эрим сўкиб,
Ҳар кўрганда захрин тўкиб,
Адо бўлдим кўнглим чўкиб,
Ўртада турмай, ўлай!




Менга нимади қиз топиб?!
Икки ёққа тинмай чопиб,
Кучугиям кетар қопиб,
Ўртада турмай, мен ўлай!

Тинч ўтирсам бўлмасмиди?!
Қорним қурғур тўймасмиди?!
Эрсиз қолиб ўлмасмиди?!
Ўртада турмай, мен ўлай!

Ўйлабманки, савоб бўлар,
Бир кун яхши жавоб бўлар,
Ичим куйиб кабоб бўлар,
Ўртада турмай, мен ўлай!

Қадри кетган олтин бўлдим,
Бир эси йўқ хотин бўлдим,
Марҳабохон отин бўлдим,
Ўртада турмай, мен ўлай!





СЕЗГИР ОНА

Ўғил деди онага:
— Кўрсатаман икки қиз,
Қайси менга ёқишин,
Билиб олинг ўзингиз.

Бири пушти кўйлақда,
Бирининг кўйлаги оқ,
Иккисиям чиройли,
Гўзалликда — кўғирчоқ.

Биттасини кўрганда,
Кўнглим нурга тўлади.
Топволинг-чи, қай бири
Сизга келин бўлади?

Она кўнгли сезаркан,
Топди ўғли суйганин,
Деди: — Менинг келиним —
Пушти кўйлақ кийгани.

Ўғил деди: — Офарин!
Топдингиз-а, онажон,
Қойил қолдим, ҳушёрсиз,
Адашмайсиз ҳеч қачон.

Энди айтинг, қоши ё,
Кўзидан сездингиз? — Йўқ.
— Туриши, юриши ё,
Сўзидан сездингиз? — Йўқ.

— Бўлмаса қандай қилиб,
Юрагингиз сезяпти?
— Билмадим, шу қизни
Кўрсам, ғашим келяпти.

ТАСАЛЛИ

Менинг эрим «юриб» кетди,
Юрак-бағрим куйиб кетди,
Ўзим билсам гўрга эди,
Бу овоза бўлиб кетди.

Кеч келади ишидан ҳам,
Айрилгандай ҳушидан ҳам,
«Юрган»ини билса бўлар,
Кўраётган тушидан ҳам.

Рўзғор, бола менга қолиб,
Ўтиради ўйга толиб,
Телефони жирингласа,
Гаплашади бекинволиб.

Ҳар нодон дер: «Фолбинга бор.
«Иссиқ-совуқ», сеҳр бергин.»
Бирон доно айтмайдики,
«Эрингни сев, меҳр бергин.»

Болаларим билишмасин,
Кўз ёшимни кўришмасин,
Кўнгли қолиб, отасини
Ёмон кўриб қолишмасин.

Қайнар ғийбат: «Ия-ия!
Эриз уйланвоганмиш-а?!»
Ёнин олиб уришаман:
«Ажаб қипти, сизга нима?!»

Опам бошлар мени кўрса:
— Хотинбозмиш эринг роса,
— Нима қилсин, «хотин»лариз,
Ўзлари икибоз бўлса?



— Вой, сен — аҗмоқ, вой, сен — беор!
Сенга керак бўлмаса ёр,
Сот, ким ошди савдосида,
Маҳаллангга очиб бозор.

Поччангни кўр, қандай эркак!
Чакки юрмас, тоза юрак!
— Менинг эрим зўр-да, сизи
Латта эриз кимга керак?!

— Вой, зўр бўлган эринг қурсин!
Бино қўйган шеринг қурсин!
Сенга жоним куйдими-я,
Юрмағидан ортиқ юрсин!

Қизғонмайдиям, ҳе, сани,
Ортиқ яна керилгани!
— Нимасини қизғонаман,
Пойафзалми йийилгани?!

Кўйманг бизни уриштириб,
Юрсам тергаб, суриштириб,
Бир чиройли оиламни
Бузайми эр қувуштириб?

Юраману, бермай сирим,
Аммо ғамдан оғрир дилим,
Кундошли хотинлар бекор,
Чекишмаган экан чилим.

Ким у жонон, билгим келар,
Афтини бир кўргим келар,
Тутиб олиб сочларини,
Битта-битта юлгим келар.

Боргим келмас меҳмонгаям,
 Боққим келмас инсонгаям,
 Жанжал қил, деб гиж-гижлайди
 Иш топилди шайтонгаям.

— Етиб бор, — дер, ўша ерга
 Иккалови ҳозир бирга.
 — Бормайман-е, жинниманми,
 Фуруримни уриб ерга?!

Нима фойда уришлардан,
 Қозилашиб юришлардан?!
 Ўқ отайин кундошимга,
 Мағрур қараб туришлардан.

Эр кўнгли — қуш, учиб кетар,
 Совуқ юртдан кўчиб кетар,
 Тутмоқ учун дон сепайин,
 Милтиқ отсам, қочиб кетар.

Ранжимасин эрим, майли,
 Зўр аёл эр талашмайди,
 Боплаб қўяр эдимку-я,
 Бу иш менга ярашмайди.

Нодонга донолик қилай,
 Сахрога дарёлик қилай,
 Номард қилса бегоналик,
 Мен унга ошнолик қилай.

Жилсин десам тош жойидан,
 Бўлай эримнинг пойидан,
 Қуёш бўлиб меҳрим сочиб,
 Айнитай ўша ойидан.



Пардозлаб юз, қошу кўзни,
Кувноқликка солиб ўзни,
Ҳар тонг қараб тошойнага,
Такрорлайман битта сўзни:

Минг турлансин ўша Лайли,
Марҳабога ўхшолмайди!
Кийган билан ковушимни,
Қилолмайди юришимни!





«ТАДБИРКОР» АЁЛ

Яхши одам, зўр одам,
Болаларим дадаси,
Аmmo мени куйдирган,
Шу одамнинг зардаси.

Арзимаган нарсага,
Феъли келиб қолади,
Қўлига нима кирса,
Ўша билан солади.

Авлоду аждодимни
Бирма-бир «ўқиб» чиқар,
Болаларниям ҳатто,
Эринмай сўкиб чиқар.

Мен — айбдор, мен — ёмон,
Ўзи — оппоқ, гулдаста,
Шунча йиллик хотинин
Лойга булғар бир пасда.

Қўяр зумда дунёни,
Ғалва билан тўлдириб,
Аламимдан шу тобда,
Қўйгим келар ўлдириб.

Аmmo «ғиринг» демасдан,
Пасайишин кутаман,
Олишсам ёмон бўлар,
Индамасам — ютаман.

Баъзан юрар ё кўзим,
Ё пешонам кўкариб,
Жаҳди кетгач «кечир» дер,
Қўлларини кўтариб.



Опам жаврар эшитиб:
— Инсоф билан туртиб, ур,
Битта гапга шунчалик,
Қиладим, ер ютгур!

Эрга қирон келганми?!
Айрилади, кетади,
Онам айтар: — Ўлсаям,
Битта билан ўтади!

Сабр қилмай ёмонга,
Яхшисига қочасан,
Қўйиб берса сенларга,
Эр бозори очасан.

Опам дер: — Гулдай аёл,
Сўлиб кетса майлими?
Шу золимнинг қўлида,
Ўлиб кетса майлими?

— Эру хотин уриши —
Дока рўмол қуриши!
Ўзгармади ҳеч эрим,
Ўша-ўша туриши.

Бир кун яна уришди,
Ёқмай пиширган ошим,
Лаган билан бир солди,
Ёрилай деди бошим.

Йигирма йил яшадим,
Чидаб калтакларига,
Жондан ўтди бу сафар,
Қўл силтадим барига.



Қарор қилдим: — Кетаман!
Ҳувилласин хонаси,
Эрим деди: — Кетмагин,
Пул бераман, онаси.

Пул дарагин эшитиб,
Қизим тушди ёдимга,
«Кўйлак олиб беринг», деб,
Тегётганди жонимга.

Шу тоб бирдан жим бўлдим,
Урушдим на талашдим,
Қизгинамга кўйлак деб,
Эрим билан ярашдим.

Қизим кўйлагин кўриб,
Пўнғиллади ўғлим сал:
«Эсизгина, менгаям
Керак эди пойабзал.»

Дедим: «Сабр қил, болам,
Ҳали бой бўб қоламиз,
Яна бир калтак есам,
Сенга туфли оламиз».

Кутар эдим яна бир
Кўтаришин кўлини,
Ахир энди топгандим,
Пул ишлашнинг йўлини.

Айтардим бир камимни,
Кўпайтириб тўрттага,
Баъзан гаплариниям,
Қайтарардим жўртага.



Уришдан ҳеч дарак йўқ,
Синмади қўл, белим ҳам,
Пули кетиб, инсофга
Кеб қолипти эрим ҳам.

Туртимаиди, сўкмаиди,
Нима жинлар урипти?
Ўғлим ҳалиям эски
Туфлисида юрипти.

Гулда ё, пулда бўлса,
Ажаб, эркак хаёли,
Ўларда ҳам «болам» дер,
Ўзбекларнинг аёли.





НАВОИЙГА ҚЎШНИ БЎЛСАМ...

Яратгандан ҳали анча қарзим бор,
Қилолмаган қанча суннат, фарзим бор,
Кулмасангиз биттагина орзум бор:
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

Ўртадаги деворимиз гуллардан,
Хизматкорлар бўлар, балки ҳурлардан,
Мен ул зотни қизғонардим улардан
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

Фазал айтса навосига жўр бўлиб,
Тонглар ҳамду саносига жўр бўлиб,
Йиғлай-йиғлай қолмасайдим кўр бўлиб,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

Уйларига Бобирмирзо келарди,
Яссавий, Машраб, Ҳувайдо келарди,
Оҳ, қандоғам ажойиб иш бўларди,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.


Гуллар узиб чиқарардим боламдан,
Ошлар сузиб чиқарардим боламдан,
Майли эди кетсам ёруғ оламдан,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

Сўрашса: «Сиз қайеридан жаннатнинг?»
Айтар эдим; «Қўшнисиман ҳазратнинг»
Кераги йўқ бошқа мулки давлатнинг,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

Роббим Аллоҳ, ҳимматингга кўмилсам,
Васлинг нури-раҳматига чўмилсам.
Қачон ўлсам, тупроғингга кўмилсам,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.



— Эй Марҳабо, бу не орзу, не ҳавас,
Қўшниликка арзийсанми сендай кас?
— Яратганга осон ахир, ажабмас
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.





ПОКЛИККА ҚАСИДА

«Рўмолсиз келибман, узр»
Муҳтарама Улуг

Ҳаё чимилдиғида юзларингиз пардада,
Мискинлик ҳариринда кўзларингиз пардада,
«Рўмолсиз кебман», дея бўлманг, бону, ҳижолат,
Андиша ҳижобинда сўзларингиз пардада.

Яшадингиз дарвешдай, сабрдан чодир қуриб,
Орзулари сиғмаган кўксингизга бир уриб,
Тириклик сўқмоғинда гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб,
Ҳалоллик-ла топган нон, тузларингиз пардада.

Яшади не шоирлар замонага мослашиб,
Булбулликни тарк этиб, тўтиликка хослашиб,
Доноликдир жим турмоқ, баъзан бир оз четлашиб,
Сукут ичра ростлару розларингиз пардада.

Ишқ ёққанда оловлар ўртандингиз, «ҳа, энди...»
Ҳижрон ёғса қировлар тўлғандингиз «ҳа, энди...»
Сўзга тугиб дунёни кўтаролсак қанийди,
«Ҳа, энди»-ла олову музларингиз пардада.

Яшаганда тортиниб, меҳмонларга ўхшайсиз,
Ўзни паст олган сари осмонларга ўхшайсиз,
Шайтон даҳл қилмаган қўрғонларга ўхшайсиз,
Нур ичинда баҳору кузларингиз пардада.

Яхшиям бахтингизга қўшиқ бор-а, азизим,
Бўлиш мумкин лаҳзада бахтиёр-а, азизим,
«Сояйи»ни куйлагач, руҳда бошланса базм,
Юрак чертган ул «дук-дук» созларингиз пардада.




Сиздай яшаш керакдир асли ҳар муслим аёл,
Оғир, вазмин, мулойим, тўғри сўз, тўғри хаёл,
Бу янглиғ хулқи жамил сиздан ўтган эҳтимол,
Поклик ичра ўғилу қизларингиз пардада.

Эғнида либос, кўнгли яланғоч Марҳабоман,
Бошида рўмол, фикри яланғбош Марҳабоман,
Шайтонга гоҳ душман, гоҳ қариндош Марҳабоман,
Сизнинг ҳатто ердаги изларингиз пардада.

Бир мато бўлсангизу эҳром қилиб кийолсам,
Ё кўнгил пештоқига байроқ қилиб илолсам,
Атлас бўлмай шундаям бўлардингиз беқасам,
Камтарлик шойисинда бўзларингиз пардада.

Нима у рўмол,ҳижоб, бу покликнинг олдида?
Нима у само, меърож, бу хокликнинг олдида?
Нима заиф иймоним, бу оқликнинг олдида?
Ҳижолат-ла қимтинган кезларингиз пардада.

Ойнамсиз, сизга боқиб ўнглайман рўмолимни,
Тузатаман оғишган фикримни, хаёлимни,
Рўмолим мени эмас, сизни кўпроқ танийди,
Умримда бир кун сизга ўхшаёлсам қанийди.





ҲАЖНОМА

Эй, шаҳри Макка, тупроғи тилло,
Байтул муқаддас, хонайи Аллоҳ,
Бир бор кўрай деб, Ҳаққа тавалло
Қилдим етишдим, алҳамдулиллаҳ!

Эй, Уй муборак — дардимга дармон,
Эрдинг неча йил кўнглимга армон,
Покиза маскан, эй, кони иймон,
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!

Тангри Таоло қодиру холиқ,
Қаддимни кўрди эҳромга лойиқ,
Армонда қолди қанча халойиқ,
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!

«Лаббайка»ни ўргатдим тилимга.
Ёлғиз Худони солдим дилимга,
Розиман энди ҳатто ўлимга,
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!

Каъба девори тегди юзимга,
Бахтдан бўлиб маст, келмам ўзимга,
Бўлди бу кунлар байрам кўзимга,
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!

Оғзимга тегди сув — «Оби зам-зам».
Бўлди қувончдан юзу кўзим нам,
Олиб боройин дўстларимга ҳам,
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!

Бордим Минога, чиқдим Арофат,
Тошларда ётдим, тан олди роҳат,
Асли бу заҳмат — менга саодат,
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!



Муздалифадан тош йиғиб олдим,
Шайтонга отиб, қасдимни олдим,
Дедим: «Иншааллоҳ, бошини ёрдим»
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!

Қурбонлик қилдим Аллоҳга атаб,
Сочим қирқилди бир энлик, ажаб,
Бўлдим ҳожилик бурчини ўтаб,
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!


Эй, пок Мадина — иккинчи ҳарам,
Расул туфайли бўлдинг муҳтарам,
Парвардигорим кўрсатди карам,
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!

Бердим саломлар расулуллоҳга,
Шукрлар этдим йиғлаб Аллоҳга,
Бермам бу кунни зарга, тиллога
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!

Мен бир Худонинг хас бандасиман,
Хасу ғубордан паст бандасиман,
Бахтидан бу кун маст бандасиман,
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!

Ҳожилик — менга улуғ саодат,
Яхши ишларни қилайин одат,
Юмушим бўлсин, фақат ибодат,
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!

Йиғлаб келгандим, кулиб қайтурман,
Иймон нурига тўлиб қайтурман,
Гўдак каби пок бўлиб қайтурман,
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!



Қилдинг мусулмон эй Ҳақ, Худойим,
Икки ҳарамни насиб эт доим,
Ризқимни яна қўшгин илойим,
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!

Дўстларимга ҳам тилай ҳар саҳар,
Насиб этсин шу муборак сафар,
Яхши дуолар бўлмас бесамар
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!

Ҳамду санолар Аллоҳга мудом,
Сенга йўллайин дуойи салом,
Марҳабодандир бу ожиз калом,
Сенга етишдим, алҳамдулиллаҳ!





РАМАЗОН

Келди шаҳри Рамазон,
Тўй – йиғинлар тўхтади.
Мачитларда ҳар кеча,
Ўқилади «Таровеҳ».

Ҳеч бир уйда кундузи,
Ёзилмайди дастурхон.
Оқшом тушса бошланар,
Ифтор — мавсуми эҳсон.

Атир сепмас аёллар,
Искашмайди гул исин.
Соғинишар ва лекин,
Ўпишмайди бир-бирин*.

Ташна бўлса иссиқдан,
Ювиб олар юзини,
Ош пишириб ўзлари,
Тотишмайди тузини.

Ҳамма ерда рўзанинг,
Файзу гашти билинар.
Ифторга деб гузарда,
Нишолдалар қилинар.

Шомдан кейин болалар,
Айтишади «Рамазон».
Қанд-панд сўриб уйига
Қайтишади бир замон.

* Эл ичида шундай гап бор, аммо ўпмоқ билан рўза очилмайди.



Гийбатчилар ўттиз кун,
Ҳазир бўлар тилига,
Шафқат кирар ғойибдан,
Ёмонларнинг дилига.

Гуноҳ қилса кичиклар,
Койишади мулойим,
Рамазон бир ой эмас,
Бир йил бўлсин, илойим.

Ихлос билан кекса-ёш,
Чекар очлик заҳматин,
Осмондаги сахий Зот,
Ёғдиради раҳматин.

Қорни очу кўнгли тўқ,
Масрур юрар «рўзалар»,
Бурчакларда қимтиниб,
Чой ичишар «кўзалар».

Йўқлашади бир-бирин,
Уришиб «пўм» бўлганлар,
«Жаннати» деб севилар,
Рўза куни ўлганлар,

Келса Қадр кечаси,
Ҳамма дуода уйғоқ,
Аллоҳ айтмиш: «Бу кеча,
Минг ойдан ҳам яхшироқ»,

Минг ойнинг ҳисобини,
Чамалаб кўрсам ҳозир,
Саксон уч йил ибодат,
Қилгандан ҳам яхшидур.



Бу имтиёз ўттиз кун,
Рўзасин сақлаганга,
Пок яшаб, пок қалб ила,
Роббисин поклаганга.

Келинчаклар шивирлаб,
Бахт тилайди ўзига,
Жаннат ҳури кўринар
Йигитларнинг кўзига.

Болалардан қутилмас,
Осон «Лайлат ул-қадр».
Ўйинчоқнинг тури кўп,
Болалар ҳам кўп ахир.

Ҳар рўзада донолар,
Ўйлаб ғариб тулларни,
«Фитррўза» беришиб,
Йўқлашади уларни.

Ҳеч бўлмаса ўттиз кун,
Турса шундай эътиқод,
Балки кирар умрга,
Ўттиз йиллик баракот.

Шундай гўзал яшамоқ,
Инсонларга қандай хос,
Афсус, афсус, афсуски,
Рамазон бир ой, холос...



МОМОХОН ПОШШОЙИМГА

Биттагина онаму,
Учтагина болам бор.
Бу оддий гап, қизиғи-
Аравонда холам бор.

Оғзин ҳали очмасдан,
Гунг бўлади, боз-бозлар,
Қошларин туришига,
Ош пиширар таннозлар.

Ўзи кулмай гап айтар,
Ичагингиз узилар,
Кимки ҳазир бўлмаса,
Таҳорати бузилар,

Хали ўлмасдан туриб,
Марсиямни ёз, дейди.
Ўзим эшитолмасам,
Не қизиғи бор, дейди?

Ўтирганда пошшодай,
Кибор туришлари бор,
Турганида «вой-вой»лаб,
Ўрдак юришлари бор.

Ошиқ бўлар хуснига,
Кимки кўрса бу Ойни,
Бир одамга Ҳақ наҳот,
Берди шунча чиройни?!

Камтар, оддий яшайди,
Нима у давлат, бойлик?
Саксон ёшли бу ойим,
Ўнта қиздан чиройлик.



Гоҳо қилиб хиргойи,
Гоҳида «ирдаб» берар,
Эсизгина ёшлик, деб,
Сўнгида йиғлаб берар.

Чоллари ҳам ўзидай,
Кўринади ёшгина,
Соқоллари ярашган,
Нурли, қаламқошгина.

Яшаб, яшаб дунёда,
Ортгирдилар икки қиз,
Сухбатимиз астиям,
Ширин бўлмас уларсиз.

Ўртоқлари бир дунё,
Уйлари тўла китоб,
Ўйлайсизки, кўнглида,
Нур сочар бир офитоб.

Ўқиганда байт, ғазал,
Хувайдо, Надимийдан,
Сел бўласиз, лол қилар,
Сўйласа қадимийдан.

«Машраб» деб, тебранганда,
Ҳар сўзи асал бўлди,
Саксон ёшга етганда,
Кўз тегиб, касал бўлди.

Илоё, тез тузалиб,
Жисмидан дард арисин,
Чоли билан юз ёшга
Кириб, қўша қарисин.



Мархабо дер: файзлари,
Юқиб қолсин бизгаям,
Сухбатида бўлмоқлик,
Насиб этсин сизгаям.

Биттагина онаму,
Учтагина болам бор,
Бу оддий гап, қизиғи-
Аравонда холам бор.

Ҳали келса кўрасиз,
Кула, кула «ўласиз».





БОЛАМГА

Ой туғса ҳам-боламга,
Кун туғса ҳам-боламга,
Болам бахтли бўлмаса,
Нега келдим оламга?!
Боламга.

Неки яхши нарса бор,
«Онамга» десам бир бор,
«Боламга» дедим минг бор,
Боламга.

Илинаман жонимни,
Чайнаб турган нонимни,
Фараҳли ҳар онимни,
Боламга.

Жигаримдан юлиб ҳам,
Душманимга кулиб ҳам,
Боламга дедим ҳар дам,
Боламга.

Оллоҳ! Бу қандай миллат,
«Боламга» дейди фақат,
Бу қандайин муҳаббат
Боламга?

Оллоҳ қилсин иноят,
Булсин йўли ҳидоят,
Ҳавзи Кавсару жаннат,
Боламга.

Саҳарим ҳам, шомим ҳам,
Остонам ҳам, томим ҳам,
Марҳабохон номим ҳам,
Боламга.



ТИЛАК

Ҳар бандани дунёда,
Умри бўлсин зиёда,
Юрсангиз ҳам пиёда,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.

Дилни босса ташвиш, ўй,
Татирмиди байрам, тўй?
Бўлмасангиз ҳам хушрўй,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.

Уйда бўлса ул-бул кам,
Ташвиш бўптими шуям?!
Энг муҳими, жон укам,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.

Ақча бу – рангли қоғоз,
Шукр қилинг кўпми, оз,
Яшайин десангиз соз,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.

Оғриб турса жонингиз,
Қоронғу осмонингиз,
Кетса кетсин молингиз,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.

Оғзингдан тушса ҳам тиш,
Бошингга тушмасин иш,
Айтдим қўйдим мен дарвеш,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.

Эй, Мархабо, чин омад –
Кўнгилдаги ҳаловат,
Келгандаям қиёмат,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.



МАКТАБ

Синфхона асли бу дунё,
Еру осмон ҳудуди аро,
Ҳаёт деган мактабда гўё,
Ўқияпман ҳалиям.

Ҳар бир тонгим – илк кўнғироқ,
Ҳар бир шомим – сўнги кўнғироқ,
Гоҳ аълочи, гоҳ бўлиб қолоқ,
Ўқияпман ҳалиям.

Синфдошларим ҳам турфа хил,
Бириси саҳий, бириси бахил,
Гоҳ тортишиб, гоҳ бўлиб аҳил,
Ўқияпман ҳалиям.

Ҳар одам бир дарслик, бир китоб,
Теграси тўла илм, беҳисоб,
Ҳар қайсисин варақлаб шитоб,
Ўқияпман ҳалиям.

Шу мактабда улғайдим, ўсдим,
Эллигинчи синфга кўчдим,
Ҳато қилсам койима, дўстим,
Ўқияпман ҳалиям.

Кўрмаганим кўриб олай, деб,
Билмаганим билиб олай, деб,
«Икки»мни «беш» қилиб олай, деб,
Ўқияпман ҳалиям.

Гоҳ баланд, гоҳ пастда ўтирдим,
Гоҳ соғ, гоҳо хаста ўтирдим,
Лек бир умр дарсда ўтирдим,
Ўқияпман ҳалиям.



Кундалигинг — номаи аъмол,
Эй, Мархабо, яшагин ҳалол,
Бир кун бор деб сўроғу савол,
Ўқияпман ҳалиям.





ОДАМ

Ол ибрат, бу ажиб дунё, у ҳам одам, бу ҳам одам,
Бири боғу, бири сахро, у ҳам одам, бу ҳам одам.

Бирига жон нисор этсам, бирин ташлаб қочиб кетсам,
Бири-нодон, бири-доно, у ҳам одам, бу ҳам одам.

Бирининг меҳрига зорман, ва гардига харидорман,
Биридан сақласин Аллоҳ, у ҳам, одам бу ҳам одам.

Бирин тингла-ю қил роҳат, бири сўзласа йўқ тоқат,
Бири-оми, бири-мулло, у ҳам одам, бу ҳам одам,

Бири ошкор қопар итдай, ва ё пинхон чақар битдай,
Бирин феъли ҳалим, зебо у ҳам одам, бу ҳам одам,

Адашма ўхшаса барқи, эмас тенг иккисин нархи,
Бири мису, бири-тилло, у ҳам одам бу ҳам одам,


Оёғу қўл, вужудлар бир, нетай, Аллоҳ, кўнгил ҳар хил,
Бири-қўлмак, бири-дарё, у ҳам одам, бу ҳам одам,

Бири мискин, бири бойдур, вужуди асли бир лойдур,
Бирин паст кўрмагин асло, у ҳам одам, бу ҳам одам.

Бири кофир, тубан, расво, бирисида иймон, тақво,
Фарангми, ҳиндими, тарсо, у ҳам одам, бу ҳам одам.

Бу дунё одамистондир, ким ул одамшунос, оқил,
Адашмас танласа ошно, у ҳам одам, бу ҳам одам.

Жаҳонга, Марҳабо, бир боқ, олов. сувга эмас ўртоқ,
Ва шундан жанжалу ғавғо, у ҳам одам, бу ҳам одам.



МАСТ БЎЛАМИЗ

Биз маст бўлсак, муҳаббатдан маст бўламиз,
Гўзалликдан, нафосатдан маст бўламиз,

Яйрашимиз учун шароб керак эмас,
Саҳарлари ибодатдан маст бўламиз.

Юракка ишқ найзасини санчиди ёр,
Оғриси шу жароҳатдан маст бўламиз,

Қай маҳалки, ёрнинг номи айтилганда,
Қалбга кирган хароратдан маст бўламиз.

Сухбатлашиб ўтирганда доно билан,
Тўймай ширин мулоқотдан маст бўламиз,

Олимлару донишларнинг даврасида,
Қуръон, ҳадис, ривоятдан маст бўламиз.

Аллоҳ, Аллоҳ, бу не ширин оҳанг эзур?!
Кўз ёш тўкиб, қироатдан маст бўламиз,

Ҳофиз қўшиқ куйлаганда тебранишиб,
Авж пардаю, дароматдан маст бўламиз.


Ҳар нарсадан гўдагимнинг иси ширин,
Ҳидлаб ушбу саодатдан маст бўламиз,

Шаробсиз ҳам бандани маст қилар иш кўп,
Ҳисоб вақти хижолатдан маст бўламиз.

Сиз май ичиб, бода ичиб юраверинг,
Биз қўрқишиб қиёматдан маст бўламиз,



Эй, Марҳабо, иншооллоҳ, иншооллоҳ,
Уша буюк зиёфатдан маст бўламиз.





ЯШАШНИ ЎРГАТАМАН

Мен ўзимни севаман,
Менга ўзим ёқади,
Энди менга барибир,
Ким қанақа боқади.

Нуқсонлими, қорами,
Юзим – менинг юзимдир,
Дунёда энг чиройли,
Битта одам – ўзимдир.

Қўлим юпқа ва лекин,
Йўқдан кўра шукр, бор,
Бу дунёда ҳеч одам,
Эмас мендай бахтиёр.

Гап эшитсам, жилмайиб,
Калтак есам, куламан,
Чап юзимга уришса,
Ўнгин тутиб тураман.

Юрак деган қабрга,
Армонимни кўмганман,
Ва устида боламга,
Ўйин тушиб берганман.

Ҳар тонг қараб ойнага
Дейман: менинг ғамим йўқ,
Мен соғломман, мен зўрман,
Ташвишим йўқ, камим йўқ.

Нохушликлар бор, лекин,
Мен улардан қарз эмас,
Ҳеч қайсиси жонимни,
Тикишимга арзимас.



Хомуш бўлар баъзилар,
Сочин оқин санашиб,
Менга эса турибди,
Ажинлар ҳам ярашиб.

Тикан-тикан, гул-гулдир,
Ҳар нарса ўз ҳолича,
Азизларим, дунёни,
Қабул қилинг борича.

Осон яшай десангиз,
Маслаҳатим олволинг,
Ўзингизни озгина,
«Жинни»ликка солволинг.

Не кун кўрсам барига,
Аллоҳ рози — мен рози,
Яратганнинг қўлида,
Энг тўғри тош-тарози.

Яшашга эмас бизни,
Имтиҳонга ташлабдур,
Пирим ўша ковушсиз,
Девонайи Машрабдур.

Кўйлагимни сўрашса,
Тўнимни ҳам бераман,
Тиканларнинг ичидан,
Лолаларни тераман.


Қизим қайтиб кептими?
Ажаб бўпти, хўп бўпти!
Бугун яна бойибман,
Битта ташвиш кўп бўпти.



Нархи қанча? Опкелинг,
Фамингизни оламан,
Бор пулимга ташвишу,
Камингизни оламан.

«Фам» сўзидан ўзимга,
«Шодлик» сўзин ясайман,
Мен шунақа, ўзимни,
Хурсанд қилиб яшайман.

Телба экан-ку, дея,
Кулмангиз Марҳабога,
Барча ҳисоб-китобни,
Қўйиб қўйдим Аллоҳга.





ЎЗИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Азизларим, меҳрибонларим,
Дўсту ёрон, қадрдонларим,
Жонингизга куяр жонларим,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Тириклик деб, чопган оталар,
Рўзғорим деб, шошган оналар,
Жонингизга қуймас болалар,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Қиз аразлаб келса юрак қон,
Келин чимирилса дил вайрон,
Ағдар-тўнтар бўлса ҳам жаҳон,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Таранг-таранг тортилар асаб,
Емираркан инсонни ғазаб,
Қон томирлар бунча мўрт, ё Раб?!
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Тортишувда бир сўздан қолиб,
Нохуш гапни ҳазилга олиб,
Дилозорни Худога солиб,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Эй дўст, ҳар не касби корингиз,
Ҳамроҳ сизга ташвиш, зорингиз,
Ёнингизда юрсин дорингиз,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ўлим — ёмон, даҳшатли тақдир,
Аммо дўзах олдида бахтдир,
Асли ўша оловдан ҳозир,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.



Энг аввало ношукр бўлманг,
Жоҳил билан ҳамфикр бўлманг,
Беибодат, безикр бўлманг,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ҳаққингизни бермаса бахил,
Кўргизсалар зулumu қаҳр,
Ҳисоб куни келар-ку ахир,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Қандай шараф, Аллоҳга қайтиш?!
Шартмас шунча ўлимдан кўрқиш,
Охиратда қолган ҳамма иш,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Сизга санчиб сўзнинг найзасин,
Яйраса шу нодон яйрасин,
Сукут билан енгинг ҳаммасин,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Кечирганни кечирур Аллоҳ,
Паноҳ берган топади паноҳ,
Ёмонликдан не чиқади, оҳ!
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Дўст томонга талпининг ҳар дам,
Кўринг қувонч ташвишни баҳам,
Одам тафтин олади одам,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Қуръон, хадис, шеърият, санъат,
Доно билан бир ширин суҳбат,
Мана-ку сиз қидирган жаннат?
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.



Ғам келганда куюниб кетманг,
Бахт келганда суюниб кетманг,
Сокин яшанг, осуда яшанг,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Кўзлар ҳали кўриб турганда,
Юрак ҳали уриб турганда,
Оёғингиз юриб турганда,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Елкангизда икки фаришта,
Уларнинг кўллари ёзишда,
Марҳабо дер: ҳар сўз, ҳар ишда,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Шукр дўстлар, борингиз учун,
Фарзанд, жигар, ёрингиз учун,
Мендай харидорингиз учун,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.





КЕЛИН ТАНЛАГАНДА АДАШМАНГ

Ёлғизгина ўғли бор аёл,
Ширин-ширин сурасиз хаёл,
Бир гап айтай келмасин малол,
Келин танлаганда адашманг.

Суриштирасиз ким онаси,
Озодами, ҳовли — хонаси,
Ичидадур одам оласи,
Келин танлаганда адашманг.

Кимларгадир бой келин керак,
Кимга юзи ой келин керак,
Сиз қидиринг бир тоза юрак,
Келин танлаганда адашманг.

Деманг, гўзал қўғирчоқ бўлсин,
Ўғилчамга овунчоқ бўлсин,
Ҳаёт эмас қўғирчоқ ўйин,
Келин танлаганда адашманг.

Ўғлингизга нажот бўлсин у,
Кишан эмас, қанот бўлсин у,
Доно бўлсин сиз топган сулув,
Келин танлаганда адашманг.

Агар бўлса молпараст, нодон,
Рашкчи, бетга чопар, бадгумон,
Болангизга юттиради қон,
Келин танлаганда адашманг.

Ўғлингизни бор қилган ҳам шу,
Ва ё хору зор қилган ҳам, шу,
Нозик, аммо буюк кучдир у,
Келин танлаганда адашманг.




Дарахтни силкитсанг ёғар қиз,
Қайси тилло, қайси бири мис,
Ўғли кўплар адашсаям, сиз,
Келин танлаганда адашманг.


Бўлсин қўли ширин, меҳрибон,
Шу қўллардан ейсиз ошу нон,
Балки шу қўлда берасиз жон,
Келин танлаганда адашманг.

Яқин қилар йироғингизни,
Кутар дўсту ўртоғингизни,
Шу қиз ёқар чироғингизни,
Келин танлаганда адашманг.

Қай қизники одоби бордир,
Қалбида нур, офтоби бордир,
Керак бўлса тинчлик, бахт, ҳузур,
Келин танлаганда адашманг.

Ҳайрон бўлманг, дўстларим, асло,
Агар ўлар бўлса Марҳабо,
Қабридан ҳам чиқар шу нидо:
«Келин танлаганда адашма-а-а-нг!»





АРМОН

Бўларкансан ёшликда нодон,
Кибри баланд, гурури осмон.
Изимизда йиғладингиз қон,
Биз рад этиб кетган йигитлар.

Совғангизни отворгандиг-а,
Хатингизни йиртворгандиг-а,
Писанд қилмай кетворгандиг-а,
Биз рад этиб кетган йигитлар.

Танлаб-танлаб учраб тозига,
Чидаяпмиз фироқ, нозига.
Арз қиламиз қайси қозига,
Биз рад этиб кетган йигитлар.

Онангиз-ей патирлар ёпиб,
Уйимизни қидириб топиб,
Ҳар уч кунда келарди чопиб,
Биз рад этиб кетган йигитлар.

Олдингиздан ўтамиз кесиб,
Кўйлагимиз ямоғин тўсиб,
Жилмаямиз турсак ҳам ўксиб,
Биз рад этиб кетган йигитлар.

Ёнингизда биздан гўзал ёр,
Яшаяпсиз тўкис, бахтиёр,
Мақтангудек бизда нима бор?
Биз рад этиб кетган йигитлар.

Ношуд эрнинг қўлида хормиз,
Суянчига, меҳрига зормиз,
Ўлмадиг-а, ҳалиям бормиз,
Биз рад этиб кетган йигитлар.




Елкамизда рўзгор халтаси,
Эгнимизда Хитой латтаси,
Увол бўлдик, гапнинг калтаси,
Биз рад этиб кетган йигитлар.

Турмуш оғир, асаблар таранг,
Эплай олмай бошимиз гаранг,
Ким эдигу, ким бўлдик, қаранг,
Биз рад этиб кетган йигитлар.

Кўча-куйда кўрарсиз балки,
Ҳайрон бўлиб турарсиз балки.
«Ула!» дея куларсиз балки,
Биз рад этиб кетган йигитлар.

Хижолатдан юрамиз чўкиб,
Нодон юрар тақдирни сўкиб,
Пешона-да, нетамиз ўксиб,
Биз рад этиб кетган йигитлар.

Тупуриб қалбингиз кўрига,
Ўзимизни олдик тўрига,
Тегмадигам сиздан зўрига,
Биз рад этиб кетган йигитлар.



**«УШАБТУРИНГ»**

Йўқ ўзбекдек болажон халқ,
Қайнонаси қаҳрамон халқ,
Набиралар малах-малах,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Ҳовлим бўлди болабоғча,
Ҳар йил битта чақалоқча,
Кир чиқади бўхча-бўхча,
Менинг отим — «Ушабтуринг»

Уйим — марказ, уйим — пакка,
Бир он турмам ҳоли, якка,
Уйғонишар турмай ҳакка,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Фикр, зикр тиловат йўқ,
Уйқумдаям ҳаловат йўқ,
Шундан юзда тароват йўқ,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Тилим эртагу алада,
Ҳеч не қолмади каллада,
Ҳамма билар маҳаллада,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Уйим тўла китоб, уни
Ўқишга бир фурсат қани?
Овутиб бир тирранчани,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Етказганига минг шукр,
Нетай, толса бошим қурғур?
Нолиётган бўлсам узр,
Менинг отим — «Ушабтуринг».



Қўлимда бўлса биттаси,
Этагим тортар тўрттаси,
Атрофда яна ўнтаси,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Ҳой, укангни туртма, болам,
Ҳой, пардани тортма, болам,
Китобимни йиртма, болам,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Ҳой-ҳой, гулни узиб қўйма,
Соатимни бузиб қўйма,
Иштонингга сузиб қўйма,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Ойлиги йўқ қози — ўзим,
Занжири йўқ този — ўзим,
Ким не деса рози ўзим,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Дарё эдим оқмай қолдим,
Ойнага ҳам боқмай қолдим,
Эримга ҳам ёқмай қолдим
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Кўпайишар борган сари,
Ичикармиш қилсам нари,
Ўлиб кетсам қолар бари,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Асабларим элак-элак,
Ғалвалардан ўйнар юрак,
Жоним ўзимга ҳам керак,
Менинг отим — «Ушабтуринг».



«Той-той» турди, юриб кетсин,
Йиқилибди, туриб кетсин,
Олим, дониш бўлиб кетсин
Менинг отим – «Ушабтуринг».

Ўртоғларим, айланайлар,
Эшитмасам бақирманглар,
«Марҳабо», деб чақирманглар,
Менинг отим – «Ушабтуринг».

Ёзим ўтиб, қишга кирдим,
Ғалва, жанжал, муштга кирдим,
Чўриликка ишга кирдим,
Менинг отим – «Ушабтуринг».





ПЕШОНА БОЗОРИДА

Танлаб-танлаб ўлчаб бўй,
Орзулаб қилинар тўй.
Қўшилар бўрига қўй,
Пешона бозорида.

Оловни сувга қўшар,
Соддани қувга қўшар,
Атай қилганга ўшар,
Пешона бозорида.

Бир бадфельга бир зебо,
Бир кўлмакка бир дарё,
Бир нодонга бир доно
Пешона бозорида.

Гул билан гул бўлса жам,
Бўлмас эди кўзлар нам,
«Мен бахтлиман!» деган кам
Пешона бозорида.

Сахро билан боғ яшар,
Жарлик билан тоғ яшар,
Жинни билан соғ яшар,
Пешона бозорида.

Чаққонга бир илмилик,
Жиддийга бир серқилик,
Яшаш керак, сип-силлик,
Пешона бозорида.

Эр яйрайди куй тинглаб,
Хотин ўтирар эснаб,
Қовушмайди гапга-гап,
Пешона бозорида.




Бўлмагурга бўгулик,
«Тавба! Тавба!» дегулик,
Аллоҳ, бу не кўргулик?!
Пешона бозорида.

«Вақти бўб қолди», деймиз,
«Тақдир кеб қолди», деймиз,
Шошқалоқлик қиламиз
Пешона бозорида.

Гоҳ қувонч, гоҳ доду вой,
Нетамиз, Мархабо ой?
Ярим дунё пойма-пой,
Пешона бозорида.

Ҳар иш Аллоҳданми, бас!
Сабр эт, бўлма бахтпараст,
Ҳеч иш беҳикмат эмас,
Пешона бозорида





ЗАМОНАВИЙ ЭРТАК

Бир чолнинг «Запарож»и
«Нексия»га урилди,
«Нексия»нинг орқаси,
Синди, тушди, сурилди.

Бўғилиб чолга деди,
«Нексия»нинг эгаси:
— Биласизми, қанчага,
Тушар бунинг чегаси?

Бўёқ, чироқ, хўх-хў, бу
Фалон пулсиз битмайди,
Ҳатто машинангизни,
Сотсангиз ҳам етмайди.

Чол дейди: — Болам, тўхта,
Худодан-ку бўлса не,
Кўрсатаман бир нарса,
Машинамга ўтир, ке.

Кўйнидан бир хумчани,
Олиб шивирлади чол:
— Бизга кўк чой дамлаб кел,
Хой, жин, қани, чиқа қол.

Хумчасидан жин чиқиб,
Чойни қилди муҳайё,
Йигит ёқасин ушлаб,
Деди: — Астаффируллоҳ!

У бундай мўъжизани
Кўрмаганди ҳеч қачон,
Деди: — Шу хумчангизни,
Менга сотинг, отажон.

Чол сўзлади: — Бу хумча
Менга қолган отамдан,
Бу эсдалик нарсани
Сенга қандай сотаман?

Йигит чолни авради:
«Нексия»ни бераман,
Ва устига ўн миллион,
Сўм ҳам олиб келаман.

Бир лаҳзада хумчанинг,
Бозори кетди қизиб,
Йигит «Нексия»сини
Чолга берди ўтказиб.

Уйга келиб, хумчани
Ишқалади-чиқди жин,
Ҳамма ҳайрон, жин деди;
— Нима қилай, хўжайин?

— Хотинимга, қизимга,
Машина, тақинчоқлар,
Ўфилларимга завод,
Фабрика, ҳовли-боғлар.

Менга эса бир юртнинг,
Пошшолигин бера қол,
Бизга не сотганини,
Кўриб қўйсин лақма чол.

«Нексия» ҳам матоҳми?!
Мен ҳайдайман самолёт.
Йўқ-йўқ, қўлимда бўлсин,
Бутун бир аэрофлот.



Қўрқиб кетиб йигитга,
— Шошманг-шошманг, — деди, жин,
Кимга нима, дедингиз,
Тушунмадим, хўжайин?

Сиз айтган нарсаларни,
Қила олмайман чиндан,
Чунки мен бори йўғи,
Чой дамлайдиган жинман.

Бузилиб атроф муҳит,
Не қўйларга солмади?!
Ҳатто эртақлардаям,
Ҳақиқий жин қолмади.

Хуллас, йигит хумчани,
Жинга отиб урибди,
Чол «Нексия»да зув-зув,
Кира қилиб юрибди.





ТОВУС

Менинг етолмаган икки орзум бор:
Бири – билагузук таққим келади,
Иккинчиси эса ундан ҳам қизиқ –
Уйимизда товус боққим келади.

Билмасман товуснинг бозори қайда,
Роҳати қайда-ю, озори қайда,
Агар ўлиб қолса, мозори қайда?
Уйимизда товус боққим келади.

Дерлар: «Девор ошар ўша парранда,
Бўласан қўшнилари ичра шарманда».
Ахир, нима қилай, ман ҳам бир банда,
Уйимизда товус боққим келади.

Бу ҳам бир дунёга берилиш деманг,
Молу давлатига керилиш деманг,
Кўнгил кўчасида ўзим ҳангу манг,
Уйимизда товус боққим келади.

Не-не орзуларга етганман, шукр,
Неларни истамас бу кўнгил қурғур,
Орзу ҳам шунақа бўладими сур,
Уйимизда товус боққим келади.

Бу гаму ҳасратга тўла оламда,
Ҳар хил ҳолат бўлар экан одамда,
Ҳамма ишни қўйиб, худди шу дамда,
Уйимизда товус боққим келади.

Патларин ёйса у, ҳайрондир башар,
Бу қандай мўъжиза! Бу қандай асар!
Офарин, буюк Зот, Аллоҳу Акбар!
Уйимизда товус боққим келади.



Сотиб олишга-ку етмайди ақчам,
Мени тинч қўймаса не қилай бу ғам?!
Кўйлак, рўмолимни сотиб бўлса ҳам,
Уйимизда товус боққим келади.

— Кап-катта одамга товус нимаси?!
Йўқми Марҳабонинг бошқа ғалваси?
— Жонимга теккандур балки ҳаммаси,
Уйимизда товус боққим келади.





ЧИМИЛДИҚДАГИ НАСИХАТ

Келинпошшо, мен ўзим инжиққина боламан,
Безътибор бўлсангиз, хафа бўлиб қоламан,
Ақл, ғайрат, зийраклик насиб қилган йигитман,
Бурганинг ичагига, хасил қуйган йигитман,

Ёр бўлсангиз менга чин, айтайин бир дардимни,
Кирмасангиз гапимга, тополмайсиз гардимни,
Яхши, ёмон феълимга кўнмасангиз бўлмайди,
«Гаҳ» деганда кўлимга, кўнмасангиз бўлмайди.

Ҳар кун қошга ўсмаю, кўзга сурма сурасиз,
Парийлардай қошимда, таъзим билан турасиз,
Ишда менга не амал, пешонамдан кўраман,
Аммо уйда биргина, «пошшо»ликка кўнаман,

Ҳамма пайт, ҳамма вақт «лаббай» дейсиз чақирсам,
«Куллуқ» дейсиз баъзида, феълим келиб бақирсам,
Атрофимда айланиб, мен инжиқни овутинг,
Не қилсангиз қилингу, аччиғимни совутинг.

Чиройингиз, нозингиз бўлсин фақат ўзимга,
Бетабассум, бепардоз кўринмангиз кўзимга,
Канизагим бўлсангиз, ширин сўзу, мулойим,
Шунда сизни бошимда кўтараман, гулойим.





ИЗҲОР

Дугоналаримга

Билмадим бу ерда борлигингизни,
Иншооллоҳ гўзал бўлиб келардим,
Қошимга билинмас ўсмалар тортиб,
Кўзимга сурмалар қўйиб келардим.
Нимага тушларим огоҳ этмади?
Нега қовоқларим учиб нетмади?
Бу рангсиз кўйлақда келмасдим асло,
Таъбу, хафсаламга бўлди бир бало,
Билсайдим юрагим куйлаб келарди,
Рухимда жийдалар гуллаб келарди,
Нимага кўққисдан шошдим бу ёққа,
Паришон қиёфа, ҳорғин сиёқда?
Энди бундан тезроқ кетақолайин,
Сиз кўрмай уйимга етақолайин.
Сизнинг қаршингизда турмайин сўлиб,
Ёнингизга келай чучмома бўлиб,
Сиз бор жойда ойдек тўлингим келар,
Кўзингизга ўтдай кўрингим келар.





ФАХР

Хотиримни қилиб жам,
Астойдил ўйлаб кўрсам,
Ишбилармон кўп одам,
Юртимиздан чиқади.

Хиндистондан келган қуш,
Узум чўқиб кўнгли хуш,
Қурт-қумурсқага улуш,
Юртимиздан чиқади.

Чет юртларга мингдан-минг,
Мева элтган карвоннинг,
Тенг ярими, ишонинг,
Юртимиздан чиқади.

Шоирларнинг зўри ҳам,
Олимларнинг зўри ҳам,
Дину иймонга маҳкам
Юртимиздан чиқади.

Ҳофизларнинг булбули,
Боғбон йигитлар гули,
Дехқонларнинг серпули,
Юртимиздан чиқади.

Пирдек ҳожи оталар,
Гулдек ҳожи оналар,
Иқтидорли болалар,
Юртимиздан чиқади.

Худо хоҳласа агар,
Ойга қурилса шаҳар,
Энг биринчи савдогар,
Юртимиздан чиқади.



Ер остида, бир қатда,
Нефт кони бормиш катта,
Ҳақ хоҳласа албатта.
Юртимиздан чиқади.

Қўлласа Аллоҳ эгам,
Яшасак аҳил, бирдам,
Ҳар яхшилик бўлиб жам,
Юртимиздан чиқади.



АНЖОНЛИККА ҶХШАЙДИ

Учради бир мард одам,
 Чопони бегард одам,
 Бу оқ кўнгил сарт одам,
 Анжонликка ўхшайди.

Жонни тикар дўст учун,
 Оқибати, меҳри чин,
 Гаплари бутун-бутун,
 Анжонликка ўхшайди.

Давлат топса бари ҳам,
 Эл билан кўрар баҳам,
 Кўнгли бўш, бели маҳкам,
 Анжонликка ўхшайди.

Бир йигитда ўн ҳунар,
 Қадамидан гул унар,
 Курашсанг белинг синар,
 Анжонликка ўхшайди.

Мардлигидан ибрат ол,
 Бироз чапани, кўпол,
 Ҳазил қилса қочиб қол,
 Анжонликка ўхшайди.

Ғўзалари ҳар баҳор,
 Елим кўрпада ўсар,
 Деҳқонми бу ё, заргар,
 Анжонликка ўхшайди.

Улуғлари йигитдай,
 Шижоати бургутдай,
 Ўйлаб гапир, ё пирай,
 Анжонликка ўхшайди.



Ҳофизлари хушнафас,
Булбуллар қилар ҳавас,
Ютқазасан қилма баҳс,
Анжонликка ўхшайди.

Мен Бобурни эсласам,
Кўзларига келар нам,
Шоира Марҳабо ҳам,
Анжонликка ўхшайди.





ИККИНЧИ КИТОБ

(Ҳазил)

Алҳол чиқди китобим,
Турган эди босилмай,
Пул чиқмасди «ҳомий» – эр,
Бўйнига минг осилмай.

Вой, чиқди-я шу китоб!
Қувончдан кўз нам бўлди.
Бутун юртга тарқаган,
Шеърлар охир жам бўлди.

Юз минг нусха, ҳазилми?!
Дўконлар кетди тўлиб,
Аммо уч кун деганда,
Одоғ бўлди сотилиб.

Уйга бўлар қўнғироқ:
«Бизга етмай қолди-ку,
Мухлисларнинг устидан
Куляпсизми, нима бу?»

Мендан қанча танишлар
Хафа бўлиб кетмади,
Дедим: «Мени тушунинг,
Ўзимгаям етмади».

Китобим бўлиб кетди,
Таржима кўп тилларга,
Демак, менинг номим ҳам,
Кирди қанча дилларга.



Сотилётганмиш китоб,
Ҳиндистоннинг йўлида,
Кимдир кўриб қолганмиш,
Рим Папасин қўлида.

Руҳланиб кетдим жуда,
Ўзимгаям қойилман,
Ҳамма ўқияптими,
Демак, мен зўр шоирман!

Тавба, астафуриллоҳ,
Ўзинг кечир, Худойим!
Омадни Сен улашиб,
Банданг мақтанар доим.

Китоб чиқди дунёга,
Аммо кўнглим тўлмади,
Устоз Зулфия опа
Афсус буни кўрмади.

Татимади бу қувонч
Озод Шарофиддинсиз,
Билмадим, ё «савалаб»,
Ё алқар эди, эсиз.

Кўрмади кўп устозлар,
Бироз кўнглинг сўларкан,
Ҳеч бўлмаса Саид Аҳмад
Ўлмай турса бўларкан.


Энди Ўткир Ҳошимга,
Худодан умр тилай,
Ва Иброҳим Ғафурнинг,
Борига шукр қилай.



Рим Папаси-ку майли,
Элимга не наф бўлди?
Бу китобим ҳақида,
Осмонда не гап бўлди?

Ҳикматсиз шеър ёзганнинг
Ҳолига вой бўлса гар,
Ҳар икки дунёимга,
Бундан фойдами, зарар?

Бошим қотиб, бузилиб,
Турганида роҳатим
Минг шукурки, жиринглаб,
Уйғотворди соатим.





ХИНА

Болаларни тўйдирдим,
Ётоғига жойладим,
Ҳайит қилиб, қўлларимга,
Шу тун хина бойладим.

Дедим: — Бугун синаб кўрай,
Ҳафсалаю сабримни,
Болаларнинг дадаси ҳам
Кўриб кўйсин таъбимни.

Хина ахир бизлар учун,
Момолардан меросдир,
Билмам, нега унга ҳозир
Аёллар беихлосдир.

Бу фикримни ногоҳ бўлди,
Жавраб кириб, хўжайин,
Бир тугмаси бўшапти,
Йўл-йўл батис кўйлагин,

Боғлиқ икки қўлим билан,
Келтирдим ипу игна,
«Хинам бор» деб, узр айтиб,
Қараб турдим жимгина,

У-чи, сўзсиз лаънатлади,
Бир хинамни, бир мени,
Тажанг бўлиб, узоқ тургач,
Қўлга олди игнани.

Мени яна хаёл тортди:
Сабр қилиб бутун тун,
Тонгда очсам қўлларимни,
Кафтим бўлар лолагун.

Бу фикримни энди бўлди,
 Дадамизнинг «вой, дод!»и,
 Уйдан ҳатто қўшниларга
 Эшитилди фарёди.

Дедим: — Ҳай, ҳай, нима бўлди?
 Деди: — Вой, вой, жон чиқди!
 Игна кирди жимжилоққа,
 Мана кўргин, қон чиқди!

Иситмам ҳам чиқса керак,
 Ўлчагич қўй, қўйнимга,
 Қўлгинамни секин бойлаб,
 Осиб қўйгин бўйнимга.

Рози бўлгин мендан, хотин,
 Ўлиб қолсам бўлма лол,
 Кўз ёшингни арту ўтир,
 Васиятга қулоқ сол:

«Жон чиқарда тилдан қолсам,
 Қуриб қолса томоғим,
 Оғзимга оқ пахта билан,
 Сув томизгин, уч томим.

Болаларни ўкситмагин,
 Эҳтиёт бўл ўзингга,
 Сен бевасан, сурма-пурма,
 Қўйиб юрма, кўзингга!»

Видолашдик, у ўлимни,
 Эснаб-эснаб, кўп кутди,
 Сўнг кўрпага бурканди-ю,
 Бармоғини унутди.



Эс-хушимни йиғиб секин,
Қўлга олдим игнани,
Қадаб қўйдим кўйлактаги,
Бўшаб қолган тугмани.

Қайда қолди қўйган хинам,
Сурган ширин хаёллар?
Охир билдим, нега хина,
Қўймас ҳозир аёллар.





АРМОН МАНЗАРАСИ

Севиб олма отгандинг,
Осмонга бориб етди.
Ойни мўлжаллагандинг,
Юлдузга тегиб кетди.

Тақдир экан адашдинг,
Оҳ, ёнасан пушмонда,
Юлдуз «учиб» куйдирар,
Ой ҳалиям осмонда.





ШУКРОНА

Сен биласан қандайлигимни,
Девонага яшаш осонмас,
Унга душман керакмас, ўзи,
Ўзи билан яшар қасдма-қасд.

Унинг умри жангдан иборат,
Душманлари – ҳур фикрлари,
Толеи ҳам, бахтсизлиги ҳам
Бошқаларга ўхшамагани.

Бу ҳаммаси беҳикмат эмас,
Яратганинг учун ташаккур,
Қандай бўлсам шундайлигимча
Шукур, шукур, минг бора шукур.





ДЎСТИМИЗ ИЗЗАТИЛЛОНИНГ ПЎСТИНИГА

(Абдулхай Каримов тилидан)

Қиш кунда борганда Самарқандга бечопон,
Сени кийдирди менга бир ошнои қадрдон,
Деди: «Уйга етгунча кийиб юринг, акажон,
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.

Бу қаҳратон совуқда юриб бўлмас пўстинсиз,
Яна шамоллаб қолманг, ҳофизгина дўстимсиз»,
Малҳам бўлдинг жонимга, нима қилардим сенсиз?!
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.

Фил териси эдингми, бунча қалин бўлибсан?
Қай манзилда ошланиб, қай манзилда қурибсан?
Шу ерда ҳам эгангга савоб йиғиб юрибсан,
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.

Кийиб юриб қилурман, ҳар тугмангга минг шукр!
Ҳар ёқанг-у, ҳар ёнинг, ҳар бурмангга минг шукр!
Ҳар чўнтагинг, ҳар чокинг, ҳар бўлмангга минг шукр!
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.

Олқишлаб юрди сени, ҳар елкам, ҳар курагим,
Сен илиқ сақлаб турган, ҳар ўпкам, ҳар суягим,
Меҳр учун таъзимда, ҳаммадан ҳам юрагим,
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.

Гоҳо бошимни ўраб, гоҳо ёпдим устимга,
Гоҳо елкамга ташлаб, гоҳ тўшадим остимга,
Қайтганингда бир қучиб, «рахмат» деб қўй дўстимга,
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.




Саккиз қарич жуссамга бир енгинг ҳам етарди,
Совқотганда янганг ҳам кирса, сиғиб кетарди,
Жаннатда юргандайин жисмим қўшиқ айтарди,
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.

Қилиб юрдим дуолар, чертиб, қоқиб, пуф-пуфлаб,
Чўнтаклари ақчага тўлиб юрсин, суф-суфлаб,
Сени кийган дўстимга кўз тегмасин, туф-туфлаб,
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.


Энди ҳар қиш сени бир эсламасам бўлмайди,
Ошноларга сен ҳақда сўзламасам бўлмайди,
Сенга атаб бир қўшиқ куйламасам бўлмайди,
Каттақўрғонлик дўстим, устимга ёпган пўстин.

Ашъор-ла сохибингни дуо қилур Марҳабо:
«Иссиққина танида эскиргин, иншооллоҳ,
Умрию давлатини зиёда қилсин Аллоҳ»,
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.





Шукур, шукур,
минг шукур





МЕҲМОН КЕЛГАНДА

Талаба йигит уйида

Рўзгор — “гор” да гўё атайин
Ҳамма нарса тугаган замон,
Шошиб-пишиб келар хўжайин:
— Меҳмон олиб келдим, хотинжон!
— Вой, айланай сиздан, даласи,
Писта-майиз қолмовди тақир.
— Бир гап бўлар энди, аяси,
Киролмадим бозорга, ахир.
Хуллас, уйга кирганда меҳмон,
Юраклардан ёздик дастурхон.
— Қани, меҳмон, меҳрдан олинг,
Кўзимизнинг косасида ул.
Оғзингизга кулгудан солинг,
Буғдой сўзли тиллар сизга қул.
Қушиқларнинг ажойиб таъми,
Тотинг, оҳ-оҳ, сўзлари майин.
Юракларга тугилиб жаъми
Фарғонадан келган атайин.
Қани, меҳмон, шеър деган шарбат
Жигарлардан чиққан сузилиб.
Тотиб кўринг, ҳар қултими қанд,
Чигилингиз кетар ёзилиб.
Чеҳрамизда хандалар, ҳай-ҳай!
Чақинг, кутманг таклифимизни.
Қиш фаслида бир қучоқ гул деб
Қабул қилдик ташрифингизни.





“ҚАДИМШУНОС”

Юрагимни қазсам мен агар,
Туб-тубидан дарёлар чиқар.
Меҳр деган, муҳаббат деган
Ойдин-ойдин дунёлар чиқар.

Юрагимни қазсам мен агар,
Чиқар хушрўй отам ва онам.
Олти қизча ва бир той бола
Яшаётган ёруғ бир олам.

Оқ-сарикдан келган, хушбичим
Бобом ўлтиради дўконда.
Ним йўталиб ҳалим кампири
Уйғотади бизларни тонгда.

Юрагимни қазсам мен агар,
Чопон ёлиниб келар бувим.
Мақтанади: “Бегона эркак
Ҳанузгача кўрмаган юзим”.

Қайнаб турар доим шўрваси,
Қозониям дўппидеккина.
Ясанади намозга беш вақт
Узилмайди қўлидан хина.

Юрагимни қазсам мен агар,
Саҳросида чуқур-чуқур из,
Лайли билан Мажнунга ўхшаб,
Йиғлаб кетар йигит билан қиз.

Қазиш шунга етганда бирдан
Бу дунёни ташлагим келар.
Юрагимнинг тубига тушиб,
Мажнун билан яшагим келар.



*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Абдулхай Каримов репертуаридан қўшиқлар*

ТОШКЕНТ

Осиёда яккасан,
Ҳаловатли паккасан*,
Донингни еган чумчуқ
Қайтиб келар Маккадан.

Анҳоринг кўп, сойинг кўп,
Масжиду саройинг кўп,
Узилмайди меҳмонинг,
Қозонингда мойинг кўп.

Йигитларинг бургутдек,
Яратмасдан турмас тек.
Ҳеч бўлишмас камбағал,
Асл зоти саййид, бек.

Қут-барака юққан юрт
Катта-кичик сиққан юрт
Элга керак бўлганда,
Қодирийлар туққан юрт.



*Макон, манзил маъносида.

**ВОЛИДАНГНИ РОЗИ ҚИЛ**

Бўлай десанг жаннати,
Парвардигор ҳурмати,
Муҳаммаднинг уммати,
Волидангни рози қил.

Тик қарама кўзига,
Итоат эт сўзига,
Қуллук қилгин ўзига,
Волидангни рози қил.

Бузма она раъйини,
Масжид билгин жойини,
Жойнамоз қил пойини,
Волидангни рози қил.

Урса, қўлин силагин,
Туртса, ўпгин билагин,
Сўкса, умр тилагин,
Волидангни рози қил.

Улуғлашдан толмагин,
Қарғишини олмагин,
Аттанг қилиб қолмагин,
Волидангни рози қил.

Эй, Марҳабо, бўлсанг зўр,
Бошин силаб, ҳолин сўр,
Фарзандингдай яхши кўр,
Волидангни рози қил.



МАРҒИЛОНДАН ҚИЗ ОЛИНГ

Ниятингиз бахт бўлса,
Қалинингиз нақд бўлса,
Сарпоингиз тахт бўлса,
Марғилондан қиз олинг.

Моҳир бўлар ҳар ишда,
Саранжому саришта,
Керак бўлса фаришта
Марғилондан қиз олинг.

Изласангиз чин сирдош,
Узун сочу қаламқош,
Ей десангиз ширин ош,
Марғилондан қиз олинг.

Афсус қилиб юрмайсиз,
Бошқасини суймайсиз,
Пулингизга куймайсиз,
Марғилондан қиз олинг.

Ололсангиз розини,
Чеварини, созини,
Кўтарсангиз нозини,
Марғилондан қиз олинг.

Бир сирни айтай, лекин
Қулоғингизга секин:
Дўппи киясиз текин,
Марғилондан қиз олинг.



ЎЗИНГНИКИ

Ўзбекистон, энди ҳурсан, шонларинг ўзингники,
Пахтаю олтин хазинанг, конларинг ўзингники.

Бирма-бир айтиб саловат, унди тупроғингда ризқ,
Сенда битган нозу неъмат, донларинг ўзингники.

Не керак бўлса, қилурмиз гуллаб ўсмоғинг учун,
Толейингни кўзлаган фармонларинг ўзингники.

Яхши ният-ла уйидан, Ўзбекистон, деб чиқиб,
Келган ул тайёрада меҳмонларинг ўзингники.

Йўлга чиқди карвонинг, молинг талолмас ўғрилар,
Чунки доно сарбону султонларинг ўзингники.





ЎЗИНГГА ШУКУР, ЎЗИНГГА

Инсон қилиб яратдинг, ўзингга шукур, ўзингга,
Иймон нурын таратдинг, ўзингга шукур, ўзингга.

Забон бердинг, сўз бердинг, умр, ризқу-рўз бердинг,
Оёғу қўл, кўз бердинг, ўзингга шукур, ўзингга.

Ёшлик бердинг, той бўлдик, ҳусн бердинг, ой бўлдик,
Иймон билан бой бўлдик, ўзингга шукур, ўзингга.


Гар мени демасанг ҳам, ғамимни емасанг ҳам,
Берсанг ҳам, бермасанг ҳам, ўзингга шукур, ўзингга.

Фарзанд бердинг – кўп бўлдик, ёлғиз эдик – тўп бўлдик,
Файз бердинг – хўп бўлдик, ўзингга шукур, ўзингга.

Адолатли замонда, яхши бўлур омонда,
Подшо халқ томонда, ўзингга шукур, ўзингга.

Юртда ҳоким – она тил, кутган эдик неча йил,
Бўлдик, мана, мустақил, ўзингга шукур, ўзингга.

Ёмон кунни ўтказдинг, ғамимизни кетказдинг,
Шу кунларга етказдинг, ўзингга шукур, ўзингга.





ОШНАЛАР-ОҒАЙНИЛАР

Белимдаги қувватим — ошналар-оғайнилар,
Салобату савлатим — ошналар оғайнилар,
Ўткинчи бу дунёда ошналар-оғайнилар,
Худо берган давлатим — ошналар-оғайнилар.

Бизда шуҳрат, бизда шон, ошналар-оғайнилар,
Тарихимиздан аён, ошналар-оғайнилар,
Омон бўлса аҳиллик, ошналар-оғайнилар,
Ютқазмайсиз ҳеч қачон, ошналар-оғайнилар.

Тўй бошласам, қарашган — ошналар-оғайнилар,
Уй бошласам, қуришган — ошналар, оғайнилар,
Яхши-ёмон кунимда, ошналар-оғайнилар,
Ёнимда тик туришган ошналар-оғайнилар.

Тожик, қозоқ, қирғизсиз, ошналар-оғайнилар,
Туркман-ла қош кўздирсиз, ошналар-оғайнилар,
Туркистон деган юртда, ошналар-оғайнилар,
Бегонамас, ўздексиз, ошналар-оғайнилар.

Ўшар кўзу қошимиз, ошналар-оғайнилар,
Омон бўлсин бошимиз, ошналар-оғайнилар,
Соғинганда баҳона, ошналар-оғайнилар,
Чойхонада ошимиз, ошналар-оғайнилар.

Ўзбекистон ери бой, ошналар-оғайнилар,
Корейс, инглиз, хитой ошналар-оғайнилар,
Сафларимиз кенгайиб, ошналар-оғайнилар,
Юртимиз очсин чирой, ошналар-оғайнилар.



ВАТАН СЕВМОҚ


Бўл огоҳ, эй азиз фарзанд!
Ватан севмоқ — иймондандир.
Бу не сўздир, дема мингбад
Ватан севмоқ иймондандир.

Ишончи бу Ватаннинг — сан,
Қувончи бу Ватаннинг — сан,
Ватансиз сен ўзинг кимсан?!
Ватан севмоқ иймондандир.

Ери тиллами ёки тош,
Қозонида умочми, ош,
Оғир кунида бўл йўлдош,
Ватан севмоқ иймондандир.

Аразлаб сир очиб кетма,
Юзига лой сочиб кетма,
Узоқлашма, қочиб кетма
Ватан севмоқ иймондандир.

Онамсан, Ўзбекистоним,
Вужуди пок, мусулмоним,
Фидо бўлсин сенга жоним
Ватан севмоқ иймондандир.





ТАНИР

Дўстларим, ўзбекни дунё номус оридани танир,
Юрти Туркистон деса, кўм-кўк баҳоридан танир.


Ойлари осмондаю юлдузлари ерда ёнар,
Қушлар осмонидан учса, пахтазоридан танир.

Турса гар минг хил бешик, ўзбекники булдир, дебон,
Ичига оят битилган кўз туморидан танир.

Бўлгуси ҳар уйда обдаста, чилобчин, жойнамоз,
Уй тузаб, меҳмон кутарким, рўзғоридан танир.

Хайри эҳсону савоб излаш билан умри ўтар,
Кўз юмар бўлса агар, нурли мазоридан танир.

Фақат султонин эмас, ҳаттоки, фуқаросин ҳам
Тинчлигу поклик деган доно шиоридан танир.





КЎПАЙСИН

Кўнгиллар тўлмоқда нури иймонга,
Ҳамиша муштоқмиз тўйга, меҳмонга,
Худоё, қут бергин ҳар хонадонга,
Дону дун, гўшту ёғ, мойлар кўпайсин.

Аллоҳни таниган бўлса ҳар одам,
Мискиннинг дардига бўлади малҳам,
Топганин юрт билан кўрувчи баҳам,
Эл ичида ҳотамтойлар кўпайсин.

Эй бахил, гапирма элнинг тўйини,
Ҳасад-ла санама молу қўйини,
Баланд, кўркам қилиб қурсин уйини,
Юртда обод-обод жойлар кўпайсин.

Сахий, мулкдор эди боболаримиз,
Андишали эди момоларимиз,
Уларга ўхшасин болаларимиз,
От изин босгувчи тойлар кўпайсин.

Чанқасанг, сув сўраб сойга борасан,
Зориқсанг, мадад деб бойга борасан,
Ҳамма ночор бўлса, қайга борасан?
Илоё, дунёда бойлар кўпайсин.





ОНАЖОН


Остонада кутарсиз, кеб қолсайди болам, деб,
Мен юраман рўзгору фарзандларим гамин еб,
Асли бир кам дунёнинг битираман камин, деб,
Сизни йўқлаб, кунда бир боролмайман, онажон.

Сиз-чи райҳон исини сақлаб димоғингизда,
Кеб қолар, деб, об қўйиб ошни товоғингизда,
Юрагингиз эзилиб, соғинган чоғингизда,
Сизни йўқлаб, кунда бир боролмайман, онажон.

Сиз бедор, мен бепарво, уйқум, тушларим қурсин,
Сизсиз новвот чайнаган нодон тишларим қурсин,
Сизни куттириб қўйиб, қилган ишларим қурсин,
Сизни йўқлаб, кунда бир боролмайман, онажон.

Сизга ойлаб бормай, куй-ғазалларни йўқладим,
Ёғлик палов, чойхона, гузарларни йўқладим,
Меҳри ёлғон жонону гўзалларни йўқладим,
Сизни йўқлаб, кунда бир боролмайман, онажон.

Сўрай энди Худодан, очсин сизга йўлимни,
Дунё иши тўсмасин сизга чўзган қўлимни,
Бағрингизга эгилдим, қабул айланг узримни,
Сизни йўқлаб, кунда бир боролмайман, онажон.



БОЛАЛАР

Болалар, болалар, ҳой, болалар,
 Қалби қуёш, ой болалар,
 Сизлар билан иншааллоҳ,
 Юрт бўлади бой, болалар.

Сиз кўзимиз қорасисиз,
 Ватаннинг гул-доласисиз,
 Миллатингиз ким бўлсаям,
 Ўзбекистон боласисиз.

Одам Ато — отамиз бир,
 Момо Ҳаво — онамиз бир,
 Аҳил бўлинг, тотув бўлинг,
 Дунё деган хонамиз бир.

Шукур — кўкда офтобингиз,
 Иймон қалбда — моҳтобингиз,
 Бутун дунё боласига —
 Ибрат бўлсин одобингиз.

Меҳр бўлсин дилингизда,
 Ватан бўлсин тилингизда,
 Боболардан мерос илм —
 Чироғ бўлсин йўлингизда.





ОНАСИНИ БЕРИБ ҚҰЙГАНЛАР

Юрагида шамчироғи йўқ,
Ишонгани боғу роғи йўқ,
Суянайин деса, тоғи йўқ,
Онасини бериб қўйганлар.

Чўкиб қолар баланд бўйлари,
Кўз ёшисиз ўтмас тўйлари,
Ҳувиллаб қолади уйлари,
Онасини бериб қўйганлар.

Хуморлари тутган паллада,
Зўрға турар жони танада,
Йиғлаб юрар пана-панада,
Онасини бериб қўйганлар.

Ғам юзига иниб кетади,
«Она» десанг, тиниб кетади,
Бир зарб билан синиб кетади,
Онасини бериб қўйганлар.

Илинади ошу нонини,
Бир кўришга берар жонини,
Ҳидлаб юрар тўн, рўмолини,
Онасини бериб қўйганлар.

Ўлмайдилар оналар атай,
Қисматимиз шу экан, нетай,
Сизни қандай қилиб юпатай,
Онасини бериб қўйганлар?!



ҚАЕРДА ҚИЗ БОР?

Бўйга етди боласи,
Қаерда қиз бор, қаерда?
Ғамга қолди онаси,
Қаерда қиз бор, қаерда?

Қалинлари нақд бўлди,
Маҳрлари бахт бўлди,
Сарполари тахт бўлди,
Қаерда қиз бор, қаерда?

Тоға, хола, аммаси,
Қариндошлар оммаси,
Бел боғлади ҳаммаси,
Қаерда қиз бор, қаерда?

Қайнота орзуманда,
“Келин бўлсин пазанда”,
Дуо қилар азонда,
Қаерда қиз бор, қаерда?


Она дер: “Гул юз бўлсин,
Келин эмас — қиз бўлсин,
Мендан қолар из бўлсин”,
Қаерда қиз бор, қаерда?

Бир орзу бор овсинда,
Худодан сўрар кунда:
“Ишчанроғи келсин-да”,
Қаерда қиз бор, қаерда?

Ясатилган уй тайёр,
Лорсиллаган қўй тайёр,
Куёв тайёр, тўй тайёр,
Қаерда қиз бор, қаерда?



Бир илтимос сизларга,
Қараб юринг қизларга,
Хабар беринг бизларга,
Қаерда қиз бор, қаерда?





ТОЙ БОЛА


Тол хивичдан “қамчи” қилар, “от” қилар,
Дадасини “ёмон” десанг, “дод” қилар,
Чечанликда кампирларни мот қилар,
Тойчоқ бўлиб, чопис юрган той бола.

Яхши кўриб ўйнагани қум бўлар,
Аясининг ёнида бир зум бўлар,
Туғилибоқ дадасига “дум” бўлар,
Тойчоқ бўлиб, чопис юрган той бола.

Яхши кўрар аммасию холаси,
Дейишади: “жигаримнинг боласи”,
Тўйларига новвос боқар тоғаси,
Тойчоқ бўлиб, чопис юрган той бола.

Ярашади йиғласа ҳам, кулса ҳам,
Гоҳ қиқирлаб, гоҳ тумтайиб турса ҳам.
Уят бўлмас иштон киймай юрса ҳам,
Тойчоқ бўлиб чопис юрган той бола.

Иншооллоҳ, ҳалол топар нонини,
Илм хунарда ўтказар ҳар онини,
Тиклар яна ўзбекларнинг шонини,
Тойчоқ бўлиб чопис юрган той бола.





НИЯТ

Биз узоқ яшаймиз, Худо хоҳласа,
Дарахт ва шамолдай елиб яшаймиз.
Сўнгги нафасгача бир биримизни
Ардоқлаб яшаймиз, севиб яшаймиз.

Биз узоқ яшаймиз, худо хоҳласа,
Ярим ҳаётимиз олдинда ҳали.
Биз ойнинг юлдузли тунларидамиз,
Ҳали кундузларнинг келади гали.

Миш-мишлар — улар ҳам боламга ўхшар,
Мен қайда яшасам, бирга яшайди.
Менинг болаларим бўлгани учун
Оғиздан сочилган гулга ўхшайди.

Буларнинг ҳаммаси — менинг насибам,
Йўқ, йўқ, келтирмайди ҳеч нафратимни.
Тарозига сиғмас савоблар бўлиб,
Безатиб туради охиратимни.

Биз узоқ яшаймиз, худо хоҳласа,
Элликдан ўтамиз, юзга етамиз,
Кейин замин билан хайр хўшлашиб,
Арши аълога ҳам бирга кетамиз.

Роббимиз олдида юзимиз ёруғ,
Чизган чизигини босмай яшадик,
Тушириб яшадик байроғимизни.
Кўнгилга шиорлар осмай яшадик.

Биз узоқ яшаймиз, худо хоҳласа,
Яшиллигимизча сўлиб қоламиз,
Бир юз бир ёшда бир-биримизни,
Ачом қилиб туриб, ўлиб қоламиз.

ТЕЛЕФОН ОЛДИДА

Эру хотин «пўм» бўлдик
 Битта гапни талашиб,
 Фурур қурғур қўймайди
 Олай десам ярашиб.

Ва ниҳоят гаплашдим,
 Осмон ёришиб кетди,
 Ташвишу қувончларим,
 Нурга қоришиб кетди.

Дейман фақат бир сўзни:
 «Ҳаёт нақадар гўзал!»
 Бугун қилиб хиргойи,
 Ёзишим керак ғазал.

Ким айтади ғам кўп, деб,
 Ҳаёт — кони саодат.
 Ҳаёт — гўзал, ҳаёт — соз,
 Ҳаёт — бахтдан иборат.

Бўлиб қолдим бошқача,
 Кўзларимда жилва, нур,
 Буюк журъатинг учун,
 Юрак, сенга ташаккур.

Ичим тўла оққушлар,
 Учиб кетсам, қанийди,
 Шунча гаплашмасак ҳам,
 Овозимни танийди.

Пардоз қутим йўқолган,
 Бугун уни топаман,
 Шу бахт учун, телефон,
 Сени битта ўпаман.



ХАЁЛ ТУЛПОРИ

Менинг учар бир тулпорим бор,
Зумда дунё кезиб қайтаман.
Ҳатто жаннат боғига кириб,
Гулларидан териб қайтаман.

Бу озода, ювошгина от,
Ем емаса, ўлиб қолмайди,
Тағларини курамаса ҳам,
Оғилхона тўлиб қолмайди.

Кишнамайди, сўрамайди сув,
Ер тепиниб турмас, пишқириб,
Гоҳ устидан йиқилганда ҳам,
Белим синиб кетмас, ишқилиб.


Жуда қулай экан бу улов,
Туёғидан чиқмайди овоз,
Кўзим юмсам, шу тулпоримда,
Коинотга қиламан парвоз.

Ҳаёлотнинг кенгликлариди,
Ҳикмат териб туяман роҳат,
Тафаккурнинг уфқлариди,
Румий билан қиламан суҳбат

Хуржунимда бир дунё савол,
Буюк Зотни келар танигим,
Бутун борлиқ, дарахт, тоғу тош
Қилар унга сажда-ю таъзим.

Дейман: — Устоз, дарахт, тоғ қандай,
Эгилади қояси билан?

Устоз дейди: — Бир кузат, улар
Сажда қилар сояси билан.



Ҳайрат ичра кириб қоламан,
Пайғамбарлар чодирига ман,
— Роббим! — деган, муножотларин,
Эшитаман Расулulloҳдан.

— Сенга шукур, тасбеҳ айтаман,
Минг таасуфки, минг афсуски, биз,
Сенга лойиқ маърифат ила,
Сени таний олмадик эсиз...

Отимнинг ҳам, менинг ҳам бирзум
Кўзим ёшга тўлиб қолади.
Оддий отдан бир хислати бор,
Ўлсам, у ҳам ўлиб қолади...



ЯНГИ ДУНЁ

Қизимга

Ўйлаб топдим янги бир дунё,
Атрофлари нурдан ўралган.
Худо кечирсину бу ерда
Фақат икки аёл яралган.

Хуш келибсан, янги дунёга,
Аввал эди битта меники.
Қандай яхши энди у олам,
Бўлар фақат иккимизники.

Бу ҳамиша яшил дунёда,
Сен хоҳласанг, мангу қоламиз.
Яратганга санолар айтиб,
Унда тонгни кутиб оламиз.

Бу дунёда фақат баҳор бор,
Бу дунёга бегона кузлар.
Осмонида юзлаб ойлар бор,
Заминида минглаб юлдузлар.

Оҳулардан дўстимиз бўлар,
Оққушлардан ўртоқларимиз.
Лайлақларга тўлиб туради.
Атрофдаги ўтлоқларимиз.

Фариштадай яшаймиз унда,
Қорнимиз ҳам очиб қолмайди.
Биз фаришта бўлгач, албатта,
Тобимиз ҳам қочиб қолмайди.

Кеча-кундуз янграйди унда
«Мустаҳзод»у «Баёт»ларимиз,
Ширин суҳбат, гурунгла билан
Ўтар бутун ҳаётларимиз.



Иккаламиз терамиз гуллар,
Иккаламиз қўшиқ айтамиз.
Лайлақларнинг кифтида учиб,
Ойда меҳмон бўлиб қайтамиз.

Гуллар бўлар қўшнилари­миз,
Гийбат қилиб юришмас бизни.
Зангор, зумрад, феруза рангда
Сариқ, пушти, оқу қирмизи.

Бу дунёга хиёнат кирмас,
Демак, ғаму ташвиш бўлмайди.
Демак, бизни ранжитадиган
Ҳеч воқеа, ҳеч иш бўлмайди.

Турмуш деган мавҳумлик бўлмас,
Рўзгор деган мавҳум тушунча.
Биз пок, ҳамда озод яшаймиз,
Янги дунё тамом бўлгунча.

Бу дунёда Оқибат — вазир,
Бу дунёда Меҳр — подшо,
Юрак билан Ақл — хизматкор,
Бу шунақа ажойиб дунё.

Камалақнинг рангин ипидан,
Солдим сенга гиламлар тўқиб.
Иккаламиз мазза қиламиз,
Ҳувайдою Румийдан ўқиб.

Мана, кўргин, иккимиз учун
Ой нуридан ўтовлар тикдим,
Оҳ, келганинг қандай соз бўлди,
Унда ёлғиз яшаб зерикдим.



ЭНГ ГЎЗАЛ ҲАДИС

*“Ҳадеб динингиздан гапириб,
одамларни зериктирмасдан, ҳазиллашиб ҳам туринглар”.*

Саҳиҳ ҳадислардан

Бир кампир деди: “Ё, пайғамбар,
Жаннатиманмикин, бер хабар?”
Расулуллоҳ кулиб делилар:
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.

Демакки, савоби ошса ҳам,
Иймони кўпириб тошса ҳам,
Ҳаж дея югуриб шошса ҳам,
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.

Бекор, минг мискинни тўйдирсин,
Дажжолнинг бўйини синдирсин,
Шайтонни тош отиб ўлдирсин,
“Кампирлар жаннатга кирмайди”

Исонинг онаси бўлса ҳам,
Мусонинг холаси бўлса ҳам,
Айюбнинг боласи бўлса ҳам,
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.

Олса ҳам эрининг ризосин,
Хизиру Илёснинг дуосин,
Эҳсон қилса ҳам бор дунёсин,
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.

Бир умр рўзадор юрсин, йўқ!
Каъбани қайтадан қурсин, йўқ!
Аршни даст кўтариб турсин, йўқ!
“Кампирлар жаннатга кирмайди”



Жаннат бу — яшнаган гулхона,
Жаннат бу — ёшлик, бу — нурхона,
Жаннат бу — завқу-шавқ, тўйхона,
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.

Жаннатда ким юрар ҳассалик?
Оқсаган-тўқсаган, ғуссалик?
Жаннатга бегона кексалик,
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.

Жаннатда туришиб ўзлари,
Оғриси тиззасин кўзлари,
Уқалаб турурми қизлари?
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.

Ёнбошлаб олтидан сўрида,
Тиллодан билагузук қўлида,
Инқиллаб туришса, тўғри-да,
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.

Жаннатда ажинли юзлар йўқ,
Оҳу воҳ, ҳасратли сўзлар йўқ,
Ям-яшил баҳор бор, кузлар йўқ,
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.

Жаннат бир боғ эрур муҳташам,
Ҳурлар соч тараган бир ҳарам,
Хомтама бўлмасин чоллар ҳам,
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.

Кампиршо йиғлади: Эҳ, аттанг,
Оллоҳим, қилдинг-ку ҳолим танг,
Шунча торми ўша томорқанг?
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.



”Оҳ”, деди, “дод”, деди у кампир
Бўлдикми шунчалар беқадр,
Бу қандай бедодликдир, ахир?!”
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.


Болага сарф этса бор кучин,
Рўзгор деб тинмаса туну кун,
Нимага, нимага, не учун,
Кампирлар жаннатга кирмайди?

Пайғамбар кулдилар бир нафас,
Дегандай: “Кирурлар, бўлди, бас!”
Фақат бу кексайган ҳолдамас,
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.

“Жаннатга кирурлар ёш бўлиб”,
Юзлари ой, қаламқош бўлиб,
Саксонмас, ўн саккиз ёш бўлиб.
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.

Кампиршо ичидан кетиб зил,
Турганди кўнглига сиғмай қил,
Билса бу — чиройли бир ҳазил,
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.

Марҳабо, кичигу каттамыз,
Яхшилик қилгувчи ҳаммамиз,
Яна гул ёшликка қайтамыз,
“Кампирлар жаннатга кирмайди”.





ЙИРТИҚ КАМЗУЛ

Бир камзулим бор эди,
Кийса, одам уялар,
Чунки олмадек жойин,
Еб қўйишган куялар.

Қишда уни эҳсон деб,
Бердим муҳтож қушнимга,
Ўша куни шу камзул,
Кириб қолди тушимга,

Ўтганмишман оламдан,
Чоршанбанинг тонгида,
Турганмишман дўзахнинг,
Шундоққина ёнида.

Эмишман шир яланғоч,
На молим бор ва на пул,
Кўзларимда даҳшату
Кўлимда йиртиқ камзул

Оҳ, у олов, у азоб!
Қоврилармиш одамлар,
Қайта-қайта ёнишиб,
Соврилармиш одамлар.

Ўт менгаям урармиш,
Ёқай деб юз, кўзимни,
Шу тешик камзул билан,
Тўсармишман ўзимни.

Фақат, йиртиқ жойидан,
Ҳар гал жоним куйганда,
Дер эмишман: «Қанийди,
Камзул бутун бўлганда».



Эссизгина тириклик,
Қурсин кийиб, еганим,
Шуми ёруғ дунёдан,
Ўзимга обкелганим?!

Оҳ, қўшним-а, шунгаям
Суюниб “Раҳмат!” деган,
Олгани-чун раҳматни
Мен айтсам бўлар экан.

Кийимларим жавонга,
Сиғиб турарди аранг,
Сандиқда қанча латтам
Қолиб кетди, эҳ, аттанг.

Қариндошлар ичра ҳам
Қийналганлар бор эди,
Чеҳрасидан билардим,
Ким нимага зор эди.

Гадой сўраса юз сўм,
Жавардим энсам қотиб,
Табассум билан эмас,
Бердим юзига отиб.

Билсам, муҳтож қўлига
Тутқазганим бир тилло,
Охират сандиғимга
Тушаркан бўб минг тилло.

Йиғиб меросхўрларга
Қолиб кетар молимни,
Ўйламабман ўзим-ла
Олиб кетар молимни.



Ёшлигимда ҳар нени
Деяверсам “меники”,
Бобом дерди: “Эй, болам,
Берган нарсанг — сеники.


Кийинтирган кийинар,
Едирганлар ейдилар,
Бирини кийсанг, бирин
Эҳсон қилгин”, дердилар.

“Шош, — дердилар, — яқинда
Муҳтож одам қолмайди,
Садақа қилай десанг,
Ҳеч бир одам олмайди.

Хоҳ яширин, хоҳ ошкор,
Эҳсон қилгин кўпми, оз,
Ҳатто, табассуминг ҳам
Жаннатга бир имтиёз.

Йиртиқ камзулни ушлаб,
Бир нарсани ўйлардим:
Билганимда тўнимни,
Эҳсон қилган бўлардим.

Қарашиб қол, Мархабо,
Мискиннинг ош, нонига,
Ўлмай туриб, кириб ол
Жаннатнинг айвонига”.





ИККИ САНДИҚ “СЕП”

Ҳазил

Шукр, юртда тўқчилик,
Тўлмоқда эл кармони,
Шунданми, билмам, келди
“Ясан-ясан” замони.

Бу тўғрими, хатоми,
Қайдам, Аллоҳ билади,
Негадир ҳамманинг зўр
Кийингиси келади.

Саксон ёшли кампир ҳам
Фориғмас бу хатодан,
Кўйлак кийгиси келар
Янги чиққан матодан.

Кетиб жисмин оҳори,
Турса ҳамки қилтиллаб,
Аёл аёл экан-да,
Юрсам дейди ялтиллаб.

Инсонга ҳар ёшда ҳам,
Ярашар янги либос.
Қани энди, қалбни ҳам,
Ясатолсак шунга мос.

Баъзан бир китоб учун
Қизғонамиз уч мингни,
Кийим ёқиб қолса-чи,
Сарф қиламиз юз мингни.

Мақтанади бир аёл:
«Қишга тўним тўрттадан.
Кўйлагимни санасам,
Ошиб кетар ўнтадан.



Рўмолим-ку беҳисоб,
Камзул кўп қиш-қировга,
Ҳаммасин кийгим келар,
Бергим келмас бировга.

“Ортиғини эҳсон қил!”
Дер бир овоз юракда,
“Нимага?” дейман, ахир,
Ҳаммасиям керак-да.

Тўрт кўйлак ресторанга,
Тўйлар учун тўртгаси,
Келин салом, чарларга
Кийилар тўққизтаси.

Ана, боя айтдим-ку,
Ҳеч бири турмас бекор.
Ҳаммасиям керакли,
Ҳаммасининг ўрни бор.

Опам дейди: “Ҳой, инсон,
Шу туришда кетмагин,
Дарду ҳасратинг — кийим,
Ўлимниям эслагин”.

Опам тўғри айтади,
Қолмайин-да уятга,
Дўконма дўкон чопиб
“Сеп” йиғдим охиратга.

Ўнта кўйлак сотволдим,
Бозор, мазор, бирровга,
Икки кўйлак ғассолу,
Икки кўйлак гўрковга.

Тўртгасини мен ўлгач,
Сандиғимдан топишар,
Барин “подцвет” қилиб,
Тобутимга ёпишар.



Бозорда юрсам, битта
Гадой келди ёнимга
“Садақа, садақа” деб
Тегиб кетди жонимга.

— Не оляпсиз? — дер гадой,
Ҳе, сендақа соқчидан!
— Кафан! — дедим, — сизлардан
Ўлиб қутулмоқчиман.

Тўрт бозорни айланиб,
Топдим қиммат баҳосин,
Кафанликка сурфнинг ҳам
Олдим алламбалосин.

Вой-вўй, тобут ёпқичим!
Бўлди роса қиёмат,
Зангори духобага
Тикилган заррин оят.

Агар шу оят бўлса,
Қурт қумурсқа тегмасмиш,
Кафанимни ўшанда
Куя-муя емасмиш.

Тобутимни кўриб ҳам,
Душманларим ўлворсин,
«Гап»даги ўртоқларим
Кўришиб “Ваҳ!” деворсин.

Айтганча, кафанни ҳам
Мен ўн бешта қиламан,
Биринчи кун учтасин
Алмаштириб кияман.



Бирин тобутга кийсам,
Бошқа бири — лаҳадга,
Бириси Мункар-Накир
Кирадиган соатга.

Қиёматгача токай,
Бир кафанда юраман,
Бири чириса, бирин
Алмаштириб тураман.

Қандай ётиб бўлади,
Чирик, йиртиқ кафанда,
Маликалардай яшаб,
Шундай ётсам, алам-да...

Айтгандай, сўроқ-савол
Бўлар эмиш, албатта,
Паспортим сериясин,
Сўрасалар керак-да.

Каримова Марҳабо,
С, А, ўн етти, тўқсон...
Ёдлаб олдим, кўз юмиб
Айтиб бераман осон.

Билиб қўйсин опам ҳам,
Ким узоқни кўради?!
Ўлимни эслаб туриш
Мана бундай бўлади.

Қойилмисиз, мен қандай,
Донишмандман, ҳушёрман,
Икки сандиқ “Сеп” билан,
Охиратга тайёрман”.



ҚУМГА КҮМИЛГАН ОДАМ

(Ривоят)

Мусо алайҳиссалом
Бир тоғни қилиб маскан,
Роббиси чорлаганда,
Сўзлашгани бораркан.

Яна ўша томонга
Кетаётса бир кун,
Бир бой одам тўхтатиб,
Гапга солибди уни.

Айтибдики: “Аллоҳга
Шукур, шукур, минг шукур,
Бандасини неъматга,
Ўраб қўйибди буткул.

Қалбларни тўлатибди
Меҳр-шафқат, иймонга,
Ақлу тафаккурдир энг
Кераклиси инсонга.

Жисмимда қанча неъмат,
Оёғу қўл, кўз, қулоқ,
Атрофимдагиларин
Санаб этолмам адоқ.

Бойлигим ҳам негадир
Кўпаяр борган сари,
Ўн танга эҳсон қилсам,
Қайтар юз баробари.

Бойлик яхши-ку, лекин
Охират бор, биламан,
Ҳар танганинг ҳисобин
Сўраса, не қиламан?

Қўрқаман шунинг учун,
Ташвишдаман туну кун,
Сўраб беринг, не қилсам,
Бойлигим камаяркин?”

Хўп, дебдилар пайғамбар,
Юргач икки юз қадам,
Учрапти белигача,
Қумга кўмилган одам.

У дебди: Оч-юпунман,
Эй, Мусо, ёмон ҳолим,
Иштоним йўқлигидан,
Қумга кўмилиб олдим.

Оёқ, қўлим бут, аммо,
Иш йўқ ишлайин десам,
Яқинларим қарашмас,
Нон йўқ, тишлайин десам.

Бу қум ҳам бир бўлмағур,
Оғирлигини қаранг,
Гоҳ исиб, гоҳ совийди,
Чидаб турибман аранг.

Роббингиздан хафаман,
Дунёсида тартиб йўқ,
Ким кулади, ким йиғлар,
Биров очу биров тўқ.



Кимдир қисқа яшар, ким
Юз ёшда ҳам ўлмайди.
Одил бўлса, нимага
Ҳаммани тенг кўрмайди?

Юборай бир хат десам,
Йўқмиш манзил-макони,
Кўрсангиз, айтиб қўйинг,
Ўнглисин бу дунёни.

Ҳар нарсани кўради,
Бедор дерлар ўзини,
Аммо менга келганда,
Юмволади кўзини.

Синов, деб бандасини
Эзиб ташлади жуда,
Яратганидан кейин,
Хабар-пабар олсин-да.

Нега ҳамма шоду, мен
Дард-ҳасратга тўламан?
Тўйиб кетдим, сўранг-чи,
Не қилсам бой бўламан?

Аллоҳ билан сўзлашиб,
Мусо ортга қайтибди,
Саволларга ул Зотнинг
Жавобини айтибди.

Бойга дебди: «Нолигин,
Етганича қудратинг,
Ношукур бўлаверсанг,
Камаяркан давлатинг».



Қумга кўмилган одам
Олдига келиб деган:
— Нолимасдан ҳар доим,
Шукур қиласан экан.


— Ўзи иштонсиз бўлсам,
Юрсам оч-юпун фақат,
Роббингнинг нимасига,
Шукур қиламан, номард?!

Шунда қумни учириб,
Дайди шамол кеб қолди,
Ношукурнинг танаси
Қип-яланғоч бўб қолди.

Ана халос, бу гаплар
Йўқ эди ҳеч ўйимда,
Энди билволдим — нега
Барака йўқ уйимда.

Тилим зикр бошлади,
Шу онда беихтиёр,
«Шукур» десам сиғаркан,
Бир нафасга ўттиз бор.

Ҳали дунё билмайди,
Бойишнинг бу йўлини
Яшар баъзи одамлар
Қумга кўмиб ўзини.





УЗАТИЛАЁТГАН ҚИЗГА ОТА ДУОСИ

Изларингиз бўлсин, омин, гул ила райҳон, қизим.
Ҳам муборак, қутли бўлсин сиз борар ошён, қизим.

Келдилар ўз ҳожангиз, менга омонат эрдингиз,
Топширурман қўлларига тинч, сиҳат, омон, қизим.

Ҳар аёлга эр турур мавқеда Аллоҳдин кейин,
Хоҳи қул, хоҳи қарол, хоҳ бўлсин у султон, қизим.

Энди ҳожангиз ҳудуди бўлди қалбу жисмингиз,
Ҳуснингизни қилмагайсиз элга дастурхон, қизим.

Пардоз-андоз, ноз-итоб бир ҳожангиз ҳаққи турур,
Ёт киши олдида ёшуриб қилинг пинҳон, қизим.

Ҳовлингиздан чиқмагайсиз ҳожангиздан беизн,
Соғиниб, ҳатто, онангиз бўлса ҳам гирён, қизим.

Ёт киши бирлан ўзингиз қолмагайсиз ҳеч қачон,
Кўнгли иллатли, маразлилар қилур бўҳтон, қизим.

Сўзламанг овозингизни ўйнатиб ҳар каста сиз,
“Сенда кўнгли бор”, дебон қутқу солар Шайтон, қизим.

Фитна солса у яна “Ҳожанг ёмон, яхшиси бор...”
Ҳайданг ул нопокни сиз қўлга олиб гаврон, қизим.

Эгнингизга кийдирурман сабру тоқат тўнини,
Бесабрга нафсидин шайтон қўюр қопқон, қизим.

Қолди ота уйингиз, бундан буён шу ҳожангиз
Гўжа еса гўжа енг, талқон еса талқон, қизим.



Ҳожангиз сизга либосдир, ҳожангизга сиз либос,
Ечмагайсизки илоҳий икки бул чакмон, қизим.

Ўтса гап, рўзгорчилик, аввал узр сиздан бўлур,
Шунда бўлгай беадаб шайтон дили вайрон, қизим.

Ҳожангизни яхши ишларга фақат даъват қилинг,
Ҳам илм, ҳам касбу корга бўлсин ул полвон, қизим.

Озми-кўпми топганига шукур этинг ва сабр этинг,
Бандасига катта бойлик аслида — иймон, қизим.

Сизга Холиқ айтди: “Кўзни ерга тик, зийнатни ёп!”
Қани энди “Хўп” демоққа топсангиз имкон, қизим.

Дейдилар: Яхши аёл сақлар ҳаромдан жуфтани,
“Хўп” дегайсиз бўлса қанча тўғри сўз, фармон, қизим.

Чорласа ўчоқ бошида бўлсангиз ҳам тез келинг,
Тонгми, пешинми, аср ё, хоҳ бўлар хуфтон, қизим.

Ёнингиздан ҳожангиз ҳеч таъби ранжиб чиқмасин,
Ҳарна қилсангиз қилинг, кўнглин этинг шодон,
қизим.

Иншооллоҳ, уйингиздан келтирурсиз яхши гап,
Аччиғин ерга кўмиб, уйда қилинг гумдон, қизим.

Ҳар аёлдан эри рози бўлса — Аллоҳ розидур,
Берилур унга мукофот — жаннати ризвон, қизим.

Бахтингиз — бўлса ҳаёт қайнона-ю қайнотангиз,
Сиз — ниҳолга бўладурлар яхши бир борбон, қизим.

Ҳожангизга уқтирингки, отасин айлаб ризо,
Бўлсин ул мушфиқ онасин дардига дармон, қизим.



Малҳаму юмшоқ бўлинг сиз ҳам аларнинг олдида,
Иншооллоҳ, хизматида бўласиз чаққон, қизим.

Ўрнатинг доим аҳиллик эгачи-овсин ила,
Тинчи йўқ уй – отаю она учун зиндон, қизим.

Энди масъул бўлдингиз рўзфоргаким, ҳушёр туринг,
Исроф этманг сув, чироқ, пўчоқ, олов ё нон, қизим.

Косаю пиёлани ушланг авайлаб, синмасин,
Асрамас бўлса тугар, бўлганда ҳам минг кон, қизим.

Сақламанг нопок идиш, кир, битта тушса —
бир ювинг,
Бўлмасин кирдан, ювуқсиз нарсадан хирмон, қизим.

Ошхонада ўт-оловга доимо ҳушёр бўлинг,
Эсингиздан чиқмасин суви қуриб қумғон, қизим.

Иш тежоголиқ бўлса, уйга қут кирар, қайнонангиз:
“Бу гўдак қайда пишибдур?!” деб бўлур ҳайрон, қизим.

Ҳар юмушни бошланг ўнг қўлу ва бисмиллоҳ ила,
Бор ҳадиски: ўнг томонда барокат, уммон, қизим.

Ҳарки ниятни қилурсиз, “иншооллоҳ”, деб олинг,
Содир ўлғой ҳарна иш — Аллоҳ эса ёзғон, қизим.

Ҳожангиз изни ила ҳар қўшнидан олинг хабар,
Хоҳ таом, хоҳ яхши сўз, ҳарна қилинг эҳсон, қизим.

Яхшиларга яхшилик айлаб, Худони “қарз” қилинг,
Хоҳ мусофир, хоҳ йўловчи, хоҳ бўлур меҳмон, қизим.

Баъзи хотунлар каби бўлманг ҳавас, мол жинниси,
Пул топай деб ҳожангиз кўп бўлмасин сарсон, қизим.



“Ғийбат — одам ғўштини тотмоқ билан тенг,” дейдилар,
Қўшилиб пок оғзингизни қилмагайсиз қон, қизим.

Минг шукурки, қўлингизда касбу қор, илму ҳунар,
Элу юрт тинч — кўнглимиз тинч, яхши бу даврон, қизим.

Беадаб, нодон, илмсиз элга қони ғалвадир,
Одамийнинг жоҳилидан яхшидир ҳайвон, қизим.

Қўшдириб қўйдим сепингизга баҳосиз мулк — китоб,
Молингиз бут бўлмади деб қилмайин армон, қизим.

Қодирий, Машраб, Навоий ҳам Ҳувайдо сизгадир,
Ҳам Бухорийдан ҳадис, уммул китоб — Қуръон, қизим.

Сизга бу панд, ўн мошин сеп берганимдан яхшидур,
Икки дунё бахтини кўзлаб яшанг, жайрон қизим.

Сиз бировнинг хасмисиз, ош-нон умид қилмам сира,
Тинч, омон, соғ бўлсангиз — бас,
бошимиз осмон, қизим.

Отангиз панди ёзилди Марҳабо илки ила,
Бу ўтинчини ёдингизда сақлагайсиз, жон қизим.

Яхши боргайсиз ва биздан рози бўлгайсиз, онам,
Мушфиқим, жоним, жигарбандим,
менинг бийрон қизим.

Энг “муҳим” гап қолмасин: гар қиз-ўғил берса Худо,
Бешигу памперсига бизлар балогардон, қизим.

**ЖАННАТДАГИ “КУНДОШИМ”**

Куйилмади ҳеч эрим,
Ичим тўла ўкиниш.
Эллик ёшдан ошса ҳам,
Айшу, ишрат, сўкиниш.

Шундай безор бўлдимки,
Зирриллардим келсаям.
Хафа бўлмасдим агар,
Жавобимни берсаям.

Охирати не бўлар?
Энди Аллоҳ билади.
Наққошлигини ташлаб,
Судхўрлик ҳам қилади.

Ялинаман: «Ёшмассиз,
Тўғри юринг, дадаси,
Жон — омонат, ўлим — ҳақ»,
Десам, қотар энсаси.

Бу одамни тек қўйсам,
Энди шундоқ ўтади.
Агар бир гап бўлса ҳам,
Нақд дўзахга кетади.

Вой-вой, Худо сақласин,
Кўрқитаман дўзахдан.
Парвойи фалак, бир кун,
Гап бошладим жаннатдан.

Дедим: Дарёсида май,
Тубида лаъл, дурлар бор.
Дадаси-чи, жаннатда
Ўн тўрт ёшли хурлар бор.



Қоматлари келишган,
 Ҳарирдир кўйлаклари.
 Сезилиб турар шундоқ,
 Соф ният, тилаклари.

Беллари-чи тасмадек,
 Семизмас менга ўхшаб,
 Болдан шириндир тили,
 Сўзлайди минг бир чўпчак.

Кўзларингиз қамашар
 Юзларининг нурига,
 Фақат пок эркак лойиқ,
 Жаннатнинг бу ҳурига.

“Оҳ!” — деди-ю эримнинг,
 Ловуллади юзлари,
 Ўша ҳурни кўргандек,
 Деди ёниб кўзлари:

— Ўйлабманки, жаннатда,
 Мева-чева бор, холос.
 Унга қандай киради,
 Ўргатиб қўй, илтимос.

Дедим: Ичишни ташлаб,
 Ҳалол ҳунар, касб қилинг,
 Хулқингиз бўлсин гўзал,
 Судхўрликни бас қилинг.

Аллоҳ деб, дўст бўласиз,
 Илм, ҳунар, санъатга,
 Поклигу иймон билан,
 Кирилади жаннатга.

Деди: — Ҳурдан рашк қилиб,
 Ҳурпаймайдими патинг?
 Дедим: — Минг бор розиман,
 Илоё, кўша-қаринг!



Деди: — Сен не қиласан,
Мен билан бўлса улар?
Дедим: — Шундай жаннатда
Менгаям жуфт топилар.

— Ундай бўлса, керакмас!
Деди қайнаб зардаси.
Дедим: — Хотиржам бўлинг,
Ҳазиллашдим, дадаси.

Тонгда мени уйғотди,
Юзи тўла нур билан,
Бир қўлида китобу,
Бир қўлида гул билан.

Дедим: — Вой, нима бўлди,
Нега тегдиз гулимга?
Деди: — Илиниб кетдим
Жаннатдаги ҳуримга.

“Товба, Товба! Қойилман!”
Дедим, кўксимга уриб,
Шу эргаям бир гапни
Бўларкан-а уқтириб.

Тутаган шамчироққа
Қуйган каби мойини,
Вой-вой, шу қайсарниям
Топдим нозик жойини.

Бошлади янги ҳаёт,
Чизди гўзал нақшлар.
Ҳатто чет элдан келиб,
Сотиб олар мухлислар.

Яшар қалби, жисми пок,
Эл-юртини севади,
Вақт топиб баъзан, ҳатто,
Теннис ўйнаб келади.

Энди бизнинг “мавлоно”,
Менга қилар насиҳат,
Ҳар сўзида юз маъно,
Ҳар ишида юз ҳикмат.

Ундан безор бўлгандим,
Кулсангиз ҳам айтаман,
Бугун уни шу ёшда
Севиб қолдим қайтадан.

Ҳатто, ўша ҳурлардан,
Рашк қилиб қолдим андак,
Жаннат эшигидан ҳам
Мўралаб турсам керак.

Дарвозасига ёзиб
Кўяман шу шеъримни:
Эй, жаннатнинг ҳурлари,
Хафа қилманг эримни.

Сизга лойиқ қилгунча,
Бадқилиқ бу кишимни,
Ердан териб олганман,
Синган қанча тишимни.


Ёрилди қанча курси,
Қанча эшик, ойнаклар,
Учиб ўтган бошимдан
Қанча ликоб, чойнаклар.



Меҳнатини мен кўрдим,
Оқди қанча кўз ёшим,
Роҳатини сиз кўринг,
Жаннатдаги кундошим.

Эрим қайта ёшариб,
Ёнингизга кирган дам,
Дуо қилиб қўйинг бир
Марҳабо шўрликни ҳам.

Сиз ҳақда бир эшитган
Эркак ҳоли шу бўлса,
Нима бўлар экан-а,
Ўзингизни бир кўрса?!





ГУЛДАСТА – 1

Кўксинг ёниб кетаркан,
Севиб қолсанг агарда.
Ўқигандим мен буни
Қайсидир бир асарда.

Эрим гул олиб келди,
Менга берди айвонда.
Бир-бирини имлашиб,
Келинларим ҳайронда.

Қотиб қолдим ҳайратдан,
Не бўлди бу кишига?
Тушунолмай лол эдим
Бу дунёнинг ишига.

Йиғлавордим бахтимдан,
Яратганга ташаккур,
Қариганда бўлсаям
Қадр топдим, минг шукур.

Қандай нозик гулдаста,
Қойил қолдим дидига.
Дейсиз, гўё ёш йигит
Опти севган қизига.

Шунча гўзал бўлурми
Оддий атиргул, наргис?
Фунчалари йўрғакда,
Тиканлариям нафис.

Гулдай гўзал бўб кетди
Эримнинг қош, кўзиям.
Ўн минг сўмдан камига
Олмагандир ўзиям.



Шунча пулга бу гулни
Севганидан олган-да!
Баъзан пиёла отса,
Дебман: “Кўнгли қолган-да...”

Севмайди, деб ўйлабман
Қарамаса қайрилиб,
Сал бўлмаса, бир йили
Кетай дебман айрилиб.

Эрим ўзи «жентельмен»,
Эрим ўзи меҳрибон!
Уриб, туртиган бўлса,
Аслида, ўзим ёмон!

Баъзан тортишиб қолсак,
Қолмас эдим бир гапдан.
Ювош турганим билан,
Ман ҳам “чаканамасман”.

Шу бугундан севаман,
Бақирсаям, майлига.
Бир лаҳзада айландик
Мажнун билан Лайлига.

Гулдастани гулдонга
Солиб қўйдим авайлаб.
Шу бугун пардоз қилай
Эрим учун атайлаб.

Тошойнага боқдим-у,
Уялиб кетдим фақат.
Мени хотин қиб юрган
Шу одамга минг раҳмат!



Қани бел, қани елка,
Қани қош, қани киприк?
Қойил сенга аёлни
Чалғитган тирикчилик!

Ўша куни ўзимга
Кашф қилдим бир оят:
Бепардоз юриш — эрли
Аёл учун жиноят.

Созладим қош-кўзимни
Ботиб ширин хаёлга,
Бир соатда айландим
Кўҳликкина аёлга.

Туғаб қопти, ўлсин-а,
Атирларам бир қиммат!
Келинлардан сўрашга
Бўларкансан хижолат.

Омон бўлсин шу эрим,
Олдираман зўридан:
“Макс фактор”, “Мери Кей”
“Орифлейм” — ҳар туридан.

Қилиб қўйдим ораста
Сочу турмакларимни.
Янгилашим керак бир
Тунги қўйлақларимни.

Тақилди неча йиллар
Тақилмаган мунчоғим,
Гулдастанинг бўйига
Тўлиб кетди ётоғим.




Бу бир буюк кун эди,
Гадо етгандай тожга,
Мисоли расул каби
Юксалгандим меърожга.

Шу кун эрим ҳам гўё
Нур сочарди оламга.
Исо Масихдай бўлиб,
Кириб келди хонамга.

Мени кўриб, кўзлари
Катта-катта очилди.
Кўлидаги газета
Ерга тушиб сочилди.

Назокат билан секин
Дедим: “Раҳмат гул учун”.
Эримнинг кўзларидан
Сочилар эди учкун.

“Қимматдур?” деб ноз билан
Юзларимни ёпволдим.
Эрим деди: “Билмадим,
Йўлакчадан топволдим”.



ГУЛДАСТА – 2

Юрагимнинг ўзига
 Қизамиқ тошди дув-дув.
 Кутмаганда, бошимга
 Афдарилди қайноқ сув.

Чиқиб кетдим ётоқдан
 Жоним сиғмай танага,
 Кирдим эримнинг катта
 Расми бор хонага.

Ҳозиргина мен қандай
 Бахтли эдим, шод эдим!
 Эримнинг суратини
 Қўлга олиб “дод” дедим.:

“Эркак бўлмай ер юткур,
 Бетгинангни ел олсин!
 Йўлакчадан топволган
 Гулинг бошингдан қолсин!

Нима қилардинг бузиб
 Тинчгина ҳаётимни?
 Унутиб бўлгандим-ку
 Аёл деган отимни.

Меҳр кутган мен аҳмоқ!
 Ўзимда эс қолмаган,
 Гулдаста берармидинг,
 Бир ғунчага олмаган!

Адо қилдинг куйдириб,
 Қачон одам бўласан?!
 Хотин бўлиб ўрнимда
 Бир кун турсанг, ўласан!



Эркак — пир, деб соянгга
Солардим-а пояндоз,
Писмиққина бўлволиб,
Куйдиргансан, хотинбоз!

Унутганим йўқ кунда
Ичиб келишларингни,
Болаларим ризқини
Сочиб келишларингни.

Ўнгу чап юриб, алдаб,
Қанча қилгансан гаранг,
Ўлиб қолар эдингми
Яна битта алдасанг?!

“Ўзим олдим — сенга”, деб
Туролмасмидинг бирпас?
“Йигирма минг сўм экан”
Демайсанми, ярамас?!

Шуям гул бўптими, бир
Бели боғлиқ супурги!
Ерда ётган нарсани
Нега олдинг, куйдирги?!

Танлаб, не йигитларнинг
Қоматини эгиб ман,
Одам қуриб қолгандай
Сен мумсикка тегибман!

Бир айланиб ёшликка
Қайтиб қолсам қанийди,
Сендан маҳалламдаги
Тешавой ҳам яхшийди.



Доим ҳайит-байрамда
Юради гул кўтариб.
Сен-чи, "Ўзинг олвол" деб
Келасан пул кўтариб.

Ураманми бошимга
Ўзим олган гулингни?!
Кўнглим чўнтакмидики,
Солиб юрсам пулингни.

Ювошгина бўлволиб,
Билмагандай турасан,
Эсон-омон тонг отсин,
Ажрашаман, кўрасан!

Айтгилигимни айтиб,
Юпаниб турсам энди,
Эрим ногоҳ уйқудан
Уйғониб туриб деди:

— Ётмайсанми, ким билан
Гаплашяпсан, аяси?

— Ҳа, йўғ, шу суратингиз
Зўр чиққан-да, дадаси.

Тавба, астағфуруллоҳ!
Худо олсин феълимни,
Бир гулни деб мен аҳмоқ,
Итдек қопдим эримни.

Суратини бўлса ҳам,
Қилдим анча беҳурмат,
Мен нодонда бари бир
Етмас экан маърифат.



Пешона-да, Мархабо,
Нолимайин ҳеч кимга
Нима қилай шундай эр
Тушган бўлса чекимга?!

Ётоққа кириб гулни
Кучиб шипшидим аста:
Ҳамма-ҳаммаси учун
Раҳмат сенга, гулдаста.





ЭРИМ БИЛАН ДАМ ОЛДИМ

Уй-рўзгор ташвишлари,
Ҳоритиб қўйди бари,
Бориб сиҳатгоҳ сари,
Эрим билан дам олдим.

Мен — касал, у соғ эди,
Шундан вақти чоғ эди,
Ейиши гўшт-ёғ эди,
Эрим билан дам олдим.

Бир хонада икки жон,
У — меҳмон-у, мен — мезбон,
“Ош дамла, сол дастурхон!”
Эрим билан дам олдим.

“Телевизорни қўйиб бер!”
“Тарвузимни сўйиб бер!”
“Коса” қиб бер, ўйиб бер!”
Эрим билан дам олдим.

Ҳай-ҳай, бошланди футбол!
“Войдод, рақиб урди гол!
Тепмайсанми, югур, бўл!”
Эрим билан дам олдим.

“Алла айт, уйқум келди!”
“Ялла айт, тургим келди!”
Тутволиб ургим келди,
Эрим билан дам олдим.

“Қашлаб қўйгин орқамни!”
“Уқалаб қўй елкамни!”
“Қовуриб бер куркамни!”
Эрим билан дам олдим.



Рашк қилади молдан ҳам,
Аталахўр чолдан ҳам,
Тойдим охир ҳолдан ҳам,
Эрим билан дам олдим.

Уйимдаги бу меҳмон,
Дардисари гами жон,
Соғайишим даргумон,
Эрим билан дам олдим.

Даволаниш қаёқда?!
Юриб бориб оёқда,
Қайтдим ҳассатаёқда,
Эрим билан дам олдим.

Қўшним сўрайди: — Ҳай-ҳай!
Бўб қолибсиз калитдай
Нима бўлди, айланай?
— Эрим билан дам олдим.



УЙИМДАГИ «ШПИОН»

(шеърӣй эртак)

Гап тарқалди шаҳарга,
Айтсам сизга эртаклар,
Кувончидан осмонга,
Сақрар эмиш эркаклар.

Жаннатнинг боғларига,
Бошлармиш хаёллари.
Бу хабардан негадир,
Хафамиш аёллари.

— Нима гап? — деб сўрасам,
Бир эркак деди мамнун:
— Икки хотин олишга
Рухсат берилди бугун.

Ўн беш ёшли йигитдан,
Тўқсон ёшли чолгача
Бўб қолибди юришу
Туришлари бошқача.

Бўяганмиш Нўъмончол
Оқ сочини қорага.
Қарамасмиш кампири
Шўрлик Жаннат холага.

Ўсол бир чол турганмиш
Кўзларида ёниб чўғ.
Айтар эмиш: Эндиям
Ўладиган жинни йўқ!



Тавба қилдим, тобутда
Кетётган эркак ўлик
Қабристонга боргунча,
Ўтирганмиш тип-тирик.

Келолмасдим анграйиб,
Бу хабардан ўзимга,
Бало кўриниб кетди
Эркак зоти кўзимга.

Муқаддас китобларда
Ўқигандим бир оят:
“Хотинларингиз ичра,
Қилолмассиз адолат”.

Булар байрам қиляпти,
Ўйламай бош-кетини.
Хотинлари сиқилиб,
Еса-чи ич-этини?

Зулм қилган бўлмасми,
Хотинларига оғир?
Зулмкорнинг манзили
Дўзах дейилган, ахир.

На илож, гарчи, бундан
Жонимга озор етди.
Уйга чопдим, эримни
Хурсанд қилгим кепкетди.

Чунки унинг бошданоқ,
Ниятлари чап эди.
Ўн йил олдин ҳам уни
Сайратган шу гап эди.



Оёқларим чалкашиб,
Уйга чопиб кетаркан,
Дедим: “Эрим, ниҳоят,
Орзусига етаркан.

Бу хабарни эшитиб,
Ёниб кетади кўзи.
Хотинни жуфт қилолмай,
Зўрға юрганди ўзи.

Энди менинг устимга
Лайлини олармикин.
Тушида номин айтган,
Хайрини олармикин?”

Уйга кирдим ҳаллослаб,
Айтдим, сабрим етмади.
Нимагадир у киши
Хурсанд бўлиб кетмади.

Кўчадаги эркаклар
Номард экан, қув экан.
Қувонмади меники,
Вафодори шу экан.

Аёллардан бир ўзим
Бахтли эдим оламда.
Айланайин эримдан,
Андишали одам-да.

У секин гап бошлади,
Кияётиб оқ дўппини:
– Бошлагандик қачонлар,
Энди рухсат бўптими?




Бу гапдан сўнг юракда
Ўчиб қолди чироғим.
Илон экан ёнимда
Яшаб юрган ўртоғим.

Ё мен гўлман, бу ишни
Шу пайтгача билмабман.
Ё у тоза “ ишлаган”,
Ҳатто, шубҳа қилмабман.

Эсим курсин, шунчаям
Бўламанми содда, жўн.
Қандингни ур, офарин,
Замонавий “шпион”.

Кўзларимда ёш билан,
Тамом бўлди эртақлар:
Раҳмат сизга, рухсатни
Кутиб юрган эркақлар.





“САХИЙ” ОДАМ

Ҳангома

Бир дўконнинг қаршисида уч-тўрт хотин,
Гурунглашиб кутар арзон ёғ навбатин.

Ўша ердан ўтиб қолди битта эркак,
Худди шундан бошланади бизнинг эртақ.

У аёллар ичра бири гўзал эди,
Ўзи ёш-у, аммо сўзи масал эди.

Ўша эркак қараб секин ўнгу чапга,
У аёлни қувлик билан солди гапга.

Деди: — Синглим, сизга раҳмим келди жуда,
Ўрнингизга куёв бола келмапти-да.

Аёл деди: — Эрим ўтган, бир болам бор,
Икки йилки, бир ўзимга қолган рўзгор.

Эркак деди: — Қийналибсиз ғамлар ютиб,
Ёғ учун ҳам юрасизми навбат кутиб?

Навбат кутиб ёшлигингиз бўлар увол,
Эрга тегишингиз керак гулдай аёл.

Менинг уйим тўла емиш, ёғу унлар,
Омборхонам тўла мева, дону дунлар.

Икки уйда икки дона хотиним бор,
Истасангиз, бўлинг менга учинчи ёр.

Аёл деди, бироз ўйлаб, бироз кулиб:
— Кундошларим қўйишса-чи сочим юлиб?



Майлику-я икки хотин тинч ётишса,
Не қиламан деразамга тош отишса?

Эркак деди: — Хотинларим билишмайди,
Билишмагач, тинч яшайсиз, урушмайди.

Ҳаммангизни тенг кўраман тоқат билан,
Висол туни — уч кунда бир, навбат билан.

Аёл деди кулгисини ичга ютиб:
— Ўларканман у ердаям навбат кутиб.

Машинага, уйга навбат кутган эдим,
Навбат кутиб кўз дўхтирдан ўтган эдим.

Аmmo бундай кўчалардан ўтмаганман,
Ўғирликча эрга навбат кутмаганман.

Рози бўлсам, билмам, недан ютарканман?
У ердаям, бу ердаям кутарканман.

Уч кунда бир ёр кутгандан бўйним эгиб,
Бир ойда бир ёғ кутайин қомат кериб.

Эркак деди: — Тавба, бу не деганингиз?
Ахир, кунда ош бўларди еганингиз.

Аёл деди: — Бу деганим — берманг озор,
Ошқозоним тепасида юрагим бор.

Эркак деди: — биздаям бор ўша юрак,
Ростин айтсам, менга фақат савоб керак.

Ўнгимдаям, тушимдаям савоб дейман,
Уйимдаям, ишимдаям савоб дейман.

Аёл деди: — Кечиринг, эй яхши одам,
Бева экан мен-ла турган аёллар ҳам.

Ёшлари сал каттароғ-у, меҳрга зор,
Керакмасми тўртинчи ё бешинчи ёр?

Шошмай туринг, уларни ҳам чақирайин,
“Очилди бахтимиз!” дея бақирайин.

Суюнгандан ақллари шошар эди,
Савобингиз беш баробар ошар эди.

Шунда эркак чин ниятин очиб кетди,
Машинасин юргизди-ю, қочиб кетди.

Муллакалар, ожизгина аёлдирмиз,
Балки, калта ўю содда хаёлдирмиз.

Орангизда сахий, ҳотам кишилар кўп,
Олам-олам эҳсон қилиб, олишмас чўп.

Чин сахийлар муҳтожларга лаган-лаган
Ош киргизиб, кимданлигин айтишмаган.

Хабар олиб кўшнисининг йўқ-боридан,
Кийим-кечак, нон ташлаган деворидан.

Ўтинч: Бизни нафсингизга талаштирманг,
«Савоб» сўзин маъносини адаштирманг.





ГАП

Ўнта ўртоқ неча йил
Кўришолмас эдик бир.
Дийдор ҳам керак, ахир,
Ана гап-у, мана гап.

Соғинишгандик чиндан
Гап ўйнадик юз мингдан.
Зап чиқдим-да уйимдан,
Ана гап-у, мана гап.

Ғазалхонлик қиламиз,
Машрабхонлик қиламиз,
Эҳ, ўзимиз биламиз!
Ана гап-у, мана гап.

Эримга ҳам билдирдим,
Лойқа феълин тиндирдим,
Вой-вой зўрға кўндирдим,
Ана гап-у, мана гап.

Яшардим Янгиободда,
Йиғин Юнусободда,
Тўрт автобус — тўрт патта,
Ана гап-у, мана гап.

Беш минг бўлди йўл кирам,
Ичим ачиди бирам,
Ўлсин шу ўтириш ҳам,
Ана гап-у, мана гап.

«Бер, бер», деб дуо қилдик,
Бандалик даъво қилдик,
Шунда ҳам хато қилдик,
Ана гап-у, мана гап.



Кейин навбатма-навбат
Қилишиб сабру тоқат,
Сўрашдик икки соат
Ана гап-у, мана гап.

Бўлдик чойу, ошланиб,
Кайфиятлар хушланиб,
Ғийбат кетди бошланиб,
Ана гап-у, мана гап.

Турганлар ҳам қолмади,
«Юрган»лар ҳам қолмади,
Ўлганлар ҳам қолмади,
Ана гап-у, мана гап.

Мақтандик қай биримиз,
Ўртандик қай биримиз,
Қолмади ҳеч сиримиз,
Ана гап-у, мана гап.

Кириб кетиб Тошкондан,
Тешиб чиқдик Анжондан,
Ош яхшиймиш лағмондан,
Ана гап-у, мана гап.

Қолмади нарху-наво,
Беҳуда сўз муддао,
Суҳбат ҳам бўлди расво,
Ана гап-у, мана гап.

Нодон эканмиз анча,
Қулайлик бўлса қанча,
Ношукурлик ҳам шунча,
Ана гап-у, мана гап.



Ниҳоят, ёқа ушлаб,
Артистлардан очдик гап,
Бўб кетдик тараф-тараф,
Ана гап-у, мана гап.

Номларин айтиб бир-бир,
Ахтардик тирноқдан кир,
Қилдик росаям “ҳузур”,
Ана гап-у, мана гап.

Суриштириб зотини,
Билдик нечта хотини,
Юлдик қанот-патини,
Ана гап-у, мана гап.

Қўйиб қўйиб типпа-тик,
Бошдан оёқ қарадик,
Юз камчилик санадик,
Ана гап-у, мана гап.

Қилган гийбатимизга,
Юз гуноҳ ҳаммамизга,
Ёзилди номамизга,
Ана гап-у, мана гап.

Шўрлик ҳофиз болани,
Келган экан омади,
Гуноҳи ҳам қолмади,
Ана гап-у, мана гап.

Бир юз беш минг пул тўлаб,
Бир қоп гуноҳ орқалаб,
Кетдим уйимга қараб,
Ана гап-у, мана гап.

Махшарда ҳали у қоп,
Очиб, қилинса ҳисоб,
Ҳолим бўлади хароб,
Ана гап-у, мана гап.





* * *

Азизим, мухлисим, жоним, биродар,
Ўтодир умри карвоним, биродар.

Борар манзил, кутар мезбон — Ўзидир,
Сўзидир — йўлда сарбоним, биродар.


Борармиз ёнма-ён Адам чўлида,
Тугаб қолмай суву ноним, биродар.

Қалам бирлан қазиб дурлар теройин,
Бўлинг қалбимда меҳмоним, биродар.


Тўқирман сўз ипу ипаги Сиздан
Бисотимда шу дўконим, биродар.

Бўлиб рози, озига ҳам кўпига,
Этинг авф айбу нуқсоним, биродар.

Тўнимнинг пешига солиб улашган
Сўзим — шу хайри-эҳсоним, биродар.



Онамни
кўргани бораман





ОНАМНИ КЎРГАНИ БОРАМАН

Йигит тилидан

Бозорга чиқибди қулупнай,
Етказди, Худодан айланай,
Илиниб, илиниб олволай,
Онамни кўргани бораман.

Ишларим йўлимни тўсса ҳам,
Пойимда тиканлар ўсса ҳам,
Бир даста гул олиб бўлса ҳам,
Онамни кўргани бораман.

Кирсам ҳам иккита нон билан,
Бағрига босади жон билан,
Айтади: „келдингми, жон болам?“
Онамни кўргани бораман.

Бўлиниб, ҳар ким ўз йўлига,
Ташладик келинлар қўлига,
Ялиниб яшар ўз ўғлига,
Онамни кўргани бораман.

Кийиниб, оҳорли, саришта,
Бормайин эски, чанг ковушда
Сўзлайн энг майин товушда
Онамни кўргани бораман.

Ичволиб, маст бўлиб бормайин,
Ҳайвондан паст бўлиб бормайин,
Хит қилиб юрагин ёрмайин,
Онамни кўргани бораман.



Ичига солиб ғам-ғуссасин,
Туққанига афсус емасин,
„Ўлсанг ҳам розиман!“ демасин,
Онамни кўргани бораман.

Куйдирги фарзандин доғида,
Синмасин қариган чоғида,
Эъзозлай жонининг соғида,
Онамни кўргани бораман.


Ўтирай бемалол, ёзилиб,
Қолмасин ташвишим сезилиб,
Юрмасин юраги эзилиб,
Онамни кўргани бораман.

Айтмайин боламнинг ғамини,
Билдирмай рўзгорим камини,
Ўчирмай юрагин шаъмини,
Онамни кўргани бораман.

Акамнинг яхшисин оширай,
Укамнинг айбини яширай,
Қувнатиб меҳрини тоширай,
Онамни кўргани бораман.

Уй талаш-мол талаш қилмайин,
„Унга кўп, менга оз“, демайин,
Бошини оғритиб келмайин,
Онамни кўргани бораман.


Эркалай: „Оймомам, ўзимни,
Қувнатиб турасиз кўзимни“,
Кулади эшитиб сўзимни,
Онамни кўргани бораман.



„Ҳаммадан гўзалсиз“, деб атай,
Сўлиган руҳини яшнатай,
Кулдириб-кулдириб, яйратай,
Онамни кўргани бораман.

Нурланиб қайтаман ёнидан,
Куч олиб жисмию жонидан.
Кузатар кулиб, айвонидан,
Онамни кўргани бораман.

Ўшадир, Марҳабо, давлатим.
Энг гўзал фарзим-у суннатим,
Оёғин остида жаннатим,
Онамни кўргани бораман.



**КЕЛИНИМ КЕЛИН ОЛДИ**

Келин бўлиб, суйдирган,
Гап қайтариб, куйдирган,
Кетиб қолиб, тўйдирган,
Келиним келин олди.

Етти ёққа зир чопиб,
Чиройли бир қиз топиб,
Пешонасидан ўпиб,
Келиним келин олди.

Ниҳоят, у жонона,
Ўзи бўлди қайнона,
Келинига парвона,
Келиним келин олди.

Мақтанар: „Келин болам,
Чиройли ўзимдан ҳам,
Шахло кўз, қоши қалам,
Келиним келин олди.

Юзларидан ёғар нур,
Лаби гунча, тиши дур“.
Дедим: „Ҳали шошмай тур“,
Келиним келин олди.

Гунча лаб бир очилсин,
Заҳарлари сочилсин,
Тиғи жонга санчилсин,
Келиним келин олди.

Мушугини дегин „пишт“,
Чумчуғини дегин „кишт“,
Ана қиёмат — уруш,
Келиним келин олди.



Шахло кўзлар ўқрайиб,
Ҳар кўрганда хўмрайиб
Найзасин турсин сайиб,
Келиним келин олди.

Чимирилиб қалам қош,
Юрагингни қилсин ғаш,
Вақтинча ўпиш, ялаш,
Келиним келин олди.

Ўзингдай идиш ювса,
Қолмайди бутун коса,
Чойнагинг тутар ҳасса,
Келиним келин олди.

Қўполлигидан уни,
Чангютгичми, дазмолми,
Бузилиб битар куни,
Келиним келин олди.

Уч кунлаб кир ивитсин,
Сочиқларинг чиритсин,
Бир кўнглингни совутсин,
Келиним келин олди.

Гап бермасдан ўзингдай.
Сайраб турсин булбулдай,
Томошангни бир кўрай,
Келиним келин олди.

Ўғлингга гап ўргатсин,
Ялласига ўйнатсин,
Бир кунингни кўрсатсин,
Келиним келин олди.



Бошлаб уйда талотум,
Овсинга қилса хужум,
Дейман: „Саломалайкум!“
Келиним келин олди.

Исроф қилиб борингни
Чайпасин рўзфорингни,
Шу қиз берсин додингни,
Келиним келин олди.


Энди биласан, мана,
Қайнона бўлиш нима,
Ажабгина бўлди-я,
Келиним келин олди.

Тавба, тавба, нима бу
Юрагимда кек, қайғу?
Ахир, уйимда тўй-ку,
Келиним келин олди.

Ўзинг кечиргин, Олло,
Инсон бўлмас бехато,
Шукур, деб, қилай дуо,
Келиним келин олди.

Ахир, унда ёш эди,
Йўнилмаган тош эди.
Беақд, бебош эди,
Келиним келин олди.

Секин гапириб, мақтаб,
Дуолар қилиб алқаб,
Йўлга солдим-ку алдаб,
Келиним келин олди.



Дедим: „Тежамкор болам,
Менга мадакдор болам,
Ўргилай, онам-онам“,
Келиним келин олди.

„Кир ювар оппоқ-оппоқ,
Идишим ушлар юмшоқ,
Миннатдор коса, товоқ“,
Келиним келин олди.

Қилиб сабру-бардошни,
Кўздан оқизмай ёшни,
Пиширдим шу хом ошни,
Келиним келин олди.

Сабр қилди Мархабо,
Ғўрадан битди ҳолво,
Энди қилайин дуо,
Келиним келин олди.

Ёмон келин дўзахдир,
Яхши келин жаннатдир.
Илоё, кўрсин ҳузур,
Келиним келин олди.





„ХҮП-ХҮП“

Қайнона билан келин
Ногоҳ айтишиб қолиб,
Кетди ота уйига
Келин боласин олиб.

Жиринглади телефон,
Олди йигит онаси,
Қўнғироқ қилаётган
Ўғилнинг қайнонаси:

„Ассалому алайкум,
Қудажоним, айланай,
Муллакамлар омонми?
Куёв ўғлоним қалай?

Болалар етиб келди,
Ўтиришибди, мана,
Гурунглашиб яйрардик,
Бирга келганингизда.

Набирангиз бир ширин,
Катта қилиб қўйибсиз,
Ёқимтойлигин кўринг,
Қўйиб қўйган ўзингиз.

Куёв боламга ўхшаб
Ақл чиқар кўзидан,
Бобосига тортган-да,
Нур ёғилар юзидан.

Омон бўлинг бахтимга,
Раҳмат сизга, қудажон,
Қизингиз гул-гул яшнаб,
Сиздан келтирди салом.



Нега келганин билдим,
Кўлимда „адаб чупи“,
Ҳар нарса си бормиш-у,
Туғаб қопти „хўп-хўп“и.

„Хўп-хўп“ сиз қолган бўлса,
Қийнагандир сизни ҳам,
Сал бўлмаса хижолат
Қилар экан бизни ҳам.

Яхшиям жўнатибсиз,
Тахминимиз чин чиқди,
Кўнглига қўл солгандик,
„Кибр“ деган жин чиқди.

Ҳозир ўша жинини,
Бўғибгина ўлдирдик,
Кўйни-қўнжи, чўнтагин,
„Хўп-хўп“ билан тўлдирдик.

Қиз узатган ҳовли-да,
Баланд-пасти кўрганмиз,
Томорқанинг барига,
„Хўп-хўп“ экиб қўйганмиз.

Уй-жойимиз „хўп-хўп“дан,
„Хўп-хўп“дан сув, нонимиз,
Баъзида шу „хўп-хўп“нинг,
Қўлидадир жонимиз.

Фарам қилганмиз уйга,
Ўша „хўп-хўп“ни териб,
Жўнатамиз қизларга,
Уч-тўрт тугунни бериб.



Болаларингизни ҳам,
Кудангиз олиб кетди,
Тўрт қоп „хўп бўлади“ни,
Мошинга солиб кетди.

Сиз – устоз, у – талаба,
Ҳар юмушни ўргатинг,
„Хўп-хўп“и тугаб қолса,
Дарров менга жўнатинг“.

Эй келин! „Хўп“ деган сўз,
Уч ҳарфдан тузилган,
Аммо унинг вазидан,
Қанча уйлар бузилган.

Доно бўлсанг „хўп-хўп“ни,
Бошингдаги „тож“ деб бил,
Агар бахтли бўлмасанг,
Марҳабо холанг кафил.





КЎРПАЧА

Бир авлиё — Роҳила,
Яшар эди кулбада,
Иш-юмуши — ибодат,
Кўрпачаси увада.

Бир кун дедилар унга,
— Кўрпачаларинг жулдур,
Биз бир бойни биламиз,
Янги қилиб берадур.

Роҳила деди силаб,
Увада кўрпасини:
— Сиз кўрган нарсаларни,
Аллоҳ кўрмаяптими?

Ҳар иш бўлса Ўзидан,
Ўзидан кўп-озимиз,
Аллоҳ рози бўлганга,
Шукур, биз ҳам розимиз.

Роҳилага ҳайронман,
Қилмайдими уй-рўзғор,
Ёлғиз аёл кишига,
Тоғу тошда нима бор?

Ўрнида бўлганимда,
Тегиб бир яхши эрга,
Бекалик қилар эдим,
Катта бир ҳовли, уйга.

Ўстирардим фарзандлар,
Ўпиб, қучиб, пўпалаб,
Яшар эдим эримнинг,
Оёғини уқалаб.



Болалар катта бўлса,
Совчи қут, тоғора қил,
Энг буюк вазифам шу,
Карнаю ногора қил.

Қилмасанг бўларканми?!
Элу юрт, урфу одат,
Аёл кишига шунинг
Ўзиям зўр ибодат.

Уйда йиртиқ кўрпача!
Вой, шўрим қурсин мени,
Ундан кўра елкамдан,
Олиб ташланг қалламни.

Совчи келиб қолса-чи,
Шу аҳволимга ҳозир,
Бахмал олиб берворсин,
Югур, отангга югур.

Эрим: „пул йўқ“, десин-чи,
„Топасан!“, деб қўймайман,
Уйимнинг шу камини,
„Ёпасан“, деб, қўймайман.

Топмасин-чи „дод“, дейман,
Ўзи яхши билади,
Заплайман, керак бўлса,
Малайлик ҳам қилади.

Кўрпачамни душманга,
Эланиб ҳам бутлайман,
Керак бўлса шайтондан,
Тиланиб ҳам бутлайман.



Не қилсам қиламанки,
Уйимда ризқ, қут бўлсин,
Болаларим қорни тўқ,
Ва кўрпачам бут бўлсин.

Роҳила меърожига,
Булут сузиб етмайди,
Дунё қўл чўзса, унинг
Ковушига етмайди.

Шунинг учун мен бу — мен,
Синиқ, майда Марҳабо,
Роҳила бу — Роҳила,
Яхлит, буюк авлиё.

Юксалмас ҳаёт йўлинг,
Минг текисла жўвада,
Кўрпачанг бут бўлса-ю,
Қалбинг бўлса увада.



НОШУКУР

„Мен бойманми, камбағал?“
Бир одам берди савол.
Расулуллоҳ дедилар:
— Уйингда нима аҳвол?

Қайнайдим қозонинг?
Кунинг қандай ўтади?
Уйингдаги емишинг,
Неча кунга етади?

— Уч кунлик овқатим бор,
Деб, у киши олди тан,
Расулуллоҳ дедилар:
— Унда сен — бойлардансан.

Ўйлаб қолдим: Мен кимман?
Етарли ҳар буюмим,
Кўплигидан йиртилмас,
Ўн йилда ҳам кийимим.

Емишнинг бир ойлигин,
Йиғиб, ғамлаб қўйганман,
Ёз мевасин қайнатиб,
Қишга дамлаб қўйганман.

Тўй-тўйчигим ўтмайди,
Бекарнай, беноғора,
Меҳмон кутсам етмайди,
Ўттиз бешта тоғора,

Ўлим бўлса, кўк кийиб,
Бир йил аза тутаман,
„Уч“, „Етти“, „Йигирма“ деб,
Тўйда меҳмон кутаман.



Меҳнат билан пул топиб,
Битта тўйда сочаман,
„Етмаяпти“, деб яна,
Ҳасратимни очаман.

Ҳаёт бўлганларида,
Расул алайҳиссалом,
„Мен бойми ё камбағал?“
Дея сўрасам савол,

Деган бўлар эдилар:
„Бурнинг ерга ишқалгур!
Сенинг отинг — Исрофгар,
Сенинг отинг — Ношукур“.

**ДАМ ОЛГАНИ БОРАМАН**

Уй тўла бола-чақам,
Юрагимга керак дам,
Шукур, чикди нафақам,
Дам олгани бораман.

Ҳеч нимага ишлатмай,
Бир боламга ушлатмай,
Соғлигим учун атай,
Дам олгани бораман.

Бошқалардан нейим кам?!
Икки юз минг нафақам,
Ўн кунгина бўлса ҳам,
Дам олгани бораман.

Рангим қолди синиқиб,
Қовоқларим димиқиб,
Келайин бир тиниқиб,
Дам олгани бораман.

Учта болам — учта ғам,
Ҳали у, ҳали бу кам,
Бир яшашсин менсиз ҳам,
Дам олгани бораман.

Нотинч қизим рўзғори,
Эри нобоп, безори,
Эзди шунинг озори,
Дам олгани бораман.

Ўтирайми ғам ютиб,
Юрак ўйноғим тутиб?
Ҳаммасини унутиб,
Дам олгани бораман.



Четга суриб ғуссани,
Белга тугиб „пенса“ни,
Қошга қўйиб ўсмани,
Дам олгани бораман.

Келинлар пиширди нон,
Олдим сочиқ, дастурхон,
Бир яйрасин куйган жон,
Дам олгани бораман.

Ўсма қолмасин, вой-вой,
Райҳон, жанбил, „Авеер чой“,
Бир чўмилай бўлса сой,
Дам олгани бораман.

Олдим совуну, атир,
Ҳатто, чивинга раптор,
Чилвир олдим ювсам кир,
Дам олгани бораман.

Қўшнилардан айланай,
Ҳажга кузатишгандай,
Киришади пайдар-пай,
Дам олгани бораман.

Бири майиз обчиқди,
Бири асал собчиқди,
Тўлғазишди қопчиқни,
Дам олгани бораман.

Жойлаётсам чой, тузим,
Келиб қолди-ку қизим,
Мақтандим ёниб кўзим:
„Дам олгани бораман!“



Қизим сўради мендан:
— Пул келди қай одамдан?
— Давлат, деган „отамдан“!
Дам олгани бораман.

— Тавба, тавба! — деди у,
Юзида ёниб кулгу,
— Отангиз ўлганди-ку?!
— Дам олгани бораман.

Бу „отам“ ҳеч ўлмайти,
Мени ташлаб қўймайти,
Ҳар ойда бир йўқлайди,
Дам олгани бораман.

Туққан боланг ҳам қайда,
Пул юборар ҳар ойда?
Ўша „Отам“дан фойда,
Дам олгани бораман.

Қанча болам бўлмасин,
Қанча суяб, суймасин,
Шу „отам“дан қўймасин.
Дам олгани бораман.

Қизим пўнғиллаб деди:
— Куёвингиз юборди,
Пул керак бўлиб қолди,
— Дам олгани бораман.

Дедим: „Эринг ичади,
Пул бердингми, сочади,
Шу сафар тинч қўй мени
Дам олгани бораман.“



„Отам“ деган: „Ишладинг,
Катта-катта тишлагин,
Соғлигингни тиклагин.
Дам олгани бораман.

Деди: „Пулсиз борсам гар,
Жанжал қилади баттар,
Борарсиз бошқа сафар...“
Дам олгани бораман.

Туриб олди „Беринг“ деб,
„Қайтарамиз, келинг“, деб,
Ўлади шу эрин деб,
Дам олгани бораман.

Дедим: „Сенга борлигим,
Тириклигим, соғлигим,
Керакмасми, жон қизим,
Дам олгани бораман.

У деди: „Нима қилай?
Пешонам бўлса шундай?!
Ё пул беринг, ё ўлай!
— Дам олгани бораман.

Шу эрингнинг дастидан,
Қутулмадим асти ҳам.
Одамдай қачон мен ҳам,
Дам олгани бораман?

Сенга шу пулми, ма ол,
Эрингга ёпишиб қол!
Кейин мен ҳам бемалол,
Дам олгани бораман“.




Қиз пулни олиб кетди,
Чўнтакка солиб кетди,
Ҳамма иш қолиб кетди.
Дам олгани бораман.

Осмонга қараб сокин,
Юм-юм йиғладим секин:
Фалвасиз жой бормикин?
Дам олгани бораман.

Йиғладиму юпандим,
Мана, ўтди бир куним,
Яна келади пулим,
Дам олгани бораман?

Нега қиламан „оҳ-воҳ“
„Отам“ бор бошда паноҳ
Шу сафар, иншооллоҳ
Дам олгани бораман.





МЕН ЯШАЙМАН

Йиғлаб қолди бемор бояқиш,
Бир ойгина умри қолганмиш,
Дедим: „Ўша дўхтирга денг „Киш!
Мен яшайман, худо хоҳласа“.

Дейишса ҳам „дардинг бедаво“,
Айтинг: „Жоним эгаси Аллоҳ“,
Денг: „Номид бўлмайман асло,
Мен яшайман, худо хоҳласа“.

Пичоқ тиқиб, ковласа оғриқ,
Бўлиб қолсам қоқсуяк, ориқ,
Гуноҳларимдан бўлиб фориғ,
Мен яшайман, худо хоҳласа.

Дерлар, гуноҳга — ғам кафорат,
Дард, ташвишли ҳар дам — кафорат,
Бунга саҳиҳ ҳадис кафолат,
Мен яшайман, худо хоҳласа.

Вужудимда бу дардим меҳмон,
Сийлаш керак меҳмонни мезбон,
Кузатаман ютсам ҳамки қон,
Мен яшайман, худо хоҳласа.

Яқинларим кўзи тўла ғам,
Дилларида изтироб, алам,
Дегим келар „ташвишми, шу ҳам“
Мен яшайман, худо хоҳласа.

Биров ҳаққин еб юрсам куйинг,
Ёлғон-яшиқ деб юрсам куйинг,
Иймоним бор қувонинг, кулинг,
Мен яшайман, худо хоҳласа.



Битта ётган касал ўлгунча,
Кетиб қолар соғлардан қанча,
Бу дунёда ишларим шунча,
Мен яшайман, худо хоҳласа.

Бир ой бўлса, бир ой-да, ўртоқ
Шу вақтга ҳам шукур, беадоқ,
Мумкин қанча яхши иш қилмоқ,
Мен яшайман, худо хоҳласа.

Ўттиз кунда ўттиз минг дона,
Айтиш мумкин тасбеҳ, шукрона,
Вақтингизни чоғ қилинг, она,
Мен яшайман, худо хоҳласа.

Ака, ука, жигар, дўст, янга,
Сизларни ҳам қийнаб қўйдим-а,
Рози бўлинг хизматингизга,
Мен яшайман, худо хоҳласа.

Фақат қўрқманг сал чўчитворсам,
Кўзим юмиб индамай қолсам,
Бўлиб сокин, бедарду, беғам,
Мен яшайман, худо хоҳласа.


Буни ўлим деманг, илтимос,
Инсон яна тирилмоғи рост,
Бу вақтинча сукунат, холос,
Мен яшайман, худо хоҳласа.

Муҳими шу: гарчи беморман,
Фам-азобдан тунлар бедорман,
Шу лаҳзада тирикман, борман,
Мен яшайман, худо хоҳласа.



Дард баҳона тозаряпман, деб,
Озсам, бўйга узаряпман, деб,
Борган сари тузалапман, деб,
Мен яшайман, худо хоҳласа.

Мусибатдан ўчса ҳам ҳуши,
Яшаш керак умид-ла киши,
Ноумидлик шайтоннинг иши,
Мен яшайман, худо хоҳласа.





АФЛОТУННИНГ „ХОТИНИ“

Эрим деди: — Ишонсанг,
Бир дўстимга қарз бердим,
Қарз бердим, ҳам пулим,
Ҳам дўстимдан айрилдим.

Бу йил ўн йил бўлади,
Чопа-чопа толдим мен,
Эшигига пул сўраб,
Беш юз марта бордим мен.

Хотинининг олдига,
Аяси, сен, бориб боқ,
Дедим: — Билинг, дунёда,
Энг зўр савоб — қарз бермоқ.

Жаннатнинг эшигига
Ёзилганмиш бир ҳисоб:
„Садақага — ўн савоб
Қарз берганга юз, савоб“.

Ҳикматларда: Қарздорни
Бойигунча кут, деган,
Фақир бўлса, қистамай,
Қарз баҳридан ўт, деган“.

Эрим деди: — Ҳозир бой,
Пулни бермайди, номард,
Машина, ҳовли олиб,
Уй солди қават-қават.

Қўрқиб кетдим: — Ё, тавба!
Бу қандайин жаҳолат?
Ўлса шунча қарз билан,
Охирати — ҳалокат.



Бордим ўша одамнинг,
Сўраб, уй-маконига.
Тушунтирдим, ўтириб,
Хотинининг ёнига:

„Айланайин, ўртоқжон,
Эр — пошшо, биз — вазирмиз.
Киролмаймиз жаннатга,
Турса шунча қарзимиз.

Қарздор қарзин узмаса,
Бўлиб туриб имкони.
Қабул бўлмайди, ҳатто,
Қилган хайру эҳсони.

Сиз эса, уй қурибсиз,
Машин олибсиз, мана,
Қарз узишнинг ўрнига
Тўй қилаяпсиз яна.

Биламан, ожизамиз,
Эрга етмас кучимиз.
Аммо ҳар не қилиб ҳам,
Йўлга солмоқ бурчимиз.

Болам-чақам, деб юрар,
Шўрлик эр, не қилмасин.
Секин айтинг акамга:
Охирати куймасин“.

Қайтдим. Дедим эримга:
— Бошқа сўраманг қарзни
Хотинига етказиб
Қўйдим суннату фарзни.



Обкелмаса, қайғурманг,
Бўйнида қарз жавоби.
Қай чўнтакда юрмасин,
Сизга шу пул савоби.

– Ўзим яхши эканман,
Деди, эрим, кўнгли тўқ,
– Ўйлаб кўрсам бировдан,
Ўн беш тийин қарзим йўқ.

Машинам бор, уйим бор,
Бор мрамардан ҳовузим,
Ҳовлимда савлат тўкиб,
Юрар бир жуфт товусим.

Мен дедим: — Шошмай туринг,
Ҳисоб-китоб қилишми?!
Олдим тўлов қоғозлар
Соладиган идишни.

Дедим: — Қарзсиз чироқдан,
Иссиқ сувдан тўққиз минг,
Зангор олов тўрт ойга,
Ўн беш минг мулла жиринг.

Уч-тўрт марта қатнади,
Шўринг қурғур тўрт ходим,
„Кейинги ой бераман“,
Деб, қутуласиз доим.

У деди: — Тўй қияпман,
Вақтим йўқ бош қашлашга,
Дедим: — Кафолат борми
Яна бир ой яшашга?



Чироқсиз бир яшанг-чи,
Қоронғуда қоласиз,
Ювинмай юришга-чи,
Қанча чидай оласиз?

Эрим деди: — Бир юртда
Сув, чироқ эмиш текин.
Дедим: — Улар ўз юртин
Таласа, талайверсин.

Ниманики хор қилсак,
Ўшанга бўламиз зор.
Ҳисобли дўст айрилмас,
Деган, мақоллар ҳам бор.

Бемалол ишлатяпсиз,
Олишда олар жоним.
„Тўла“ деса, қочасиз
Беришда чиқар жоним.

Гўё бу неъмат, шундоқ
Ариқчада оқади.
Ўйланг, бундан қанча жон,
Бола-чақа боқади.

Бу ҳам қарз-ку, бермасдан,
Судраб юрсангиз яна,
Қанча одам вақтида
Ололмайди мояна.

— Ўлиб кетаяпманми,
Турасан шунча заплаб?
— Қалай экансиз?! — дея
Узоқдан бошладим гап:



– Дор ўйнаб кўрганмисиз?
Ўйнайсиз ҳали, шошманг,
„Нима, мен дорвозмидим“,
Дея, тутоқиб шошманг.

Ҳали бир дор ўйнаймиз,
Пулсиротнинг устида,
Харидор бўлиб дўзах,
Чапак чалар остида.

Дунё яшалиб, эскиб,
Сўнгги куни келган дам,
Биронта ҳам қолмайди,
Дорга чиқмаган одам.

Бунда дорбоз йиқилса,
Тушади ерга шундоқ,
У дор ости – жаҳаннам,
Оловли катга ўчоқ.

На чекиниб, на қочиб,
Бирон қилиқ қиб кўринг,
„Бор, чиқмайман дорингга,
Дорвозмидим“, деб кўринг.

„Чув туширдим, бопладим“,
Деб, қилган бўлсак роҳат,
Энди ўша қил йўлда
Кўрсатамиз маҳорат.

Илдам, чошиб ўтади,
Инсофли фақирми, бой
Ўғри, судхўр, ҳаммадан,
Қарздорларнинг ҳоли вой.



Уларга минг йиллик йўл,
Тайёрага чиқолмас,
„Фордми“, „Мерседес“, „Тико“
Сайёрага чиқолмас.

Бу йўлда манзилингга,
Киракашлар элтмайди,
Бунда „Боинг“ ва ҳатто,
Ракетанг ҳам кетмайди.

Ўрнимга ўтиб бер, деб,
Ёллаёлмайсан киши.
Бу ҳар ким, ҳар бир жоннинг.
Ҳақиқий шахсий иши.

Бирор мадад, ёрдам йўқ,
Ҳар ким ўзи ўтади,
Шунда қарздорнинг қарзи
Оёғидан тутади.

Эрим қўрқиб деди: — Бас!
Пулни олу, даф бўлгин,
Газми, сув, чироғингга,
Тўлагину „хап“ бўлгин.

Тек қўйса, эринггаям,
Панд-насиҳат қиласан,
Афлотуннинг „хотини“,
Ҳар балони биласан.

— Ислом тамаддунининг
Марказида яшаб ҳам,
Ўлибманми, Бухорий
Ҳадисларин билмасам?!




Қарзни тўладик, бизга
Марҳамат қилди Аллоҳ,
Пулсирот балосидан,
Кутулдик, иншооллоҳ.

Энди қурбонлик учун
Битта қузи олайлик,
Эрим деди: — Динозавр
Сўйиб қўя қолайлик.

Кула-кула, пишириб
Қўшниларга шу куни
Ҳолвайтар тарқатдим мен —
Афлотуннинг „хотини“.

„Дардинг бўлса бўлсину,
Аммо қарзинг бўлмасин“,
Дея матал тўқиган
Донишмандлар ўлмасин.





ҚЎШНИЛАР ҲАҚИДА РИВОЯТ

Бой билан мискин киши
Қўшни эди бир замон,
Бир-бирларига доим,
Оқибатли, меҳрибон.

Ҳатто, болалари ҳам,
Бирга эдилар ҳар чоқ,
Гоҳ у, гоҳ бу ҳовлида,
Ўйнашиб қувлашмачоқ.

Бой биларди, қўшниси,
Яшарди камтар, юпун,
Дасмояси — бир арқон,
Териб сотарди ўтин.

Не бўлар ўтин пули,
Ахир, уйда саккиз жон?!
Бой камбағал қўшнига,
Қилиб турарди эҳсон.

Бой ўйларди: „Болалар
Гоҳида урушганда,
Берган нарсаларимни,
Қилмасинлар писанда“.

Ҳеч бир жонга билдирмай,
Ул, бул олиб бозордан,
Киргизиб турар эди,
Бегона хизматкордан.

Ўйларди: „Ҳар нарсамда,
Ҳаққи бор қўшнимнинг ҳам,
Топганимни у билан,
Кўришим керак баҳам“.



Бойнинг ёрдами билан,
Қутга тўлиб айвони,
Ўтинчининг ҳар куни,
Қайнар эди қозони.

Ўтинчи бу эҳсоннинг
Кимданлигин биларди,
Дастурхонда пинҳона,
Бойни дуо қиларди.

Бир куни бой иш билан,
Узоқ бир юртга кетди,
Ё Қашқар, ё Мисрга,
Ва ёки Туркка кетди.

Сафари сал чўзилиб,
Ўзга юртда қолди бой,
Чарчаб қайтди уйига,
Бўлганида олти ой.

Хотинига „обқўй“ деб,
Ақча берди халтада,
Деди: „Бу Ҳажнинг пули,
Жўнайман шу ҳафтада“.

Хотинидан сўради,
Ечаётиб махсини:
— Тинчликми маҳаллада?
Қўни-қўшни яхшими?

Ўтинчи қўшни қалай?
Болалари омонми?
Хотини деди: — Яхши,
Бунча койитманг жонни.



Бир қизчаси ўлганди,
Қабристонга элтишди,
Шундан кейин негадир,
Бирдан бойиб кетишди.

Ўғлингиз кирган экан,
„Бу ёққа кел“, демабди,
Еяётган гўштидан,
Бирон тишлам бермабди.

Болам егиси келиб,
Йиғлаб кирди уйимга,
Ўшандан бери ўйлаб,
Етолмайман ўйимга.

Мўъмин одамнинг, ахир,
Бўлмасми қўли очиқ?
Қўшнингиз бойиб кетгач,
Бўлиб қолди қизғанчиқ.

Бой шод бўлди, ҳарқалай,
Ўтинчи оч қолмабди,
Аммо гўштни боладан,
Қизғангани бўлмабди.

Бой сафардан қайтганин
Ён қўшниси билди-ю,
Зиёрат қилиш учун
Бойникига чиқди у.

Саломлашиб, ўтириб,
Суҳбатлашгандан кейин,
Бой деди қўшнисига:
— Бир гапим бор, айтайин.



Гўшт еб турган экансиз,
Кирган экан ўгилчам,
Хафа бўлибди унга
Бермапсиз бирор тишлам.

Ўтинчи дебди: — Узр,
Эй, қўшнижон, айб менда,
Бир ой жуда қийналдик,
Сиз сафарда юрганда.

Ўзим бетоб бўлгандим,
Ҳаловатим бузилди,
Оч қолдик, бир қизчамнинг,
„Нон“, деб жони узилди.

Бир неча кундан кейин,
Қўлимда арқон билан,
Далага чиқдим, уйга
Зора қайтсам нон билан.

Ҳаром ўлган бир эшак,
Чиқди шундоқ йўлимдан,
Болаларимни эслаб,
Бир гап ўтди кўнглимдан:

„Очликдан ўлди қизим,
Хотиним ҳам ўсолдир,
Эй, Аллоҳ! Энди бизга
Бу ўлакса — ҳалолдир“.

Олиб келдим уйимга,
Шу эшакни нимталаб,
Тузлаб қўйдим бир хумга,
Гўштни бурда-бурдалаб.



Ҳаромлигин билганда,
Ўғлингиз „гўшт“ демасди,
Бизга ҳалол эди-ю,
Сизга ҳалол эмасди.

Очликдан болаларим,
Бўлди суягу, тери,
Емишимиз ўша гўшт,
Мана, бир ойдан бери.

Қўшнисин кузатди-ю,
Бойдан чиқди иситма:
“Сафарга бормаё ўлай,
Нима қилиб қўйдим-а?!”

Шуларга ташлаб кетсам,
Егулик бўлмасмиди,
Оч қолмаганда, балки,
Қизалоқ ўлмасмиди.

Ўлакса еб ўтирса,
Очликдан қўшним мени,
Каъбада Ҳажу, Умра,
Қилишимдан не маъни?”

Бой Ҳаж пулин чиқариб,
Ўтинчига тутқазди,
Болаларин ҳам унинг,
Атрофига ўтқазди.

„Лаббайка“, деб Каъбанинг,
Қилгандай тавофини,
Етти марта айланди,
Уларнинг атрофини.



Уч кундан сўнг ҳожилар,
Кетишди Ҳаж қилгани,
Кетишди Аллоҳ учун,
Мол, жонин харж қилгани.

Уч ой деганда, бир-бир,
Қайтиб келди ҳожилар,
Дўқонда бойни кўриб,
Ҳайрон бўлишди улар:

— Ҳожим, Каъбатуллоҳдан,
Қачон қайтиб келдингиз?
Қанот чиқдими ёки
Шамол бўлиб елдингиз?

Ахир, айтгандингиз-ку:
„Ўн-ўн беш кун қоламан,
Сизлар бораверинглар,
Сиздан кейин бораман“.

Биздан берворгандингиз,
Совға-саломли тугун,
Элтиб бермоқчи эдик,
Уйингизга шу бугун.

Бой ҳайрон, дерди: — Ахир,
Борганим йўқ, Ҳажга ман.
Ҳожилар унинг сўзин,
Олишмасди асло тан.

— Ахир, Каъбатуллоҳни,
Бирга тавоф қилдик-ку,
Намоз вақтида беш вақт,
Ёнма-ён ўтирдик-ку.



Ёлгон арафа куни,
Етиб бордик Минога,
Арофатда ўтириб,
Хитоб қилдик Аллоҳга.

Дуо қилиб ўпдингиз,
Ҳажарул асвадни ҳам,
Бирга қурбонлик қилдик,
Бирга қирқдик сочни ҳам.

Ҳожим, омонатингиз,
Мана, тугунни олинг,
Йўлда чарчаб қолибсиз,
Биз кетдик, яхши қолинг.

Бой йиғлар эди фақат,
Тилига сўз келмасди,
Қўлида тугун, унда,
Не борлигин билмасди.

Бой тугунни бағрига,
Босди-ю, чопди уйга,
Кўриб турган одамлар,
Бари эргашди унга.

Фаришталар туккан бу,
Тугунда не, ё, Аллоҳ,
Жойнамозми, китобми,
Либосми, ё тўтиё?

Уйга кирди, юраги,
Питирларди мисли қуш,
Тугунни очса, заррин
Харфли қора – Каъбапўш!



„Аллоҳу акбар!“ дея,
Йиғлаб қилди муножот:
„Бир гуноҳкор банданга,
Робим, бу не иноят?!

Ахир, нодонлигимдан,
Сўлдирдим гул ғунчасин,
Буйнимда-ку уволи,
Ён қўшнимнинг қизчасин“.

Бой йиғларди „Кечир“ деб,
Не қиларин билмасди,
Ҳожи бўлдим, бунга,
Ишонгиси келмасди.

Аллоҳ бир фариштани,
Ўхшатиб қўйиб бойга,
Туширган бўлса не тонг,
Ҳожилар турган жойга.

Бой тусида фаришта,
Бажариб Ҳаж амалин,
Берган бўлса не ажаб,
Совғали тугунчагин.

Мушки анбар исига,
Тўлди бойнинг ҳовлиси,
Йиғилди узоқ-яқин,
Ва ўтинчи қўшниси.

Бой деди: „Эй яхшилар!
Кўп эди каму-кўстим,
Мени Ҳажга юбориб,
Ҳожи қилган — ён қўшним“.

Бой қўшнисин қучоқлаб,
Одамларга билдирди,
Қўшни томон деворга,
Каъбапўшни илдирди.

Кўзга суриб одамлар,
Ўпдилар Каъбапўшни,
Ҳақ наздида шунчалар,
Азиз эканми қўшни?!

Ўша куни тиниқиб,
Ҳожи — бой қолди ухлаб,
Тушида Каъба ўзи,
Келганмиш уни йўқлаб.

Бойни ўтқазиб қўйиб,
Бармоғига деб „Сана“,
Атрофида етмиш бор,
Айланётганмиш Каъба.

Хуллас, Иброҳим қурган,
Каъбани ким билмайди?
Бу тош уйда Ҳақ ўзи,
Истиқомат қилмайди.

Ана байт, ана Каъба,
Қодир бўлсанг чоп, югур,
Аллоҳ ўзи қурган уй
Мўминларнинг қалбидир.

Уларга бир назар сол,
Бири турар нурланиб,
Илму маърифат ила,
Тўлиб-тошиб, хурланиб.




Бири илмсизликдан,
Қоп-қоронғу, шип-шийдон,
Бирида фаҳш, зинога,
Даъват қилади шайтон.

Сизни шу Каъбаларга,
Чорлайман эй, ҳожилар,
Ҳаммамиз йиғилишиб,
Қиламиз катта ҳашар,

Ким маблағи, ким кучи.
Ким илм билан келсин,
Ким ҳунар, ким ширин сўз,
Ким билим билан келсин.

Бу уйни тиклаш Каъба
Тиклаш билан баробар,
Ҳожиликни, шу қутлуғ
Уйдан бошланг, биродар!



ДУГОНАЛАР ҚИССАСИ

Нигора-ю, Наргиза,
 Ва Раъно учта ўртоқ,
 Синфдошлар ичида,
 Эдилар жуда иноқ.

Улғайишгач, айланиб
 Палахмоннинг тошига,
 Раъно тушди тошкентлик
 Битта қариндошига.

Нигора-ю, Наргиза,
 Қолишди Андижонда,
 Бир-бирларин кўролмай,
 Юришарди армонда.

Уларнинг орасида,
 Гўзали эди Раъно,
 Шундай қиз тушган йигит,
 Чикди ароқхўр, бало.

Бир ёғи мусофирлик,
 Келмади ҳеч омади,
 Эри сотиб ичмаган
 Тўшаги ҳам қолмади.

Қизларин бўйи етган,
 Ажрашайин деса шарт,
 Шу ҳолига Раънога,
 Илашибди ёмон дард.

Яхши ҳам бор телефон,
 Гаплашар уч дугона,
 Энди нима қилади,
 Шўрлик Раъно бечора?



„Операция мумкин,
Аммо хавфли, кам қонинг,
Бир миллион ақча керак,
Сақлаб қолиш-чун жонинг“.

Дўхтирларнинг гапидан,
Унинг кўнгли бўлди кир,
„Қаердан пул топаман,
Ўларканман барибир“.

Бу хабарни эшитиб,
Дугоналар йиғлашди,
Наргиза Нигорани,
Чақирволиб кенгашди.

— Қандай қараб турамиз,
Сўнса шундай ойимиз?!
Синфдошлар ичида,
Йўқми бирор бойимиз?

Наргиза деди: „Бор-ку,
Лайли билан Ойзода,
Тилла олиб сотади,
Иккиси ҳам бозорда“.

Кўнгил қашшоқ бўлса-чи,
Бўлган билан бойлик, пул,
Бир синфда ўқиган,
Олти ўртоқ, олти хил.

Улар: „Бор пул савдода,“
Деб баҳона айтишди.
„Аллоҳ раҳмини есин“,
Дейишди-ю, қайтишди.



Нигора деди йиғлаб:
— Қаердан пул топамиз?
Наргиза деди: „Менинг,
Узугимни сотамиз.

Беш юз минг пул бўлади,
Бор, ана, уни сотдим“.
— Эринг сўраб қолса-чи?
— Дейман, «уни йўқотдим».

Нигора деди: — Раъно
Менинг ҳам бир жигарим,
Мен ҳам шохонагимни,
Келаяпти „йўқотгим“.

— Никоҳ узугингни-я?
Мумкин эмас, бунақа.
— Шу узугим Раънонинг
Бош-кўзидан садақа.

Наргиза деди: - Тўхта!
— Ундай қилма, ўртоқжон,
— Агар шундай қилмасам,
Йиғилмайди бир миллион.

Шу бугун шу узукни.
„Йўқотаман“, албатта,
Бундан зўрин Аллоҳим,
Насиб қилсин жаннатда.

Узукларнинг нархини,
Ерга уришиб тоза,
Сотволишди бозорда,
Лайли билан Ойзода.



Шу кун йўл мошинада,
Раънога нақд „гул“ кетди,
Бир халта олма-туршак,
Ва бир ўрам пул кетди.

Хабар қилишди, Раъно
Чиқиб турди йўлига,
Киракаш Раҳматилло,
Элтиб берди қўлига.

Хабар келди: „Нарсани,
Олдим Раҳматиллодан,
Агар мендан қайтмаса,
Қайтсин сизга Аллодан“.

Дугоналар хурсанд, шод,
Чеҳралари яшнайти,
Дейишар, иншааллоҳ:
„Раъно энди яшайди!“

Севинчдан йиғлашди ҳам,
Йўлда икки дугона,
Келиб қолди икки „бой“
Лайли билан Ойзода.

— Қаранг, бу жинниларни,
Дея, улар кулишди,
— Узугидан айрилиб,
Йиғлаб ўтиришибди.

Шу куни бу дунёда,
„Соғлар“ жуда кўп эди,
Аммо шу „жинни“лардан,
Бахтлироғи йўқ эди.

Узуги „йўқолган“ кун,
Кувноқ эди Наргиза,
Эри деди: „Пул йиғиб,
Зўрға олган эдинг-а!“

Нигоранинг эри лол,
Нурга тўлганди олам,
„Шунча хурсанд юрарми,
Узук йўқотган одам?..“

Шу кун жаннат эшигин,
Ким очди-ю, ким ёпди?
Маҳшаргоҳда билинар,
Ким йўқотди, ким топди?



„ДАРАХТЛАР“

Йиғлаб сўз бошлади бир аёл,
Тикволиб кўзимга кўзини,
Кошки бир доно гап айтолсам,
У шўрлик юпатса ўзини.

У деди: „Мен ҳам бир аёлман,
Мен ҳам бир хонадон келини,
Илоҳий ҳикмат бор: Аёллар
Ҳаромдан сақлайди эрини.

Турмушга чиқдим, „Пирим“, деб
Эримнинг қўлини ушладим,
Муҳаббат тахтига ўтқазиб,
Кулдайн хизматни бошладим.

Тутардим пок, шинам, озода,
Уйиму боламу, жисмимни,
Мен фақат уни деб яшадим,
Унутиб ўзимнинг исмимни.

Пардозли юрардим туну кун,
Мизғирдим бир лаҳза кечаси,
Олдимда „бурнини тортарди“
„Мен“ деган японнинг гешаси

Лайли ва Мажнундай яшадик,
Ўттиздан ошиб, қирқ ёшгача
У деди бир куни: „Барибир,
Кўчанинг аёли бошқача.



Биттаси суйкалса „севдим“ деб,
Биттаси май тутиб қўймайди,
Биттаси раққоса, силкиниб,
Мен учун арабча ўйнайди.

Қилган ҳар қилиғи ёқимли,
Чиқмай ҳам кўр тўғри йўлингдан.
Сен — яхши аёлсан, афсуски,
У ишлар келмайди қўлингдан“.

Лол қолдим, шу менинг эримми?
Билмасдим қай дўстга сўзлашни,
Не дейсиз, ўттиз уч ёшимда,
Ўргандим арабча ўйнашни.

Ўзимни ҳар куйга солсам ҳам,
Эримнинг ҳеч кўнгли тўлмади.
Мен пир, деб сиғинган одамни,
Ҳаромдан қайтариб бўлмади.

Билдимки, яшасанг тескари,
Нур соя кетидан чопаркан,
Эрим бир ит экан, ит зоти,
Боғда ҳам ахлатни топаркан“

Бу аёл бир таскин изларди,
Минг шукур, қалб қалбни танийди.
Шунча „қасб“ ўрганган аёлга,
Сабрни ўргатсам, қанийди.

Дедимки: — Никоҳ-ла эрингиз,
Сизга жон, жисми-ла боғланди,
Ака ё ука, ё отадай,
Қариндош, жигарга айланди.



Адашиб, бир гуноҳ қилганда,
Ким ота обрўсин тўкади?
Нуқсону айбини яширмай,
Қай сингил акани сўкади?

Биз — замин, эркаклэр — дарахтдир,
Дарахтнинг дайдисиди бўлмайдиди,
Шу шилқим шамоллар ёмон-да,
Тинчгина яшашга қўймайдиди.

Дарахт-да, гоҳ тутиб шўхлиги,
Ҳар елни кучгисиди келади,
Томири тупроқда бўлмаса,
Осмонга учгисиди келади.

Гоҳ шамол увлаб дер: „Менингсан,
Заминдан суғуриб оламан“,
Дарахт дер қайишиб: „Керакмас,
Қадрдон тупроқда қоламан“.

Бу унга қисмат, гоҳ эгилиб,
Гоҳ синиб, зарбага тугилар,
Гоҳида қарсиллаб йиқилиб,
Бу дайди шамолдан қутулар.

Арзонга тушмайди ҳар шамол,
Суйайсан ўзини тутгунча,
Эй, замин! сен, шуни билгинки,
Шамоллар мавсуми ўткинчи.



Аёлнинг юзлари ёришди,
Айтдики: — Ечилди кўп тугун,
Дунёда шунча йил яшагач,
Эримни танидим шу бугун.

Тегишдим: — Эрингиз ит бўлса,
Вақтида овқатин есин-да,
Вақтида эркаланг, вақтида
Кўйворинг, бир „дайдиб“ келсин-да.



„ДАФТАР“

Рўзғорда кўп гап ўтар,
Айтолмайсан барисин,
Илоҳо, эркак зоти,
Ҳалим бўлиб қарисин.

Ҳали ёшман дейди-ю,
Сал нарсага жаврайди,
Ўғиллар ишидан ҳам,
Бир камчилик ковлайди.

Мундоғроқ чиқиб қолса,
Келинлар қилган овқат,
Дер: „Шу уйда овқат еб,
Асло қилмадим роҳат“.

Дазмол урмаган бўлсам,
Пайпоғига бир бора,
Дейди: „Шундоқ яшадим,
Ўттиз йил мен бечора“.

Тавба, қандай одам бу,
Ўз обрўсин тўкади,
Кечқурун ачом қилиб,
Кундуз куни сўкади.

Энди мендан кўради,
Тонса, кўзин “ўяман”,
Ҳар соҳага биттадан,
Дафтар тутиб қўяман.

Бу дафтарга ёзаман,
Йил, ой, соат, кунини,
Шундай қилиб бу эрнинг,
Ўчираман унини.



Ҳар хонага мих қоқиб,
Битта дафтар осаман,
У имзо чекади, мен,
Бармоғимни босаман.

Хуллас, бошланди тартиб,
Сўкишлар ҳам тийилди,
Ҳар кунги тоза либос,
Имзо чекиб кийилди.

Ҳовли учун бир дафтар,
Қул қўяр тозаликка,
Ҳаммом учун бир дафтар,
Шинам, озодаликка.

Ошхона дафтарига,
Имзо чекар „ширин“ деб,
Гоҳо қўшиб қўяди,
„Раҳмат сизга, келин“, деб.

Еб туриб ҳам маърайди,
Эрим қўйми, билмасам,
Тинчимасди қулоғим,
Бир ишниям қилмасам.

Кулсангиз ҳам айтайин,
Гап эшитиб тўйдим мен,
Ётоққаям бир катта,
Дафтар тутиб қўйдим мен.

Бу дафтарга ёзилар,
Қандай жойда ётгани,
Қандай „туш“лар кўргану,
Қандай тонглар отгани.



Эрталаб дедимки: — Бу,
Ётоқхона дафтари,
Ёзиб қўясиз бунга,
Тунда бўлган гапларни.

Эрим деди: — Ё, тавба!
Бўлдингми жинни-минни?
Мабодо келинларинг
Ўқиб-нетиб қолса-чи?

Дедим: — Тавба ҳар ишни,
Қинғирига оласиз,
Ручкани бериб туRING,
Бундай қилиб ёзасиз.

У деди: — Энди тўхта,
Менга бергин ручкани,
Бу гапни сен бошладинг,
Мен қўяман точкани.

У ручкани олди-ю,
Бирпас бошин қашлади,
Мийиғида бир кулиб,
Секин ёза бошлади:

— Чопа-чоплар тугади,
Қундуз тугаб, келди тун,
Ҳар бандага бу муддат,
Роҳат-фароғат учун.

Ётоқхонам сокин, тинч,
Ой мўралаб турибди,
Ёнгинамда бир парий,
Соч ўриб ўтирибди.



Эгнида ҳарир либос,
Кўринади бадани,
Жисмидан таралган ис,
Маст қилади бандани.

Дедим: — Вой-вой, бас қилинг!
Ёзадиган гапми шу?
Деди: — Бу менинг гапим,
Хижолат бўлманг, сулув.

Эрим менга бир кулиб,
Қисиб қўйди кўзини,
Давом этди ёзишда,
Билганини ўзини:

— Тагимда оппоқ чойшаб,
Бошимда юмшоқ ёстиқ,
Аллоҳнинг жаннати ҳам.
Эмасдир бундан ортиқ.

Фақат меҳр изҳори.
Шивирлашлар сеҳрли,
Бу хонада „салом“дан
„Хайр“ гача меҳрли.

Деворининг ҳар гишти,
Ҳар бурчаги гуллайди,
Бу хонанинг полидан,
Шифтигача куйлайди.

Бу уйдаги ҳар туйғу,
Ҳар сўз тўғри, рост бўлар,
Бу уйга кирса ишқдан,
Микроблар ҳам маст бўлар.



Ўсиб шифтга интилар,
Гилямнинг гули ҳам,
Чўғдай ёниб туради,
Ўчоғининг кули ҳам.

Бу хонанинг бир ўзи,
Рассом, шоир, бастакор,
Меҳмонхонанг, ошхонанг,
Шу хонага хизматкор.

Шу хона дафтарига,
Олсанг гар „икки“ баҳо,
Бошқа дафтарларингни,
„Беш“ қилолмайсан асло.

Доно бўлсанг, эй аёл!
Шу дафтарга „беш“ ол-чи,
Бундан ташқаридаги,
Ҳамма гаплар бекорчи.

Дедим: — Уятсиз одам!
Сиз бешарм ёзувчи,
Бу дафтарни келинлар,
Кўриб-нетиб қолса-чи?..

Деди: — Бу дафтар ибрат,
Бўлсин келин, қизларга,
Ўқиган ҳарки одам,
Ҳавас қилсин бизларга.

Ҳамма ўзимизники,
Бунда душман, ғаним йўқ,
Билиб қўйгани яхши,
Шариатда шарм йўқ.



У сўнгги сўзни ёзиб,
Дафтарга қўйди баҳо,
Қўлимга бераётиб,
Тагига чекди имзо.

Қушдай сайраётгандим,
Ўйланиб қолдим бирдан,
Не бўлса ҳам шу одам,
Рози бўлсин-да мендан.

Илоҳий ҳикматларда
Ўқигандим ўзим ҳам:
„Чиқишмасин аёллар
Эрларининг сўзидан.

Эр тўшакка чақирса,
Келмаса хотин агар,
Лаънат айтиб турармиш,
Тамоми фаришталар“.

Ўша кун келинларим,
Йиғилишганда илк бор,
Шеъримни ўқиб, дедим:
— Ҳушёр туринг, дафтар бор!

Эришайин десангиз,
Аллоҳнинг раҳматига,
Эринчоқлик қилманг ҳеч,
Эрингиз хизматига.

— Биз дафтар тутмаганмиз,
Дея, улар кулишди,
Дедим: „Бу дафтар нима?!
Ундан зўри турибди.




Иккита елкангизда,
Ўтириб фаришталар,
„Номаи аъмол“ дея,
Тўлдиришяпти дафтар.

Бу илоҳий саҳифа,
Сўнгги кунинг ёпилар,
Кейин ҳисобот учун,
Маҳшаргоҳда очилар.

Ўша кун у дафтарни,
Битта фаришта келиб,
Ўнг ё, чап ёнингиздан,
Узатади „ўқи“ деб.

Истардим, не қилсак ҳам,
Иймонимиз эш бўлсин,
Фаришталар ёзаётган,
Дафтаримиз „беш“ бўлсин.





ОМОНАТ

Катта бозор олдида,
Уста Олим дўкони,
Қор, ёмғирдан паноҳдир,
Олдидаги айвони.

Баъзи бир бозорчилар,
Қилиб олишган одат,
Тугун, қоп, халтасини,
Қўйишади омонат.

Уста чархлайди пичоқ,
Ёнида бир ўғлони.
Гоҳида омонатга,
Тўлиб кетар айвони.

„Қайтаётиб оламиз,
Майлими, уста ака?“
Ўғлин фаши келади:
„Йўл йўқ оёқ босишга“.

Уста кулиб қўяди,
Нурга тўлади олам,
— Феълингизни кенг қилинг,
Савоб бўлади, болам.

Дунёвий ё ухравий,
Илми йўқ бу одамнинг,
Олим бўлса зиёга,
Тўлдирарди оламни.

Ҳар тонг намоздан кейин,
Толиб билиб ўзини,
Ўқийди Қуръон билан,
Ҳадиснинг мазмунини.



Доим мутолаадан,
Кўнгли нурга тўлади,
Ўйлайди: «Дунёда илм
Бўлмаса не бўларди?!»

Олим, таржимоннинг ҳам,
Йўқдир асло армони,
Буни бошлаган доно
Подишонинг фармони“.

Яхшиликни ўргатар,
Бу китоблар ҳар маҳал,
Уста билар илмдан
Аввал туради амал.

Ўзининг билганича,
Ўқиб дуо қилади,
Подишо-ю олимни
Кўшиб дуо қилади.

Яшар доим бу одам,
Ажру савоб фикрида,
Икки қўли ишда-ю,
Тили Аллоҳ зикрида.

Бир кун унга қолдирди,
Янги қишлоқлик полвон,
Қора елим халтада,
Икки дона «бўлка» нон.

Бозор тугаб, кеч кирди,
Ҳали турибди нонлар,
Уста дер: «Нонин полвон,
Эртага келиб олар».



Эртасиям келмади
Омонат қўйган полвон,
Ё эсидан чиқди, ё,
Касал бўлди, иссиқ жон.

Қийин экан бировнинг,
Омонатин сақламоқ,
Топшириш керак қандоқ,
Олган бўлсанг, ўшандоқ.

Уста ташвишда: «Нонлар
Моғорлаб қотмасайди»,
Хотини ўйлар: «Нонни,
Қучоқлаб ётмасайди».

Эртаси ҳам келмади.
«Бўлка» нон қўйган полвон,
Ўзлари еб қўймаса,
Қотиб қолар энди нон.

Еб бўлмас ҳолга тушса,
Тутар мени уволи,
Яна бу нон — омонат,
Бир банданинг ҳалоли.

Эски нонни ейишиб,
Келиб қолса, деб, полвон,
Ҳар куни тонгда чиқиб,
Уста олди янги нон.

Беш кун, ўн кун, ўн беш кун,
Такрорланди шу ҳолат,
Бу уйда тандир нони,
Ейилар эди фақат.



— Бугун ҳам «бўлка» нонми?
Ўғлин битди тоқати,
— Сақлаш керак, ўғлоним,
Бировнинг омонати.

Омонат тартиби — шу
Эмас шунчаки эртак,
Қандай олинган бўлса,
Шундай қайтариш керак.

Гарчи соғинишганди,
Ҳаммаси тандир нонни,
Иссиғида ейилса,
Яйратар эди жонни.

Нон ичига хотини,
Соларди ёғу, жизза,
Оҳ-оҳ, пиёзли нонлар,
Пишганда бўлар мазза!

Уста дер: «омонатни,
Топширмагунимча то,
Нон ёпмай тулинг, «бўлка»
Қолиб кетмасин, пошшо».

Кунлар ўтди-ю полвон,
Бир ойдаям келмади,
Шу вақтгача оила
Тандир нонин емади.

Бир куни уста олим,
Қарамай ҳеч қаёққа,
Янги «бўлка» нон олиб,
Кетди Янгиқишлоққа.




Суриштириб, қидириб,
Зўрға топди полвонни.
Ўша елим халтада
Топширди юмшоқ нонни.

Енгиллашиб, осмонга
Учиб қайтарди гўё,
Ўзга ҳақин емоқдан,
Ўзи асрасин Худо.

Полвон дер хотинига:
— Қара, кетмапти тафти,
Зўр нон олган эканман,
Бир ойда ҳам қотмапти.

Ишлар битсин, бозорга,
Яна тушиб қоламан,
Бир ой еймиз, шу нондан,
Ўнта-ўнта оламан.

Уста бу омонат деб,
Қанча куйдирганин жон,
Билмай ҳам қолди содда,
Янгиқишлоқлик полвон.





ҚИЗИҚИШ

Эй, жаннат! Кўргим келар осмонинг қандай экан?
Ой, юлдузинг, тоғ-тошинг, ўрмонинг қандай экан?

Анҳорингда оқармиш, маю-шароб, сут, асал,
Туби дуру забаржад, уммонинг қандай экан?

Дерлар иссиқ, совуқ йўқ, бир мўътадил маъвосан,
Тупроқ, тош, бутанг, гулинг, райҳонинг қандай экан?

Бир рўзғорсанки, ўчоқ, тутунсиз ош пишармиш,
Оловсиз чой қайнатар қумғонинг қандай экан?

Меҳмонингга илк таом, дерлар: „Наҳанг жигари“.
Бир тотсайдим, шўрво-ю, лағмонинг қандай экан?

Дарахтларинг бебаҳо тошлар билан безанмиш,
Улар соя солган гул, ошёнинг қандай экан?

Бу гулзор, бу боғларни кимлар этар парвариш?
Фариштами, малакми, боғбонинг қандай экан?

Нурдан бино бўлган бир қаср бўлсанг, боғ бўлсанг,
Пештоқингу олтин нақш айвонинг қандай экан?

Ой, қуёшсиз ҳам раҳмат нури ила чароғон,
Ҳар кўчанг, ҳар сарой, ҳар кўрғонинг қандай экан?

Сайрга чиқсам миниб, Буроқда ё Рап-рапда,
Наъим, Фирдавс, Маъвою Ризвонинг қандай экан?

Инсон қўли тегмаган, пок хурлардан жуфтлар бор,
Бир кўрсам, ўша Ҳуру гилмонинг қандай экан?



Дерлар, бир фурсат борки, Ҳақ жамолин кўрсатур,
Оҳ-оҳ ўша хуш лаҳза, хуш онинг қандай экан?

Ҳайдашмаса посбонлар, бир мўрала эй, кўнгил,
Ўшал ёр, ўшал Хуршид тобонинг қандай экан?


Жаннат тилга кирди: „Не номаи аъмолингда?
Фаришталар битган ул „Достон“инг қандай экан?

Элу юрт, кўни-қўшнинг рози бўлдими сендан?
Яхшилигу садақа, эҳсонинг қандай экан?

Бирон инсон зотига берган бўлсанг панд, озор,
Тавба, афсус, пушаймон, армонинг қандай экан?

Шоир эдинг, бирон сўз айтмадингми нораво?
Ҳисоб-китоб қил, ёзгон-чизғонинг қандай экан?

Умид қилу, келтирдинг не, Мархабо, билайлик,
Савобми, гуноҳ йиққан „хирмон“инг қандай экан?





ШУКРОНА

Ўзим қайнонаман, жоним келинпошшодан
айлансин,
Болам кўнглини ноз-ла олган ул барнодан айлансин.

Турай деса саҳар этагидан тутиб, куёв қўймас,
Куёв сўзини жон деб қилган ул зебодан айлансин.

Кўзида ним табассум, тик туриб чойлар узатгай ул,
Унга одобни ўргатган қуда муллодан айлансин.

Кузатсам, бир-бирини кўзлари билан тавоф айлар,
Азиз жоним бу янглиғ Тоҳиру Зухродан айлансин.

Ўғилларни бериб, кир-чирларидин ҳам қутулдим, оҳ!
Пишир-қуйдир ғамини олган ул раънодан айлансин.

Чақирсам „лаббаю“, буйруғима „хўп“,
деб қилар таъзим,
Ва танбеҳ айласам, „қуллуқ“, деган донодан айлансин.

Қилиб томошалар чеҳрасию қаддин, кўзим тўймас,
Севиб, „еб“ қўймаган ёнидаги ошнодан айлансин.

Неча хизмат қилиб, баъзан, қайн онасига ёқмай,
Тўкар кўздан ёшин, бу ғалвали дунёдан айлансин.

Минг, афсус, бўлмағур эрга тушар баъзан тузук қизлар,
Дебон тақдир, қўшилган мисга ул тиллодан айлансин.

Бу эркак зотининг инжиқлиги юзта эшакка юк,
Бу юкни даст кўтарган, оқилу зуккодан айлансин.

Бир оз нозу бир оз ҳийла билан кўнглин олиб жуфтин,
Дебон „гаҳ“ қўлига кўндирган ул тарсодан айлансин.




Ёшим ўтди, рўмолчамни ўзим қўйиб, ўзим топмам,
Топиб, қўлимга тутган феъли кенг дарёдан айлансин.

Боланг нон топгани бирлан, келин берса, кейин ейсан,
Бошимдаги раҳмдил ул аёл пошшодан айлансин.

Ота-она дарахтдир мевали, тошлар тегар баъзан,
Азиз фарзанд изидан келган ул ғавғодан айлансин.

Шукур, фарзандларинг жуфт-жуфт бўлишди,
Мархабо, бир боқ,
Бу тақдирни ёзиб қўйган – эгам Аллоҳдан, айлансин.





„SMS“

(SMS, аёллар учун ҳангома)

Ҳозирги кунда оиладаги ажралишларнинг йигирма фоизига қўл телефонлари сабаб бўлмоқда.

Статистика маълумотларидан

Шекспир даври ўтди,
Бошқача эл турмуши,
Тамом бошқача ҳозир,
Эру хотин уруши.

Нима энди рўмолча,
Тўрт бурчак латта-да жўн,
Ҳозир рашк сабабчиси,
Замонавий телефон.

Уйдаги келинлар ҳам,
Билмам, нима овлайди,
Қачон қарама, эрин
Телефонини ковлайди.

Сим қоққан бўлса агар,
Бир шубҳали рақамга,
Суҳбатлари, албатта,
Айланади жанжалга.

Ўлмаганда Шекспир,
Замон дардин биларди,
Отеллони, албатта,
Аёллардан қиларди.



Тасаввур қилинг: Жанжал,
Бўлаяпти ҳовлида,
Отеллонинг телефони,
Дездемона кўлида.

Рашк ўтида қоврилар
Шўрлик Дездемонаой,
„SMS! SMS!“ деб,
Тополмас ўзига жой:

„Соғиндим, келинг“, дебди,
Қайси мохов, қайси без,
Ким юборди айтасан,
SMS, ҳимм, SMS!

Оқманми мен, оқманми?
Вой, юрагим санчади,
Телефонинг мени бир кун,
Талқон қилиб янчади!

Озаяпман ақлдан,
Ғазабларга тўламан,
Оҳ, Отелло, айтмасанг,
Дунёга ўт кўяман!“

Тўхтатолмас ҳеч нарса,
На бола, на дўсту ёр,
Кўзларига қон тўлиб,
Жинни бўлди тап-тайёр.

Дейман: „Ҳой, Дездемона,
Худо олсин феълингни,
Битта „SMS“ни деб,
Еб кўйдингми, эсингни?



Шу эрингни ўзинг ҳам,
Қандайлигин билардинг,
Телефон ўлгуруни
Кавлаб нима қилардинг?

Дездемона эшитмас,
„SMS!“ дер пайдар-пай,
Отелло жим, сабогин
Унутган талабадай.

Ўзингни бос, тўхта“, деб
Ёпишаман қўлига,
Ўйлабманки, шунчаки,
Қўрқитяпти йўлига.

Рашкчи аёл қасдланса,
Ҳеч душманлик етмайди,
Шайтон бўйнига минггач,
Фиди-пиди кетмайди.

Дездемона „Дод!“ дейди:
„Ноинсоф! бедиёнат!
Ҳали санми, хотинга,
Қиладиган хиёнат?!

Қани ўша телефон?
„МТС“ми, „Билайн“
Уяли тармоғини
Жондан жудо қилайин“.

Кўзлари ола-кула,
Қўлига олиб туриб,
Отеллонинг телефонин,
Синдирди ерга уриб.

Бўғиб ҳам ўтирмади,
Шекспир ўйлагандай.
Ўзин босса бўларди,
Шарқ аёли ҳар қалай.

Ғазаб билан ётоққа
Кириб кетди, мисли ўқ,
Отеллонинг қулоғин
Тишлаб олди эси йўқ.

„Вой, дод“, деди Отелло,
Овозининг борича:
— Не қилдинг, аблаҳ хотин,
Рўмолча бер, рўмолча.

Тилини тишлаб туриб
Азбаройи оғриқдан,
Шўринг қурғур Отелло,
Кетиб қолди ҳушидан.

Эсдан оғган хотини,
Бошқаролмай асабни,
Гоҳо йиғлаб, гоҳ кулиб,
Қайтарармиш бир гапни

«Бу абонент тармоқдан,
Айрилиб четлатилган,
Ҳар қандай алоқага,
Чеклашлар ўрнатилган».

Хаёл қурғур, обқоч-а,
Шу қолди шеър бўлмаган,
Шекспир ҳам бунақа,
Томошани кўрмаган.



„Дездемона“ келинлар!
Босволинг ўзингизни
Оилам деб баъзан ҳаққа
Юмасиз кўзингизни.

Ўйламанг, телефон унинг,
Шунчаки бир кераги.
Аслида, у эркакнинг,
Кўлидаги „юраги“.

Шунинг-чун, унинг ичи,
Тула сиру асрорга,
Ҳаммомгаям ўзи-ла
Олиб кирмас бекорга.

Баъзи сирлар бор, билсанг
Юрагингга ғам тушар,
Билмасанг пешонангга
Битта тириш кам тушар.

Марҳабога гапим шу:
Кўлмакдан кит овлама,
Эсинг бўлса, эрингнинг
Телефонини „ковлама“.





ОДДИЙ ФАЛСАФА

Дунёда кўпайди фолбинлар,
Тақдирни айтувчи коҳинлар.
Киприк қоққунингча не бўлар?
Аллоҳдан бошқаси билмайди.

Биласан, сув бўлар дарёда,
Биласан, не хислат тиллода,
Шундай бир ишлар бор дунёда,
Аллоҳдан бошқаси билмайди.

Билмайсан, не ушлар бармоғинг,
Билмайсан, не тутар қармоғинг.
Дунёда қанча вақт турмоғинг
Аллоҳдан бошқаси билмайди.

Кимнингдир бошига қор ёғар,
Кимнингдир бошига зар ёғар,
Осмондан қаерга, не ёғар,
Аллоҳдан бошқаси билмайди.

Қай бошга бахт қуши қўнарин,
Булутнинг қай юртга жўнарин,
Қуёшнинг қай куни сўнарин,
Аллоҳдан бошқаси билмайди.

Қанча ой туғилиб, тўлади?
Қанча гул очилиб, сўлади?
Ким қачон, қаерда ўлади?
Аллоҳдан бошқаси билмайди.

Айтганмиш, қайсидир бир номард:
Яқинда бўлармиш қиёмат,
Бўлади, қачон ва қай соат,
Аллоҳдан бошқаси билмайди.



Туғишин ҳомиладор онанинг,
Тақдирин чақалоқ боланинг,
Ўғилми, қизлигин ҳомиланинг
Аллоҳдан бошқаси билмайди.

„Кофир“ деб, қилмагин маломат,
Холиқдир қилгувчи ҳидоят,
Насибанг дўзахми ё жаннат,
Аллоҳдан бошқаси билмайди.

Олимлар қотирар бошини,
Титкилаб тупроғу тошини,
Кўҳна бу дунёнинг ёшини,
Аллоҳдан бошқаси билмайди.

Ўқи, бил, тафаккур қил, аммо,
Худолик талашма, Марҳабо,
Қаерда ибтидо, интиҳо?
Аллоҳдан бошқаси билмайди.



ОЙПОШША ХОЛАНИНГ ИЛТИЖОСИ

(ҳазил)

Йигирма бир ёш, қизим,
Гўзал қаламқош, қизим,
Айланай, кундош қизим,
Опоғдадангни тинч қўй.

Сен гулдай ёш бир, сулув,
Муносибми сенга у?
Ахир, бобонг тенги-ку,
Опоғдадангни тинч қўй.

Кўзламай тоғ чўққисин,
Чумчуқ тариқ чўққисин,
Намозини ўқисин,
Опоғдадангни тинч қўй.

Ёшлигида хўп „юрган“,
Беармон ўйнаб кулган,
Олтмишдан ошиб турган,
Опоғдадангни тинч қўй.

Бўяб олса сочини,
Ўйнатса кўз-қошини,
Билмайсан-да ёшини,
Опоғдадангни тинч қўй.

Қанча уриб куйдирди,
Қанча „юриб“ куйдирди,
Эр деган шу куйдирги,
Опоғдадангни тинч қўй.



Пули бўлсаям қоп-қоп,
Сен — гул, у бир кетмонсоп,
Жон, болам, тенгингни топ,
Опоғдадангни тинч қўй.

Кийинган билан башанг,
Бемалол юролмасанг,
„Эрим — шу“ деёлмасанг,
Опоғдадангни тинч қўй.

Учрашиб ўғринчалик,
Доим юракда ҳадик,
Ўн бешта набиралик,
Опоғдадангни тинч қўй.

Куёв топ, олов-чақин,
Ёнида ойдек балққин,
Тўридан гўри яқин,
Опоғдадангни тинч қўй.

Дерди: «ёшаришимга,
Ёш хотин керак менга»,
«Ёшариб» кетди жуда,
Опоғдадангни тинч қўй.

Кичрайиб битдай бўлди,
Ҳоз эди читтак бўлди,
Қоқилган тутдай бўлди,
Опоғдадангни тинч қўй.

Ҳаниматдур гул ёшлик,
Ҳой, қиз, қилма бебошлик,
Баҳурмати кундошлик,
Опоғдадангни тинч қўй.



Айтгин, бир оз ўйлансин,
Ўз уйига бойлансин,
Холагинанг айлансин,
Опоғдадангни тинч қўй.

Кулмасмикин деб олам,
Ичу ташим тўла ғам,
Дуо қиламан, болам,
Опоғдадангни тинч қўй.





ОРЗУ

Жимжилогим куйган эди бир,
„Дод!“ деганман югуриб зир-зир,
Ҳалигача шу ерим оғрир,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Оҳ, у азоб! Оҳ, у қийноғим,
Қутқаролмас бойлик, йўғ-борим
Паш-паш, вой-вой, жоним бармоғим,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Бори йўғи кичкина бармоқ,
Бир лаҳзада бўлди қизғалдоқ,
Жисмим ёнса чидайман қандоқ?
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Сен захрингни сочавер, илон,
Сен кўшнингни чақавер, чаён,
Сен гийбатинг қилавер, нодон,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Сенинг ишинг йўлдан уришдир,
Дейсан доим: „Юр, гуноҳга, юр“
Мени тинч қўй, шайтон, йўқол тур!
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Сен оловдан бино бўлгансан,
Шунинг учун ўтдан кўрқмайсан,
Юраверсин ортингдан юрган,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Мени онам қийналиб туққан,
Мени отам тер тўкиб боққан,
Асли наслим жаннатдан чиққан
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.



Ҳой, гийбатчи, барака топгур,
Айбу нуқсонларимдан гапир,
Гуноҳимни бир оз камайтир,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Шерик бўлмай айшу зинога,
Талпинайин илму зиёга,
Келишимдан мақсад дунёга,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Яшаш учун гулдай ёшариб,
Нури раҳмат ила тозариб,
Садақамни олгин, эй ғариб,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Еттигадан ҳар тўрт томондан,
Қўни қўшни ҳақдордир мендан,
Яхшиликлар қилайин жондан,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Дерлар: „Буроқ сониди қанот,
Кўзи тушган жойига бу от,
Қадамини қўярмиш, ҳайҳот“.
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Бормиш Рап-рап, деган, бир улов,
Ҳар манзилга етказар дарров,
Мингим келар ўшанга бирров,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Бу дунёда яшаб беҳашам,
Доим бўлди уним, буним кам,
Минмаганман ҳатто эшак ҳам,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.



Коинотга қилмоқ саёҳат,
Бойлар ичра бўлганмиш одат,
Нархи фалон миллионмиш фақат,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Бир қоронғу бўшлиқ шунча пул,
Кошки топсанг бирор кучоқ гул,
Ҳою ҳавас бизни қилди қул,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Бу омонат, уткинчи дунё,
Бўлмай жоҳил, ўғри, беҳаё,
Яшай содда, тўғри, бериё,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Бисёр, балки, гуноҳим маним,
Билмам, қандай амал дафтарим,
Тўлиб тошди пушаймонларим,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Баъзан иш битказдим, порали
Олган-берган юзим қорали,
Шундан кўнглим махзун, ярали,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Роббим, ёлғон сўзимни кечир,
Ҳар бад нигоҳ, кўзимни кечир,
Қусрли ҳар изимни кечир,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Ёмғир сувин қатраси қадар,
Саҳро қумин зарраси қадар,
Тавба, тавба, ҳар шому саҳар,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.



Дарё, денгиз, уммонча тавба,
Шоли, буғдой, хирмонча тавба,
Ерча тавба, осмонча тавба,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Гуноҳимни этиб махфират,
Дафтаримни ислоҳ қил, тузат,
Маҳшарда ўнг томондан узат,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Қабрда ҳам қилма бир ўлик,
Жаннатингдан очиб қўй туйнук,
Баҳра олиб ётай беҳадик,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Эй, яхши дўст, эй, ёри маҳбуб,
Бандаларинг ичра қил матлуб,
Бу шеър Сенинг аршингга мактуб,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.

Энг охири кирсам ҳам майли,
Пойгагида турсам ҳам майли,
Жамолингни кўрмоқ-чун Сени,
Мен жаннатга тушмасам бўлмас.





ҚИЗИМ МУСЛИМАХОНГА

Икки мингинчи йил таваллудингиз,
 Бағримни безатди гул вужудингиз.
 Қирқ уч ёшимда туғилган, қизим,
 Ташрифлари узоқ кутилган, қизим,
 Кузақдаги гулнинг гунчаси каби
 Ярашмай турасиз ёнимга.
 Сарғайган баргларим ичра очилмоқ,
 Ноқулай, албатта, азизим, сизга,
 Оҳ, яшил баргларим тўкилмаганда,
 Қандай ярашардик бир-биримизга.
 Минг афсус, минг шукур,
 Кўрганлар дейишса „Набирангизми?“
 „Ҳа“ деб қўя қолсам, сиз эса,
 Қимтиниб, йўқолиб кетасиз, беркиниб,
 Кўйлагим ортига...
 Уйга келиб дейсиз: „Нега ёшмассиз?
 Уялиб кетаман ўртоқларимдан,
 Мактабимга борманг, ўзим кетаман“.
 „Майли, — дейман — ёнингизда юрмайман
 Орқангиздан кетаман, секин,
 Онаси, деб ўйламас ҳеч ким,
 Ташвишланманг, хижолат бўлманг,
 Кузагимда очилган, гулим“.
 Оналар ҳеч қачон қаримаслигин,
 Тушунгунингизча яшаб турайин,
 Ҳали тўққизгаям тўлмаган, қизим,
 Баҳоримни кўрмаган қизим...



„ЭНАГА“

Бола туғиб қўйди юрагим,
 Қизларининг отлари – Армон,
 Тикиб бериб афсусдан қўйлак,
 Надоматдан едираман нон.

Чўмилтириб қўяман баъзан,
 Иссиққина кўз ёшим билан,
 „Ухланглар“, деб, ўраб қўяман,
 Ҳариргина бардошим билан.

Содда-ю шўх ўғилларига,
 Орзу, дея, қўйганман отлар,
 Улар ерда учмоғим учун,
 Ўзим ясаб олган қанотлар.

Бола-да, гоҳ қилишса шўхлик,
 Бу дунёга сиғмай қоламан,
 Ўғилларин бир қувиб солиб,
 Қизларини чимдиб оламан.





КУЗИ КУЛИБ ТУРГАН ОДАМЛАР

Қараб кетаяпмиз олтмишга,
Қариликни олмасак ҳам тан,
Чиқсак икки қаватли уйга,
Ярим йўлда олволамиз дам.

Тошойнанинг олдида хитмиз,
Ташласак сал кўзнинг қирини,
Олимлар ҳам топа қолмади,
Ўша ёшлик элексирина.

Набиралар отларини ҳам,
Чалкаштириб айтиш бошланди.
Сал нарсага йиғлаб берамиз,
Болаликка қайтиш бошланди.

Кўзойнакда китоб ўқиймиз,
Кўзойнакда еймиз „каша“ни,
Яна кўрмай ютиб қўймайлик,
Шўрвамизга тушган пашшани.

Баъзан қўлга тушса дайди пул,
Беркитамиз – тўғри қиламиз,
Кейин уни тополмай қолиб.
Келинларни ўғри қиламиз.

Ариқчадан ҳатлай олмаймиз,
„Йиқилиб кетмай“ деб, сабаби
Юрагимиз увишиб қолар,
Келса бирор ўлим хабари.



Аmmo қошу кўзларда ўсма,
Кўлда хна, кўйлақда ҳашам,
Келинми, деб ўйлаб қолади,
Орқамиздан қараган одам.

Биринчи бор „хола“ дейишса,
Юрагимиз бўлган беҳузур.
Бу номгаям ўрганиб қолдик.
„Буви“ дейишмайди-ку, шукур.


Ажинларин бежаб, яшириб,
Ўтиб кетса ярим кунимиз,
Болаларнинг ташвишин ўйлаб,
Уйқу қочиб ўтар тунимиз.

Аямаган бўлсак нимани
Тўлов тўлаш фурсати етди.
Сочимизнинг қорасидан то
Тишларгача омонат энди.

Отамиздан келадигандай,
Нафақани кутсак интиқиб,
Бир кунга деб, сақлаб қўямиз,
Кўрпамизнинг қатига тиқиб.

Ўзимизга тегмайди у ҳам,
Қиз келади пулга зориқиб,
Ўғли кетаяпти ўқишга,
Чиқариб берамиз ҳовлиқиб.

Қоқ пешинда келади хабар:
“Тенглош қўшни йиқилиб қолди,
Юрагининг томирларига,
Қуйилган қон тиқилиб қолди”.



Ўғиллари шукурки, пулдор,
Дард безовта қилган ҳаммасин,
Керак юз хил дори-ю дармон,
Ҳар бандани Худо сақласин.

Аввало-ку Аллоҳнинг ўзи,
Бандасига умр берувчи,
Баъзан дарду касалимизга,
Нафсимиз ҳам бўлар сабабчи.

Сиҳатликни қилиб эҳтиёт,
Емайлик ҳеч ҳайвон ёғларин,
Ариғига балчиқ тўлатиб,
Қуритмайлик юрак боғларин.

Оқиб турсин қонимиз равон,
Қуйилмасин, тиқин бўлмасин,
„Вой юрагим!“ деб ётиб қолсак,
Болаларга чиқим бўлмасин.

Битталари уй бошлаб олган,
Битталари узатяпти қиз,
Булар қандай ишин битказар,
Касал бўлиб ётиб олсак биз?

Тирикликда Аллоҳ дилларни,
Шукур ила тўлдириб қўйсин,
Юзлар тўла ажин бўлсаям,
Кўзимизни кулдириб қўйсин.

Ҳамроҳ бўлса бизга табассум,
Енголмайди ташвишу ғамлар,
Кўринади доим чиройли,
Кўзи кулиб турган одамлар.



Келинларнинг гийбатин қилмай,
Худо, Аллоҳ, деб ўтирайлик,
Бу бемаза, бу қаттиқ демай,
Шукур қилиб, еб ўтирайлик.

Аралашиб ҳамма нарсага
Келтирмайлик болалар гашин,
Ўлиб-нетиб кетсак мабодо,
„Кутулдиг-а!“ деб туришмасин.

Қарияпмиз, хуллас, истагим,
Инжиқ бўлиб қолмайлик, ногоҳ,
Нурли қилиб, дуоғўй қилиб,
Ҳалим қилиб қаритсин Аллоҳ.





ДУНЁГА САЁХАТ

Дейилдики: „Боринглар!
Дунё деган утовга,
Яшаш учун эмас, йўқ,
Имтиҳонга — синовга.

Юборилди Китоб — Сўз,
Тўғри йўлни билинглар.
Манов — Жаннат, бу — Дўзах,
Қайси яхши, кўринглар.

Илм олмоқ — фарз, ўқинглар,
Куфр, кибр — жиноят,
Яратишдан мақсади -
Бир Ўзига ибодат

Тақсимланган ҳар неъмат:
Биров қора, биров оқ,
Биров очиқ юз, хушхулқ,
Бошқа биров бадқовоқ.

Бировга ўнта бола,
Ўғилу қиз кўнгли тўқ.
Кимга — қиз, кимга — ўғил,
Бировда умуман йўқ.

Кимга — шодлик, кимга — ғам,
Кимга — ҳусн, кимга — бахт,
Ким беқўл, ким беоёқ,
Кимга — кишан, кимга — тахт.



Фақат, фақат яхшилик
Кўнгил бўлсин тўғри, соф.
Енг, ичинг хоҳлаганча,
Аммо қилманг ҳеч исроф.

Аҳил бўлинг, ул Зотни
Қилай десангиз рози.
Сиздан талаб қилинур:
Шукур, Сабр, Тавозе.

Огоҳ бўлинг, то танда
Бор экан У берган жон,
Томирингизда изғиб
Юради душман — Шайтон“...

Ерга тушди одамлар,
Ой, қуёш, юлдуз билан.
Теграси тўла неъмат,
Кечаю кундуз билан.

Бошланди қизиқ ҳаёт:
Ким қурди, ким яратди,
Шу тупроқ, шу заминни,
Боғ-роғ қилди, яшнатди.

Жигар-хешлик риштасин,
Ким боғлаб, ким узарди.
Ким қалб уйин тикласа,
Кимдир келиб, бузарди.



Дунёнинг қай ерида
Нурни тун олиб кетди,
Ҳамма яшар ўзича,
Китоб, Сўз қолиб кетди?!

Оҳ, Шайтон-а, қудратин
Қўл тегизмай билдирар,
Ёмонликни инсонга
Ўз қўли-ла қилдирар.

Ҳаёт майин ичурмиз,
Унутиб соқийсини.
Тиквормасак бўлгани
Фонийга боқийсини...



АВОМ* ШОИРИ

Бир даврада, „Халқ шоири“, деб,
Мени элга таништиришди,
Кулдим, гўё булбулга мендай
Карқўноқни алиштиришди.

Дедим тўхтанг, бу таъриф ёлғон,
Ёлғон сўзнинг гуноҳи ёмон,
Денг: „Қимтиниб турган бу меҳмон
Оддий битта авом шоири“

Шеърин ўқир амма, холалар,
Ёдлаб юрар чоллар, болалар,
Қаердан халқ шоири бўлар,
Оддий битта авом шоири.

Уюшмага бўлмаган аъзо,
Билмас янги манзилин ҳатто,
Тутганда ҳам кумушдан асо,
Оддий битта авом шоири

Мухлислари мақташар бирам,
„Эски чопон, содда, беҳашам“,
Бошига тож кийдиришса ҳам,
Оддий битта авом шоири.

Нима ҳожат ҳамду санога?!
Кўприк солибдими дарёга?!
Нима қилиб берар дунёга,
Оддий битта авом шоири?!

* Бугунги кунда саводсиз одам йўқ, бу сўз айтилганда содда, оддий одамлар тушунилади.



Элнинг бирин қилибдими ўн?
Елкасига ёпибдими тўн?
Йиғисиям, кулгусиям жўн,
Оддий битта авом шоири.

Жумлалари ғализу хато,
Қуюшқонга сиғмайди, гўё,
Тўқиётган арзон бир мато,
Оддий битта авом шоири.

Бегона бу адабиётга,
Қайдан қолсин абадиётга?
Ҳар йил келадиган ҳаётга,
Оддий битта авом шоири.

Шеър улашар қилиб варақа,
Китоб учун керак-да „чақа“,
Даҳли йўқ бу донишманд халққа,
Оддий битта авом шоири.

Унвон олар шоирнинг зўри,
Ёниб турар юрагин кўри,
Бўлса арзир уларга чўри,
Оддий битта авом шоири.

Осонми „Халқ шоири“ бўлмоқ,
Сўз дуридан ясамоқ мунчоқ,
У — бир йиртиқ кўнгилга ямоқ,
Оддий битта авом шоири.

Пишганида дарахтда унвон,
Бўлар эди роса таламон,
У — шунчаки таниш, қадрдон,
Оддий битта авом шоири.

Халқ шоири бўлганда балки,
Сўкилмасди ҳар сўзин чоки,
Ким ёзади шундай хомаки?
Оддий битта авом шоири.

Мухлисига қилгунча хитоб,
Шеърин қилсин тафтиш, сарҳисоб,
Ўқиш керак ҳали кўп китоб,
Оддий битта авом шоири.

Нимасин эл азиз қилади?
Бир кўришга жонин беради,
Калласи бор одам билади,
Оддий битта авом шоири.

Бу эл ўзи доно, мақолчи,
Учдан бири шоир, маталчи,
У — бир ҳикмат боғида овчи,
Оддий битта авом шоири.

Орзу қилар: „Китобим чиқса,
Ёстиғларнинг тагида турса“,
Наҳот, шунча керакли бўлса,
Оддий битта авом шоири?!


У ўзича яшаб юрибди,
Сўздан ҳуштак ясаб юрибди,
Ўзи билан ўз номи, худди,
Оддий битта авом шоири.


Тавба, сўздан ҳуштак бўларму?
Қай виждонни уйғотмоқчи у?
Кошки олим бўлса, ўзи-ку
Оддий битта авом шоири.




Дер: „Хуштагим турса чалиниб,
Бу дунёда беҳуда юриб,
Яшамабди дастгоҳин қуриб,
Оддий битта авом шоири“.

Шеърин ўқиб юрса гар авом,
Унинг умри этармиш давом,
„Марҳабо ким?“, деса, денг, тамом:
„Оддий битта авом шоири“.





Жо-о-о-н, дадаси...





ЖО-О-О-Н, ДАДАСИ...

Ж-о-о-он дадаси, бугун байрам,
Ташвишлардан олайлик дам,
Ёнингизда борай мен ҳам,
Онангизни кўриб келинг.

Ўтиргандирлар кун санаб,
“Кеб қолар”, деб, йўлга қараб,
Соқол олиб, сочни тараб,
Онангизни кўриб келинг.

Боринг хушрўй, сўлим бўлиб,
Куёвлардай пўрим бўлиб,
Яйраб кетсин сизни кўриб,
Онангизни кўриб келинг.

Шўрвабоп зўр гўшт оламиз,
Қовурғали тўш оламиз,
Чўнтагига пул солламиз
Онангизни кўриб келинг.

Бозор қилиб йўл-йўлакай,
Олсак гилосу қулупнай,
Кўкчучвара қилдим атай,
Онангизни кўриб келинг.

Йўқламайсиз мен айтмасам,
Эсламайсиз эслатмасам,
Сўранг, билинг, нимаси кам,
Онангизни кўриб келинг.

Бир она, тўрт боласизлар,
Баъзан малол оласизлар,
Тополмай ҳам қоласизлар
Онангизни кўриб келинг.



Кенжа ўгил кўлидалар,
Гоҳ пойгак, гоҳ тўридалар,
Муросанинг йўлидалар
Онангизни кўриб келинг.

Укангизнинг феъли торроқ,
Гап гапирманг бирон чатоқ,
Мақтаб қилинг кўнглини чоғ,
Онангизни кўриб келинг.


Топиб олиб бир баҳона,
Жиқиллашиб турманг яна,
Сиқилмасин шўрлик она,
Онангизни кўриб келинг.

Ботадиган гап қилмасдан,
“Ўнг” феълини “чап” қилмасдан,
Баланд келса келиб пастдан,
Онангизни кўриб келинг.

Айтинг: “Сенга раҳмат, укам,
Омон бўлсин келиним ҳам,
Сиз туфайли соғ, тинч онам,
Онангизни кўриб келинг.

Гулдай қилиб қараяпсиз,
Оқ ювиб оқ тараяпсиз,
Кунига сиз яраяпсиз,
Онангизни кўриб келинг”.

Ёлвориб денг онангизга:
“Олиб кетай уйимизга,
Биз билан ҳам яшанг бирга”
Онангизни кўриб келинг.



Кўнсалар қани, Мархабо,
Хизмат қилиб олса дуо,
Рози бўлар эди Аллоҳ,
Онангизни кўриб келинг.

Эрим деди: — Бориб келдим,
Кечагина кўриб келдим.
— “Кечангиз” ҳам қурсин! — дедим,
Онангизни кўриб келинг.

“Кеча”га ҳам ўн кун бўлди,
Бечора соғиниб ўлди,
Сизни боқиб нима кўрди?!
Онангизни кўриб келинг.

Кўйлак олиб қўйдим, мана,
Тоза ипак, юмшоққина,
“Ўзим танлаб олдим”, денг-а,
Онангизни кўриб келинг.

Сиз кўтариб бора қолинг,
Дуони сиз ола қолинг,
Туринг, юринг, бўлақолинг,
Онангизни кўриб келинг.





СОЗ ВА СОЗАНДА

Эркак киши гўё — соз,
Чолғучиси — аёллар.
Созлаб, бураб пардага
Солгувчиси — аёллар.

Ажойиб соз, гўзал соз
Зўр ясаган устаси
Жой-жойида “қорину”
Парда, харрак, дастаси

Қайси бири чанг, қонун
Қайси бири карнайди.
Қайси бири танбур, тор,
Қайси бири сурнайди.

Қайси бири гижжак, уд
Қайси бири сатодир.
Ҳаммасини бир хил деб
Ўйламоқлик хатодир.

Дуторчининг ишини
Қилолмайди карнайчи.
Доирачининг ҳунарин
Билолмайди сурнайчи.

Бирин утириб чалсанг
Бири чалинар туриб.
Бири пуфлаб чалинса
Бири чалинар уриб.

Дутор чертиб бармоқ-ла,
Қонун тирнаб чалинар.
Ноғора чўп-ла саваб,
Гижжак ишқаб чалинар.



Саточининг қўлига,
Тушиб қолса агар чанг.
Қай еридан чалишни
Билолмай бўлар гаранг.

Бир-бирини тушунмай
Тақдирни сўкишади.
“Бир яхшига бир ёмон”
Деб мақол тўқишади.

Дарҳақиқат, бу тақдир,
Бекор ҳамма доду вой,
Кимни жуфтига қўшар,
Кимни қилар пойма-пой.

Созанда ҳам моҳиру
Ҳам доно бўлса агар.
Яратиши мумкин соз
Буюк мумтоз асарлар.

Аллоҳдан бир ўтинчим:
Ҳолимизни қилма “вой”
Созандани соз билан
Яратмагин пойма-пой.

Саточининг қўлига
Қийнамагин най бериб.
Йиғлатмагин найчининг
Қўлига карнай бериб.

Дарҳақиқат соз – тақдир,
Аввал аниқ қилволинг,
Доирами ноғора
Нелигини билволинг.



Кўп созанда, сози не,
Тушунмайди, билмайди.
Тинғир-тинғир қилишдан
Уёғига ўтмайди.

Даранг-дуринг қилса соз,
Кўрсатиб зардасини,
Демак, тополмаяпсиз,
Керакли пардасини.

Демак, чала ўқибсиз,
Илм жойланг мияга.
Қувиласиз ота уй –
Консерваторияга.

Асли жаннатдан чиққан
Илк соз бу – Одам Ато
Энг биринчи созанда
Бўлдилар – Момо Ҳаво.

Ҳаво Одамни чатоқ
Созлаб қўйиб, тўсатдан.
Тақиқланган мева еб,
Қувилдилар жаннатдан.

Овоз келди: – Эй, Одам,
“Ема!” дегандим сенга
Одам деди: – Сен берган
Хотин ўргатди менга.

Аллоҳ хоҳлаганида
Кўпайишиб, албатта
Одам авлоди, балки
Яшар эди жаннатда.




То қўлингда созинг бор
Эй, Марҳабо, ўйлагин,
Уни ўз иймонига
Қарши созлаб қўймагин.

Магар шундай қилурсан,
Нодоннинг нодонисан.
Таассуфки, сен ҳам Ҳаво,
Онанинг авлодисан.

Созни шундай созлаки,
Гуноҳдан чўчиб юрсин.
Яхшилик деб, савоб деб,
Жаннат деб учиб юрсин.

“Эрим-у, эрим бу”, деб
Бас қил, аёл, нолишни
Соз жойида, фақат сен
Билмаяпсан чалишни.





ҲАЙ-ҲАЙ, УЯТ!

Ҳай-ҳай, ўлан, жон ўлан,
Келин келди, йўлни оч,
Не кўз билан кўрайки,
Келин ярим яланғоч.

Шарқнинг қизи бўлганда,
Бўлиб шарму ҳаёси,
Бунчалар очиқ-сочиқ,
Бўлмас эди либоси.

— Келин қайдан? — сўрадим
Битта келинойидан,
Кесатди: — Шу қишлоқнинг
“Париж” деган жойидан.

— Ё, тавба! Ўзимизнинг
Қизимизми бу ҳали?
Отабеклар, Кумушлар
Кийган либослар қани?

Кўйлаги узуқ-юлуқ,
Елкалари яп-яланг,
Вой ўлай! Қўлтиқлари
Кўриняпти-ку, қаранг.

Аёл киши бўлсам ҳам,
Жунжукиб кетди этим,
Кўкрак ярим очилиб,
Бўб турибти бир ютум.

Бу либосда қизларни,
Кўргандим киноларда,
Бўлар эди ғарбдаги
Кўнгил очар жойларда.



Ёзиларди у жойлар
Эшигига ҳаммасин:
“Ўн олтига тўлмаган
Болакайлар кирмасин”.

Ёпиққина турмасми,
Ахир, ахир бундай нозик жой?
Ҳамма кўрди, куёвга
Нима қолди энди, вой?!

Йиртилиб кетганмикин,
Ёки очган жўртага?
Қайнотаси уялиб,
Чиқиб кетди кўчага.

Ўғлин сўқар ичида,
Қандай бўғилмай турсин:
“Уни — у, буни — бу, деб
Топган хотининг курсин!

Баданига қарасам,
Ориятдан қақшайман,
Хотинлар ҳаммомида
Ўтирганга ўхшайман”.

Қайнона: “Елкасини
Ёпинг!”, деб, имляяпти,
Янга дер: “Ёпай десам,
Келин унамаяпти”.

Қайнонаси дарғазаб,
Ичида дер: “Тўй ўтсин,
Кунингни кўрсатаман,
Қиз бўлмай бетинг курсин!”



Рўмолин учи билан,
Бекитволиб оғзини,
Кампиршолар уялиб
Четга олар ўзини.

Намойишга очилган,
Бўйин, қўлтиқ, яноқлар,
Кўзи билан “еб қўйсам”,
Деб турипти бўйдоқлар.

Қандай чидаб турипти,
Куёв мунчалар ройиш,
Келиннинг зийнатларин
Қилиб қўйиб намойиш?

Куёвга қарадиму,
Орим келиб, бўлдим лол
Ўтириптилар “окам”
Тиржайволиб, бемалол.

Шом бўлди, тугади тўй,
Карнайнинг ўчди уни,
Тамом бўлди, минг шукур,
“Очиқ елкалар куни”.

Иншааллоҳ, тўй қилай
Қизим Осиёхонга,
Шарқона тўй либослар
Чиққанида дўконга.





МУҲАББАТ ВИЗАСИ

Ўқидим гўзал ҳикмат:
“Сизнинг яхшиларингиз
Аҳли аёли билан
Яхши бўлганларингиз”.

Сўкиниб жаранглатди,
Эрим ўз хонасини:
— Ҳой, ручкамни ким олди?
Ҳе, ўша, онасини...

Дедим: — Вой, тилингизни,
Заҳар борми қатида?
Бундай хунук сўз йўқ-ку,
Ўзбекнинг луғатида.

Эсизгина, ёшликда
Қандай йигит эдингиз?!
“Битта табассумингга
Жоним фидо”, дердингиз.

Деди: — Йигитчиликда,
Айтгандирман айтганда,
Ўша гап турарканми,
Ёш элликка етганда?

Эллигимда, севги, деб,
Бошим қотирмай мени,
Топиб бер, эллик сўмга
Олган кўк ручкам қани?

Дедим: — Телефонрақам
Ёзгандим, олинг, мана
Деди: — Минг бор айтаман:
Менинг нарсамга тегма!



Кабинетим, йўлагим,
Изим, соям, вужудим,
Қўлингни теккизмагин,
Бари — менинг худудим.

Хаёл сурсам, йўталиб,
Худудимни бузмагин,
Ҳаттоки тушимга ҳам
Тақиллатмай кирмагин.

Яшаш керак тартибли,
Меники бу — меники,
Чўқилаш йўқ, тегиш йўқ,
Сеники бу — сеники.

Кўнглим чўкди, муҳаббат
Тўйдан кейин ўларкан,
Эркак кишиям шунча
Пастлаб кетса бўларкан?!

Донишманд бўлар ёшда,
Онги шунча тормикин?
Бу дунёда жентельмен,
Эркаклар ҳам бормикин?

Алам қилди жудаям,
Нарсасини олганим,
Эллик сўмча қадри йўқ,
Аёл бўлиб қолганим.

Шуни секин айтса-ку,
Бақириб, сўкинмасдан,
“Гаҳ” деганда қўлига,
Кўнмасам, одаммасман.



Деса: “Кўрмадингизми,
Ручкам йўқолди, пошшо?”

Десам: “Узр, кечиринг,
Мен олгандим, мавлоно”.

Деса: “Хижолат бўлманг,
Борлигингизга шукур,
Менга сирдош, ҳамхона,
Ёрлигингизга шукур.

Менинг ручкам-да, сизга
Талпиниб турар ўзи,
Сизни кўрганда мендай,
Ёниб кетади кўзи”.

Дер эдим: “Оҳ, азизим!
Сўзингиз тотли мунча?
Нима қилай, буюринг?
Кулингизман ўлгунча”.

Қандай гўзал мулоқот?!
Оҳ, жонимни қоқардим,
Мош-гуруч сочларини
Силаб юзга босардим.

Ҳар нарса ёшликками,
Соғлиқ, меҳр, оқибат?
Ёш ўтганда зарурроқ
Бўлмайдими муҳаббат?

Аёлга ширин сўзни
Эри айтиб турмаса,
Катта холаси келиб
Айтадими бўлмаса?



Худудин ажратади,
Эркак бўлмай ўларсан!
Бизнинг худудларгаям
Қўл узатиб қоларсан.

Икки кишилик ётоқ
Тўшагимга, ўртага,
Атиргулдан “ип” тортиб
Бўлволаман жўртага.

Эрим: — Бу нима? —деса
Бироз ҳурпайиб пати,
Айтаман: — Бу — таможний —
Чегара назорати.

Ўнг томони — сизники,
Чапи — менинг худудим,
Ногоҳ сизнинг томонга
Ўтиб кетмасин қўлим.

Эҳтиёт бўлиб ётинг
Чегара бор, биласиз,
Менда ишингиз бўлса,
Виза билан кирасиз.

Ҳали жаҳли чиқади,
Дейди: — Бу нима қилиқ?
Дейман: — Энди яшаймиз,
Қоидали, сип-силлиқ.

Деса агар: — Йиғиштир!
Дейман: — Жаноб, урманг дўқ.
Муҳаббат визасисиз,
Бу томонга ўтиш йўқ.



“Сеники-меники” миш,
Ношукурлигин қаранг,
Кеч кирсин қайси гўрда
Қолар экан чегаранг.

Шундай экан, яшайвер,
Қилмасдан гиринг-пиринг,
Энди, барибир, бошқа,
Уйланишга кечикдинг.

Бу ёғи қанча қолди?
Ерга урмай, пошнангни,
Ҳолин кўр олтмиш ёшда,
Бева қолган ошнангни.

Уйланай деса чиққан
Қизлари тумтаяди,
“Кирин ювяпмиз-ку”, деб
Келинлар хўмраяди.

Тайёр хизматкор бўлсам,
Сен учун пишир-куйдир,
Шукримни қилмайсанми,
Ручканг бошингдан қолгур?!

Қариганда не керак
Мархабога, бир кафт ош.
Тинчлик, илму маърифат
Ва бир доно суҳбатдош.

Сен эса юравергин
Ҳақман, деб, гап йўриқлаб
Муҳаббатсиз бир пуллик
Ҳудудингни кўриқлаб.



Одамлар кулмаса-ку,
Айрилиб, тоқ утардим,
Ё бир доно чол бўлса,
Эрга тегиб кетардим.

Товба, товба, ё, Роббий!
Ўзинг шоҳид ҳар нега,
Шу инжиққа учратдинг,
Ўзинг сабр бер менга.

Фақат маҳшар кун чорлаб,
Айт: “Марҳабо, кела қол,
Сенга мукофот — жаннат,
Наъим, Маъво, танлаб ол”.

— Шу эр билан ўтдимми,
Сабр қилиб, ўлмай ман?!
Жаннати Фирдавсингдан
Бошқасига кўнмайман.





“ШИШАЛАР”

“Аёллар бу — шишалар”,
Дейилган бир ҳадисда,
Сақлаш керак муҳаббат,
Деган нафис идишда.

Қандай тўғри таъриф бу?!
Қандай гузал ифода?!
Аёл нозик мавжудот,
Қилиш керак ҳимоя.

Шишалар ранг-баранг гул,
Сариқ, шаффоф, қора, оқ,
Қоматлари юз турли,
Баланд, паст, ориқ, дўмбоқ.

Ўхшаш бўлгани билан,
Оёқ, қўл, юзи, лаби.
Не билан тўлдирилган?
Муҳими — унинг қалби.

Бирин ичи тўла май,
Фароғатга мойил дил,
Бирин ичи тўла бол,
Тўймай ширин суҳбат қил.

Бири тўлган ғам билан,
Бири тўлган кўз ёшга,
Бирида меҳнат, азоб,
Суянади бардошга.

Бирида бахт, ҳаловат,
Бирин ичи тўла пул,
Бирида ишқ, муҳаббат,
Бирин ичи тўла гул.



Не ранг-баранг дунё бу?
Бирида кибр, риё,
Дунёларни ёритар,
Бошқасида нур-зиё.

Аёллар бу — шишалар,
Ҳар бирига бир соҳиб,
Ўша соҳиби унга,
Қалқон бўлсин муносиб.

Бошга қўйса “қушман”, деб,
“Учиб” кетиб, синади.
Кафтида тутса, қўлдан,
Тушиб кетиб синади.

Ҳар уйга битта гўзал,
Бутун шиша керак-да.
Менимча, бу хилқатнинг,
Асл ўрни юракда.

Аммо ажиб дунё бу,
Ажабтовур қилиғи,
Томи қийшиқ ҳар уйда,
Бир шишанинг синиғи.

Зарб еган ҳар манзилда,
Чок-чокидан сўкилиб,
Яшайверар, дунёга
Синиғлари тўкилиб.

Чил-чил бўлар фарзандин
Тарк этса бахту омад,
Уқаланиб кетар у
Эрдан кўрса хиёнат.



Ким қичқирди кўчада:
“Бўш шиша сотволама-а-а-н!”
Мен ҳайқирдим дунёга:
“Синиқ шиша олама-а-а-н!”

Мана икки харидор,
Яна ўзим нодонроқ,
Бу дунёда, албатта,
Бутун шиша қимматроқ.

Қиммат ҳам бўлади-да
Қадрини туширмаган.
Тақдир тоши ҳаттоки
Лабини учирмаган.

Содда синиқ шишалар,
Бутлайман сизни яккаш,
Э, воҳ, синиқ шишани,
Қийин экан бутунлаш.

Синиқ йиғиб яшадим,
Кўнглимга йилу ойлаб.
“Гуллар” ясаб берсайдим
Беш-ўн китобга жойлаб.


Ўқинг, бу “гулзор” аро,
Йўқотманг йўлингизни,
Секин вароқлаб очинг,
Кесмасин кўлингизни.

Дунё, деган қўшнимга,
Ўз уйимда ўтириб,
“Аёллар бу — шишала-а-а-р!
Дегим, келар ҳайқириб.



Карвонинг ўрқачида
Ўтирар, сенда тизгин,
Асов туяларингни
Оҳистароқ юргизгин”.

Бу касб мени ҳоритди,
Кетди юзим тиниғи.
Сиз ушлаган китобмас,
Марҳабонинг синиғи.





ҚАРЗ

Қариндошга, бир йилга деб, қарз бергандим,
Тўққиз йилда узди, бир бор қистамадим.

У бой бўлди, бир йилга деб, мен қарз олдим,
Тўрт ой бўлмай сўраб чиқди, ҳайрон қолдим.

Бир йилга деб, берганди, — бу не қилгани?!
Борарканман-да астойдил уришгани.

Дейман: “Сенга бир йилга қарз берган эдим,
Тўққиз йил судрадинг, бир бор қистамадим.

Назаримдан қолма, бир гап айтвораман,
Ўзингдан кўр, мен ҳам топсам қайтараман”.

Уйдан чиқдим, сиёсат-ла, солиб қовоқ,
Ё кечаман, ё бир йўла қиламан “оқ”.

Ярим йўлда тўхтаб дедим: “Жинниманми?
Қарз-юк, шуни тўққиз йилга чўзаманми?”

Ундан кўра сўрамайми Роббанодан:
Марҳаматинг аямагин мен “гадо”дан.

Бир йил бўлмай қарзим узай нажот бергин,
Қариндош-ла уриштира, сабот бергин.

Мумкин эмас хешлар билан араз, гина,
Эй, Аллоҳим, мен “муҳтож”ни ўзинг қўлла!

Қариндошлар уришсалар, бўлиб шодон,
Дўпписини осмонига отар шайтон.



Кўл кўтариб, қилдим буюк Аллоҳга арз:
“Нексия”га етказолмай олгандим қарз.

Қарз олиб, бир номаъқулни еди банданг,
Афсус, минг бад тавба қилди, энди банданг.

Сендан бошқа суянчим йўқ, эшит арзим,
Нажот бергин, муддат келмай узай қарзим.

Менга қийин, аммо Сенга осондир бу,
Барча мулку давлат Сенинг қўлингда-ку.

“Ё, Раззоқ!”, “Ё, Фаний!” дея, арзим айтдим.
Ичим бўшаб, ярим йўлдан уйга қайтдим.

Иншоолоҳ, ғамни Ўзи кетқазади,
Ҳожатимни йўқ бир жойдан етказади.

Ҳар гал хешим ҳақин сўраб чиқса дейман:
“Сўраб қўйдим пошшоларнинг пошшосидан.

Келиб қолсаёқ бераман, фалончихон,
Юборади бугун-эрта, ҳализамон.”

Уйда турган “Нексия”ни сўкиб-сўкиб,
Енгиллайман ғазабимни тўкиб-тўкиб:

“Сабр қилмоқ Аллоҳдан деб, эшитгандим,
Шошқолоқлик Шайтондан деб, эшитгандим,

Ақча йиққан халтам лим-лим тўлмасмиди,
Сени тўрт ой кейин олсам бўлмасмиди?!”

Хеш сўрашни қўймайди, мен ўтинишни,
Қарздор одамлардан сўранг ўкинишни.




“Роббим! Жўнат”, дея ҳар кун ўтинаман,
Чўғ устида ўтиргандек ўтираман.

Пулни кутдим ихлос, тўғри тадбир билан,
Фақат Ўзи бергувчи, деб, сабр билан.

Кўққис, қолиб кетган молим сотилди-ю,
Муддат келмай қарзни уздим, кетди қайғу.

Эй Мархабо, ўлсанг ўлки, олмагин қарз,
Не ҳожатинг бўлса қилгин Аллоҳга арз,

Саҳиҳ ҳадисларда шундай ҳикматлар жам:
“Ҳақдан сўра пойафзалинг ипини ҳам”.





ҲАЗИЛКАШ ЧОЛУ КАМПИР

Эшигимни тақиллатиб қоқ пешинда,
“Эски оламан”, деб келди битта бола.
Ҳазиллашдим, ўз кўксимга уриб: — Мана
Мени об кет, жоним болам, мени обкет.

Бу уйда энг эски нарса — мен бўламан,
Бир торайиб, бир қарасанг кенг бўламан.
Вақти келса гўдак билан тенг бўламан,
Мени об кет, жоним болам, мени обкет.

Келинимдан аразладим, қолди кўнгим,
Койишидан, силташидан толди кўнглим,
Кетиб қолай, бир таъзирин берсин ўғлим,
Мени об кет, жоним болам, мени обкет.

“Бир гап айтсам, аралашманг”, деб туради,
“Ошхонада ўралашманг”, деб туради.
Аччиғи бурнин учига кеб туради.
Мени об кет, жоним болам, мени обкет.

Нонуштада “енг”, деб ҳар не тугадилар,
Ўзлари ёш, не тишласа, ютадилар,
Эрталабда кўнглим на нон, на чой тилар,
Мени об кет, жоним болам, мени обкет.

Соат ўн бирларга бориб очар қорним,
Бир суюқ ош тилаб қолар ошқозоним.
“Нонуштада енг эди” деб, олар жоним.
Мени об кет, жоним болам, мени обкет.

Қозон осиб, ўзим овқат қилолмасам,
Иситилган, қаттиқ таом еёлмасам,
Қўшниларга “қорним очди”, деёлмасам
Мени об кет, жоним болам, мени обкет.



Тушликкача оч қоламиз чолу кампир,
Юрагимиз ўйнаб қилар “хапир-хапир”
Тухум, қаймоқ овқат бўлармиди, ахир
Мени об кет, жоним болам, мени обкет.

“Яхши ўтирибсизми?” деб, келар болам,
“Яхши ўтиринг” деб, ишга кетар болам,
Сўрамаски “не едингиз бугун, онам?”
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Айтай, дейман, ўғлим ҳали ишдан келсин,
Ишдан келса, дейман, аввал овқат есин,
Эртақ айтай, дейман, тинчроқ ухлаб олсин
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Эрталабда бузгим келмас кайфиятин,
Очгим келмас юракдаги ғамлар қатин,
Шу келинни кучим етса, юлсам патин,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Вақти келса болаларин боқишганман,
Ўчоғига оловини ёқишганман.
Кириш ювиб, гиламини қоқишганман,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Уйда яна мендай “эски” чолим ҳам бор,
Ўлимтикка уч-тўрт тугун молим ҳам бор.
Қон босимга икки халта дорим ҳам бор,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Қувват кетди қўлим ишга келмай қолди,
Вужудимдан дарду касал кетмай қолди.
Ноз-фироғим чолимгаям ўтмай қолди,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.



Эшитгандим эскига ҳам бор харидор,
Ишлаб турар эмиш музей деган бозор.
Ўша ёққа чолим билан бизни об бор,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Кексамизу, аслида, бой табақамиз,
Ўзимизга етиб ортар нафақамиз.
Фақат чаққон бир дастёрга зориқамиз,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Музейингда ош-овқатга дастёр борми?
Иссиқ-совуқлиги қандай, кенгми, торми?
Келинлар зап билмас экан у бозорни,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Билганида олиб бориб сотар эди,
Қулоғи тинч, мацца қилиб ётар эди.
Эсим курсин, бизни ким ҳам олар эди,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Уйимиздан биз “йўқолиб” қолган куни,
Ўғлим дарров келинимдан кўрар буни,
Ажаб бўлсин, бир кўрқитиб кўяй уни
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Музейдаги ҳамма нарса эмиш — санъат,
Бўлар эдик биз ҳам тирик экспонат,
Кўргазмалар бўлса хорижгаям жўнат,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Қора атлас кўйлагимни кийволаман,
Тасбеҳимни мунчоқ қилиб илволаман.
Инглизча уч-тўрт сўзни билволаман,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет. •



Чолим ҳам-чи, кийиб олса дўппи, ятак,
Беқасам тўн билан бўлар куёвлардек,
Кўриб қўйсин дунё, қандай бўлар ўзбек,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Меҳмонларга чой қуйиб, нон тузатаман,
Рўмолимни учин тишлаб узатаман.
Таъзим билан “бай-бай”, дея, кузатаман
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Суҳбатимиз роса қизиб турган эди,
Уйдан аскиячи чолим чиқиб келди,
Не гаплигин эшитди-ю, дарров деди:
“Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Яшайвериб шу эси йўқ кампир билан,
Эллик беш йил бўлмай, дарров зерикдим ман,
Тек қўймайди ўз ҳолига келинни ҳам,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет”.

Чол тушмагур, мендан нолиб, жавраб кетди,
Эски олар йигитниям авраб кетди.
У шўрликнинг калласиям ғовлаб кетди,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Дедим: – Тўғри айтди чолим, ўзим-инжиқ,
Нолидимми, демак, фикрим эмас тиниқ.
Шукур қилиш ўрнига, бу нима қилиқ?
“Мени обкет, жоним болам, мени обкет”.

Келиним ҳам, омон бўлсин, ўзимга мос,
Фақат қариб кўнглим ўксиб қолгани рост.
Онанг гир-гир, ҳазиллашиб айтдим, холос!
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.



Йигит қараб турди бизга ҳайрон бўлиб,
Чиқиб кетди қопин ушлаб туриб-туриб.
Орқасидан эргашдик биз кулиб-кулиб,
Мени обкет, жоним болам, мени обкет.

Дедим: Сенга холанг чўри, қайт орқангга,
Келинчақлик либосларим берай сенга,
Адрас кўйлак, ғижим рўмол, бахмал нимча,
Шуни обкет, жоним болам, шуни обкет.

Сандиғимда ўзим тиккан палагим бор,
Бўз атласдан чол обберган кўйлагим бор,
Мис қумғону чилобчину эски фонар,
Шуни обкет, жоним болам, шуни обкет.

Палагимнинг ипаклари турли-туман,
Инсон қўли тикканига бордир гумон,
Келди ҳунарманд қадрига етар замон,
Шуни обкет, жоним болам, шуни обкет.

Ёзиб қўйгин музейингга топиб бир жой:
“Буни ҳадя қилди холам Марҳабой,
Бу буюмлар дунёларга берсин чирой
Шу ни обкет, жоним болам, шуни обкет.

Айланайин, қошу кўзи кулган, болам,
Рўзғорим деб, тарихим, деб юрган болам,
Дуойим бор: “Аҳил бўлсин юрту олам!”
Шуни обкет, жоним болам, шуни обкет.





АЗА УЧ КУН

Дедим, тўплаб яқинларим:
Унутманг бу айтганларим
Агар ўлсам, азизларим,
Аза уч кун.

Чунки, пайғамбар айтганлар,
Уч бармоғин кўрсатганлар:
“Мўмин одам ўлса агар,
Аза уч кун”.

Баҳурмати шу уч бармоқ,
Тўққиз бўғин, уч пок тирноқ
Ҳақ расули билгувчи роқ
“Аза уч кун”.

Мақтаб-мақтаб, йиғлаш ёмон,
Кўз ёш — раҳмат, сўзлаш ёмон,
Эшитсин бор мулки жаҳон
“Аза уч кун”.

Бир яқиним келиб қолса,
Овоз қўйиб, йиғи солса,
Насиҳат қил, агар олса
“Аза уч кун”.

Йўқса, уйдан ҳайдаб секин,
“Бугун — аза, тўймас, - дегин,
Куйчи ҳофиз шартмас», - дегин
“Аза уч кун”.



Қизим деди: — Эй, онажон,
Кайвонилар феъли ёмон,
Десак, қилишар тошбўрон
“Аза уч кун”.

Дедим: — Билиб мусибатни
Келса кўрсат ушбу хатни,
Ўқисин бу васиятни
“Аза уч кун”.

Бир саҳиҳ ҳикматни тиклаб,
Жабру-жафо кўрсанг шараф,
Бидъатларни қилайлик даф,
“Аза уч кун”.

Расуллулоҳ рўзимаҳшар:
“Биздан эмассиз”, десалар,
Не қиласиз, кайвонилар?
“Аза уч кун”.

Келинларим йиғлашмаса,
Ўғилларим пул сочмаса,
Маломатлар қилманг яна!
“Аза уч кун”.

Янгиликлар қўшманг динга,
Ёлғон айланмасин чинга
Жаннат керак бўлса сизга
“Аза уч кун”.



Тўртинчи кун — қасди риё,
Илмсизлик, тарки зиё,
Яратгандан қилинг ҳаё
“Аза уч кун”.

“Қирқ”, “Йигирма”, “Етти” — бидъат,
“Дод-вой, кетти-кетти!” — бидъат
Бузилмасин фарзу суннат
“Аза уч кун”.

Қўшнилардан суву таом,
Уч кунгача этсин давом,
Бу пайғамбар айтган калом
“Аза уч кун”.

Куйинмангиз жон кетди, деб
Орқасидан мол кетди, деб
Мусибатга берманглар зеб
“Аза уч кун”.

Тўртинчи кун қилиб ош-сув,
Денг: “Етти”, “Қирқ”, йилиям — шу,
Ҳайит, қовун, гулиям — шу
“Аза уч кун”.

Маили бўлсин тўй, маросим,
Гуноҳ - риё, “хўжакўрсин”,
Ҳамма ишда меъёр бўлсин
“Аза уч кун”.



Азадорга осон қилинг,
У эмас, сиз эҳсон қилинг,
Олимлардан сўраб билинг
“Аза уч кун”.

Пайғамбарни севсанг агар,
Айтганини қил-да, занғар,
Элга келтирмагин зарар,
“Аза уч кун”.

Ғамли уйда егандан ош,
Солсанг яхши оғзингга тош,
Тур, Марҳабо, уйингга шош,
“Аза уч кун”.



БИДЪАТЧИНИНГ ҲАСРАТИ

“...Баъзи жойларда ўлим ва тўй маросимлари ким ўзарга қилинаётгани, исроф ва бидъатчилик ҳалигача давом этиб келаётгани кишини ранжитади”.

(рўзнома хабарларидан)

Бир йил ётиб, ўтган кун охир,
Қазо қилди Холида кампир,
Йиғламади қизи, бетаъсир,
Азада ҳам маза қолмади.

Ўзин уриб, “дод-вой”, деб роса
Кўрсатилмасмиди томоша,
Зерикарли бўлди хулоса,
Азада ҳам маза қолмади.

Жавраб бердим юрагим тўлиб:
Келдингизми бир шолғом кўмиб?
“Йиғламайсизларми жўр бўлиб?
Азада ҳам маза қолмади”.

Қизи айтди: — Юриб дўмма-дўм,
Шарт қўйиб кетди маҳаллаком,
Деди: “Меъёр билан ўлик кўм!”
Азада ҳам маза қолмади.

Йиғлаб-йиғлаб ўкириш йўқмиш,
Пул сарф қилиб тўкилиш йўқмиш,
Лақиллашиб ўтириш йўқмиш,
Азада ҳам маза қолмади.



Бурун уйдан чиқса бир ўлик,
Қилар эдик ҳолвайтархўрлик,
Ширк, исрофмиш бу не кўргилик?
Азада ҳам маза қолмади.

“Қирқ”, “йигирма” йўқмиш майитга
Одам йиғма, депти, ҳайитга,
Шуми энди ҳурмат ўликка?
Азада ҳам маза қолмади.

Дедим: — Ота бобонг урфин қил,
Ўлсам “йигирма”-ю, “қирқ”им қил,
Эрим деди: — Бидъат бу ахир,
Азада ҳам маза қолмади.

Расулуллоҳ деганлар: “Аза
Уч кун, уч кун билдир таъзия”
— Одамлар кулса-чи, ё, тавба!
Азада ҳам маза қолмади.

Уч кунгача осма дер, қозон
Чиқиб турсин кўшни дастурхон,
Бу ҳадисмиш — тасдиғи Қуръон
Азада ҳам маза қолмади.

Дедим: — Ўлсам ҳолвайтар бўлсин,
Уйим доду-вой билан тўлсин,
Кечга “Арвоҳнома” ўқилсин
Азада ҳам маза қолмади.

“Уч”, “етти”мга, албатта қўй сўй,
Писта, бодом, банангача қўй,
“Қирқ”им куни бўлиб кетсин тўй,
Азада ҳам маза қолмади.



Болам деди: — Яхши сўз сўзланг,
Иймон билан кетишни ўйланг,
Расул шафоатини кўзланг,
Азада ҳам маза қолмади.

Ўғлимга ҳам уриб бердим дўқ:
— Пайғабаринг билан ишим йўқ
Маросим қил, кўнглим бўлсин тўқ,
Азада ҳам маза қолмади.

Бир йилгача роҳатни унут,
Онанг учун йиғла, қонлар ют,
Уч ҳайитда одам чорла, кут,
Азада ҳам маза қолмади.

Қор ёққанда “қор ёғди” қилгин,
“Ёмғир ёғди”, “дўл ёғди” қилгин,
Чўнтагингдан “пул ёғди” қилгин
Азада ҳам маза қолмади.

Йилим куни “йил”, деб бергин ош,
Гул очилса “гул”, деб бергин ош,
Қабримга қўй қора мармар тош
Азада ҳам маза қолмади.

Бола-чақанг оч қолса қолсин,
Аммо менга қилгин маросим
Бузилмасин урф, одат, расм
Азада ҳам маза қолмади.

Бино қўйиб, аза, ўлимга,
Ҳайкалимни ясат ҳовлимга
Шағам ушлатиб қўй қўлимга
Азада ҳам маза қолмади.




Эрим деди: — Ҳайкал остига
Ёздирамиз: “Бу бир мушрика
Маросимни севарди жуда
Азада ҳам маза қолмади.

Ўқимаган, беамал, бенур,
Бидъат ташиб юрарди нукул,
Орзу ҳавасига эди қул
Азада ҳам маза қолмади.

Олим: “Қилма”, деса қиларди,
“Қил” деганин, ўзи биларди,
Битта машҳур сўзи бўларди:
“Азада ҳам маза қолмади”.

Азага ҳам тўйди ниҳоят,
Қолди ундан шу арз, шикоят:
Ибрат олсанг, Марҳабо шояд,
“Азада ҳам маза қолмади”.





ИККИ МАРСИЯ

*Қадрдонларимиз Пўлатхон опа ва Фозилжон
аканинг фарзанди Шоирахонга марсия*

Қизим, боғларимга сиғмаган чечак,
Ўн тўққиз баҳор биз тинглаган эртақ,
Энди жаннатларда бўлгин келинчак,
Шоирахон қизим, сени соғиндим.

Қандай ярашардинг онанг бағрига?
Олтин кўмгандекман ернинг қаърига
Сиғмам Андижоннинг кўчаларига
Шоирахон қизим, сени соғиндим.

Тушимда бўлса ҳам кўргим келади,
Сочларингни силаб қўйгим келади,
Бағримга бир босиб, тўйгим келади,
Шоирахон қизим, сени соғиндим.

Ҳар гал дастурхонга келганида ош,
Лабим тамшанару кўзларимда ёш,
Ногоҳ осмонимдан йўқолган Қуёш,
Шоирахон қизим, сени соғиндим.

Жаннатда хурлардир дугонанг сенинг,
Фаришталар балки парвонанг сенинг.
Бунда отанг бўлди девонанг сенинг,
Шоирахон қизим, сени соғиндим.

Чўнтагимдан тушиб қолган гавҳарим,
Димоғимдан кетган мушки анбарим,
Умидим, бойлигим, олтиним, зарим,
Шоирахон қизим, сени соғиндим.



Онанг куйитингга чидолмай гир-гир,
Йиглаб, райхонларни қучоқлар бир-бир,
Мен эсам ҳеч ердан тополмам ҳузур,
Шоирахон қизим, сени соғиндим.

Нима деб юпатай, ўзимни, болам?
Нима қилсам тарқар юракдаги ғам?
Сенсиз зулмат бўлиб кетди бу олам,
Шоирахон қизим, сени соғиндим.

Тўй қилмай эгангга топширдим сени,
Сеп қилмай бошимдан оширдим сени,
Ўлмадинг, қалбимга яширдим сени
Шоирахон қизим, сени соғиндим.

Чўмилиб юраман кўзим ёшига
Талпиниб тураман мозор бошига
Юзларимни босиб қабринг тошига,
Шоирахон қизим, сени соғиндим.

* * *

*Авазбек ҳожи отанинг
Аъзамжонга марсияси*

Қайдасан, жоним болам, Аъзамжон?
Соғиниб кетдим бирам, Аъзамжон.
Топмадим бағримга бир босай десам,
Тўлди кўнглимга алам, Аъзамжон.

Мен ўғил кўрганда қанча шод эдим,
Дўстларимга ош едирдим, ош едим,
Бўйиму кўнглим ўсиб, обод эдим.
Кўзим энди нега нам, Аъзамжон?

Бешигинг бошида Куръони Карим,
Сен билан келди менинг омадларим,

Яхши бўлди ишларим, одатларим,
Айланай, қутлуғ қадам Аъзамжон.

Мўйлабинг ҳам қолган эрди кўриниб,
Турган эрдинг орзуларга кўмилиб,
Юрган эдим бўйларингга суюниб,
Кўзларимдан ўчди шаъм, Аъзамжон.

Филдиракнинг остида қолди танинг,
Бор экан танингда ҳали жон санинг.
Сўнгги марта, “дадажон”, деб инградинг,
Сен-ла жон бердим менам, Аъзамжон.

Сени босган ўша номард мастмиди?
Сени ташлаб қочди, шунча пастмиди?
Бағрига босса олиб, бўлмасмиди?
Одам эрдинг-ку сенам, Аъзамжон.

Уйда бўш ўрнинг сенинг билинадур,
Онажонинг юраги тилинадур,
Ош қилиб, жиззасини илинадур,
“Дод!”, демай бўлмас шу дам, Аъзамжон.

Қучсанг эрди кунда тушимга кириб,
Қолсанг эрди кипригимга илиниб,
Ҳеч туrolмам энди сени соғиниб
Ёзгани ожиз қалам, Аъзамжон.






ЎН ҚАТОР БАЙТ ТАРИХИ

Болаларимиз ёш, Тошкентда яшаймиз, жигарлар, ота-оналаримиз Кувада туришади. Бир гал уларни кўргани келаяпмизу, кечроқ йўлга тушдик. Турмуш ўртоғим Абдулхай аканинг Фарғона шаҳрида дўстлари жуда кўп эди. Ўша куни Юсуф ака деган дўстлари “бизникида меҳмон бўлиб, кейин кетасизлар”, деб тайинлаган экан. Соат кеч тўққизларда уларнинг хонадонига кириб келдик. Машинамизни ҳам ичкарига қўйдик, ош-нондан кейин, ўз ётоғларига жой қилиб беришди. Яна: “Биз ишга эртароқ кетамиз, сизлар йўлдан ҳориб келгансиз, яхши дам олиб, эрталаб кетаётганингизда калитни қўшнига ташлаб кетаверинглар” дейишди.


Эрталаб, Юсуф аканинг уйларидан чиқиб кетаётганимизда Абдулхай ака мезбонларнинг уй телефонидан Тошкентга қўнғироқ қилдилар. Менга шундоқ чиқиб кетиш ноқулай бўлди (у пайтлар қўл телефони йўқ. Шаҳарлараро қўнғироқлар ўн баробар қиммат бўларди). Қўнғироқни биз қилдик, эртага тўлов қоғози келади. Ҳам уйларида тунаб, ҳам анча пулга туширсагу бир оғиз индамай кетсак, ноқулай, албатта. Абдулхай ака машиналарини юргизиб чиққунларича ўн қатор шеър ёзиб телефон гўшаги тагига бостириб қўйдим. Ўша пайтда Юсуф ака бозорком, аёллари Ойшахон ЦУМда ишлардилар. Тошкентнинг эски номи Шош ва Фарғонанинг қадимги номи Сим деб ҳам аталарди.

Мана ўша шеър:

Йўл азоби бўлди тоқат айладик,
Хонангизда хобироҳат айладик,
Ўн баробар қимматига “сим қоқиб”,
Киссангизга кони офат айладик!



Сўнг дуо қилдик: “Кўпайсин «пат»-сўми,
Ҳам қўшилсин ҳовлисига дўм-пўми,
Минг шукурки, бирига ЦУМ корхона,
Бири савдо растасин бозоркоми”,
Бу каломни таъзим айлаб айтдилар,
Шош ила Сим йўлидаги “дайди”лар.





ЧҰНТАГИ БОР ДАРАХТЛАР

Ишдан келсам ҳовли бетартиб,
Худди уйда келиним йўқдай.
Дадамизга мурожаат қилдим
Эшиттириб келинга атай:

— Дадаси-чи, энди бозордан
Оёғи бор супурги олинг,
Қолиб кетса йўлакда, дарров
Тоғиб олсин ўзи ўз жойин.

— Нима гап? — деб, дадаси ҳайрон,
Жинниликка солдим ўзимни.
“Ҳазил” деган ишора билан
Қисиб қўйдим унга кўзимни.

— Олимлар ҳам топа қолмади,
Чўнтак, қўллик дарахт навини
Кунда икки марта супуриб
Чарчаяпти келин ҳовлини.

Ҳар дарахт ўз баргини териб,
Чўнтагига йиғиб юрарди.
Уялмасдик меҳмон келса ҳам,
Ҳовлимиз ҳам тоза турарди.

Газ плитам эскирди, чоғи
Қачон кўрсам бир қарич олов,
Чой қайнатиб бўлгандан кейин
Ўзи ўчса бўларди дарров.

Ақлигин келтириб беринг,
Олов пойлаб ўтар тун-куним
Ҳали ўчир, ҳали пасайтир,
Чарчайди-да, шўрлик, келиним.



Ҳисоблагич бу ёгда “ғир-ғир”,
Пулингизни ёзиб ётибди,
Тежамасак бўлмас, уч уйни
Ўша олов иситётибди.

Қумғон бўлмай ҳар нарса бўлсин,
Артиб ололмайди юзини,
Чой қайнатиб, сув ташийди-ю
Чўмилтиролмайди ўзини.

Ювиб қўй, деб, қараб туради,
Келинимга шунча иш камми?
Ўн йил ювдим, овора бўпти,
Кутаётган бўлса у мени.

Жўмраклардан тўхтамайди сув,
Жон дадаси, увол-ку, кўринг,
Бу эси паст жўмракни олиб,
Эслигидан қўйдириб беринг.


“Сувни тежанг сой бўйида ҳам”,
Дейилганин яхши биламиз
“Ҳар томчига жавоб бер”, деса,
Охиратда нима қиламиз?

Хўжайин дер: — Дўкон қаерда?
Дедим: — Уни топасиз осон.
“Нодонларга доно жиҳозлар”
Деб, устига ёзилган дўкон.

Излаб чиқиб кетди хўжайин,
Топдими, топмади, ким билсин,
Олов ўчди, чойнак ювилди,
Менинг гапим топди эгасин.



Бақир-чақир, қовоқ-тумшук йўқ,
Марҳабога шу усул қулай.
Илонни ҳам индан чиқарган,
Ширин сўздан ўзим ўргилай.





ХЎП БЎЛАДИ, КЕЛИНПОШШО!

Ёшим етди етмишга ҳам,
Тайёр турай кетмишга ҳам,
Дейман келин не деса ҳам:
“Хўп бўлади, келинпошшо!”

Гапим кесмас ўтди вақтим,
Сарғайди умр дарахтим,
Партим қолди, кетиб шартим,
Хўп бўлади, келинпошшо!

Энди гоҳ-гоҳ ўргатсам иш,
Пешонаси бўлар тириш,
Дейди: — Сизлар энди ўтмиш
— Хўп бўлади, келинпошшо!

Аралашгим келар яна:
— Ундай қилма, бундай қилма.
Дейди: — Вой-ей, сизга нима?
— Хўп бўлади, келинпошшо!

Дейман: — Овқат еса гўдак,
Олдига тутинг ошхўрак.
Сапчишади: — Нега керак?
— Хўп бўлади, келинпошшо!

Дейди: — Бошим бўлар гаранг,
Меҳмон кутсам аралашманг,
Ошхонада ўралашманг,
— Хўп бўлади, келинпошшо!

Дейман: — Қўл ювгани бешак,
Чилобчину кумфон керак.
Дейди: — Нега? Ана, жўмрак,
— Хўп бўлади, келинпошшо!



Дейман: — Чилобчин, офтоба
Жўмрагингга катта дода,
Дейди: — Ҳозир жўмрак мода,
— Хўп бўлади, келинпошшо!

Энди “устоз”, деймиз сизни,
Бизлар меҳмон кўрибмизми?!
“Хўп” демасак ўлибмизми?!
Хўп бўлади, келинпошшо!

Тортишиб қолсам сиз билан,
Сиқилмасин ўғилгинам,
Боғлаб қўйинг, тилимни ҳам,
Хўп бўлади, келинпошшо!

Иложим йўқ, боқувчим — сиз,
Гоҳ силтаб, гоҳ қоқувчим — сиз,
Чироғимни ёқувчим — сиз,
Хўп бўлади, келинпошшо!

Куним битиб, бир кун ўлсам,
Арвоҳга айланиб келсам,
“Кет!” десангиз, дер Рухим ҳам:
“Хўп бўлади, келинпошшо!”





ҚИНҒИР ҚОВУРҒА

Жирракироқ чиқди келиним,
Гўзал, аммо, бeфapосатроқ.
Олти йилда икки ўғилни
Туғиб берди ўша “кўғирчоқ”.

Кириб келса, эри кўчадан,
“Менга қаранг”, деб бошлайди гап.
Муаммосин айтиб, боламнинг
Ўнг феълини қилворади чап.

Дейди: “Памперс дегандим, қани?”
“Ошхонамдан оқаяпти сув”.
Ишдан чарчаб келган эрига,
Ассалому алайкуми — шу.

Куюнади ўғлим: — Бу хотин,
Қанот эмас, кишан-ку эрга,
Тўққизимни ўттиз қиларди,
Доно бир қиз тушганда менга.

Ёмон эмас топиш-тутишим,
Касбим яхши, икки жойда иш,
Мен: “уй олай”, десам, хонимнинг
Хоббийлари — дўкон айланиш.

Дейман: — Сиқилмагин, жон болам,
Ёш-да, эси кириб қолади.
Шундай бўлган билан, озода,
Кирни оппоқ қилиб ювади.

Дазмол босса, кўйлақларингга,
Тикка турар таёқдек бўлиб,
Иллатини гапиравермай,
Хислатин ҳам қувонгин кўриб.



Болаларинг, уйинг чиннидай,
Ўзи яхши кўради сени,
Ҳамма уйда гиди-пиди бор,
Рўзгорчилик экан-да энди.

Ўғлим дейди: — Тўрт кун бўлган йўқ,
Олиб келдим совуну кукун.
Ўн минг сўмлик нарса тугапти,
Оппоқ қилиб ювгани курсин.

Тежаб-тергаб ишлатса шуни,
Узоқроққа етадимиз, а?
Пулинг борми, йўғми, иши йўқ,
Обкебберинг, деяпти яна.

Ҳар соатда қилиб қўнғироқ,
Сўрайди: — Сиз ҳозир қаерда?
Азбаройи бўғилганимдан,
Дейман: — Ойшахолангникида.

Яна айтар муаммо, ташвиш,
Чиқим қилмаган кун — ўларкан.
Дейман: — Оддий қурувчигамас,
Бизнесменга тегсанг бўларкан.

“Апп-чшу!”, деб қўйса болалар,
Дори билан тўлар ич-эти.
“Пуф”, десангиз, шамоллашяпти,
Расво бўлди иммунитети.

Тортмасида уч халта дори,
Тегиб кетди, тўғриси, жонга
Ойда миллион топганимда ҳам,
Ярми кетар дори-дармонга.



Икки ёшли болага памперс,
Ташланади моғор босган нон.
Онажон-чи, бу хотин билан,
Бирим икки бўлиши гумон.

Эсиз болам, дейман, ичимда,
Роботсан-да пул топадиган,
Малайликка, сени мана шу
Бетаъсирга туққан эканман”.

Қани эрга ғамхўрлик, ҳурмат?
Нодон келин, ўқимайсан-да.
Ўттиз аёл тўғри келаркан,
Ҳисобланса, битта эркакка.

Ўйлайсанки, ўғилларинг бор,
Туғиб, эрни “босиб” оласан,
Ширин сўзлаб, кўнглин олмасанг,
Бир кун ундан қуруқ қоласан.

“Болам бор”, деб ўтирмас эркак,
Топталганда ғурур, ҳурмати,
Рўзғоридан қўяди баланд,
Ҳаловату қадр-қимматин.

Кўрмаганман ҳаёт китобин,
Ўқиб ёки тинглаб эртакни,
“Болалар, деб шу аёл билан,
Ўтдим”, деган бирон эркакни.

Оналарга айтсам: “Қизларга,
Илму урфон, касбу ҳунардек,
Муомала санъатини ҳам,
Эринмасдан ўргатиш керак.



Тарбиялаш керак уларни,
Кўчабопмас, рўзгорбоп қилиб,
Улғайсинлар, исроф нима-ю,
Тежамкорлик нелигин билиб”.

Ўғлим дейди: — Калтаклаб турсам,
Ўзин ўнглаб олармиди сал,
Дейман: — Ҳай-ҳай, болам, аёлга
Кўл кўтарма, гапирма дағал.

Қандай гўзал хотининг бор-а!
Кўзларини қарагин буни,
Қимирласа чирой чиқади,
Қандай ургинг келади шуни?

Жоним, болам, бундай аёлга,
Қилиш керак нозик сиёсат.
Ширин сўзлаб, топган пулингнинг
Фақат ўндан бирини кўрсат.

Айбин айтиш ўрнига мақта,
Ўзида йўқ хислатин гапир.
“Доногинам”, “тежамкорим”, де
Ширин сўзинг билан қил асир.

Дегин: “Менинг ақлли гулим,
Турар бору йўғимга кўниб,
Шунинг учун яшайман сени,
Меҳру муҳаббатимга кўмиб”.

Жоним болам, бир гап айтайми?
Аёл — момо Ҳавонинг насли.
Билсанг, ҳамма хотинлар қинғир
Қовурғадан яралган асли.



Аллоҳ лойдан ясаб Одамни,
Жон киргизиб қўйса танига,
Одам ёлғиз зерикётганмиш,
Шерик ясаш керак ёнига.

У Одамни ухлатиб қўйиб,
Олиб қинғир қовурғасидан,
“Ҳаво”, дея атаб номини
Ясаб қўйипти бир нозик тан.

Ўғлим деди: — Эсиз, тўғрироқ
Қовурғадан ясалганида...
Дедим: — Тўғри қовурға борми,
Жоним болам, инсон танида?

Муроса қил, алдаб йўлга сол,
Бир кун гапинг таъсир қилади,
У ўзингнинг қинғир қовурғанг,
“Тўғрилайман” десанг, синади.

Ўғлим деди: — Сиз ҳам аёл-ку,
Яшардингиз йўғни йўриқлаб,
Дердингиз: “Гап айтма отангга,
Ўзи ишдан келади чарчаб”.

“Уйда не йўқ?”, деб сўрасалар,
Айтардингиз: “Ҳамма нарса бор”,
Музлаткичнинг бўшлигин кўриб,
Қилиб келар эдилар бозор.

Дер эдингиз: “Яланг ҳовлини!
Ҳамма кийсин тоза либосин.
Ишдан келиб қолса отангиз,
Уйда хунук нарса кўрмасин”.



Ҳоким эмас, вазир ҳам эмас,
Оддий ишчи эди отамиз.
Бино қўйиб, уни бизларга,
Пошшо қилиб кўрсатардингиз.

Овқатингиз гўштсиз бўлса ҳам,
Кўзларингиз кулиб турарди.
Уйда тинчи бор учун, отам
Кўчада “бек” бўлиб юрарди.

Онасининг муомаласидан
Болаларим улғайгач, бешак,
Мени “бизнинг отамиз эмас,
Кулимиз”, деб ўйласа керак!

Дедим: — Ўғлим, унақа дема,
Исроф қилса, ранжитса сени
Ҳисоб куни, ҳар иши учун,
Ўзи жавоб беради энди.


Сен, мен бўлиб, юмшоқлик билан,
Уқтирамиз ҳуқуқу бурчин.
Болаларинг етим бўлмасин,
Онасининг хатоси учун.

Абадий, чин ҳаёт олдинда,
Ўйлаб қўйдим бир қизиқ тадбир,
Хотинингга айтма, бери кел,
Қулоғингга айтаман бир сир:

Ўнганмаса ўзидан кўрсин,
Айтди-қўйди, демагин онам,
Эсон-омон жаннатга кирсак,
Бошқа уйлаб қўяман, болам.



Шўрлик ўғлим, бир хўрсинди-ю,
Ҳазилимни тушуниб кулди,
Шукур, жиндек табассум билан,
Тоғдай ташвиш нўхотдек бўлди.





ТЕЛЕФОНДАГИ СУҲБАТ

Қизим қилди кўнғироқ,
Овозида ҳаяжон.
Деди: — Сизни кўришга
Бормоқчийдим, онажон.

Кеча ўтсам бўларди.
Ўғлимнинг мазаси йўқ,
Синдирибди қўлини,
Биласиз-ку, ўзи шўх.

“Қарасанг бўлмасмиди?!”
Деб уришди дадаси,
Бир нарса бўлса, менга
Ёпишади ҳаммаси.

“Бепарвосиз” деб роса,
Жаврадилар қайнонам.
Яхши ҳам дам олишга,
Кетгандилар қайнотам.

Овсиним ҳам, туғдим, деб,
Қўлин урмайди ишга,
Супир, сидир, кир, овқат,
Кўмилганман юмушга.

Ён қўшним эримни бир,
Аёл билан кўрипти,
Шу кунларда ўзи ҳам
Бошқачароқ юрипти.

Оғрияпти симиллаб,
Негадир чап курагим,
Бирон дори ичсамми,
Санчияпти юрагим.



Кейинги ҳафталарга,
Бир оз бўшаб қоламан,
Болаларни боғчадан
Оламану бораман.

Бир халта олма, узум,
Пишираман қатлама,
Анжир олиб борайми?
Нима ейсиз, айтинг-да.

Энди қон босимингиз,
Ошмай қолди яхшиям.
Мол ёғи, қуйруқ ёғин
Еманг энди астиям.

Дедим: — Қон босим ҳайвон
Ёғидан ҳам ошади,
Болаларнинг ўй, ташвиш,
Доғидан ҳам ошади.

Овозингни танибоқ,
Дори ичиб олгандим,
Бир ғамни айтмасайди
Деб ташвишда қолгандим.

Деди: — Қилиб борайми,
Ёғсиз гўштан чучвара?
Қатиқ, кўкатлар солиб,
Ичиб олардингиз-да.

Шодлик элексири бор,
Дейдилар шоколадда.
Есангиз олиб борай,
Яхшисидан бир халта.



Дедим: — Шоколадингдан,
Ҳар кун олиб, е ўзинг,
Қайнонангга, эрингга,
Кулиб турсин юз-кўзинг,

Ташвишингни уйингга,
Кўмиб келгин, жон қизим,
Менинг олдимга фақат
Кулиб келгин, жон қизим.

Қайнонангнинг самимий
Саломини олиб кел.
Эрингнинг фақат ширин,
Каломини олиб кел.

Ёмонлаб келсанг, мен ҳам
Ёмон кўриб қоламан,
Учрашганда уларга,
Қовоқ солиб оламан.

Яна ўзингга қийин,
Ниналарин санчишар,
Сени бир чивин чақса,
Менинг жоним ачишар.

Болаларинг ҳақда ҳам,
Эшитай яхши хабар,
Йиқилмасин, синмасин,
Ўзинг ҳам бўлма касал.

Эринггаям куюнма,
Ғамдан сўлади юрак,
Ўзингни эҳтиёт қил,
Эрга соғ хотин керак.



Жон болам, жигаргўшам,
Қилгин сабру қаноат,
Келгин бизникига ҳам,
Эринг берса ижозат.

Бир ёзилиб кетасан,
Мархабо ҳам келади.
У шеър айтса, кеннойинг
Ўйин тушиб беради.

Бизнинг уйда яшаш йўқ,
Кенг дунёни тор қилиб,
Қўшиқ айтиб бераман,
Ўқлоғни “дутор” қилиб.

Халта-палта кўтарма,
Суюнсин десанг, онам
Юрагингни тўлдириб
Кувонч олиб кел, болам.





АЛЛО, АЛЛО, ОЙИЖОН

Гулдастанинг ўрнига,
Телефон тутиб қўлга,
Келин келди қўшнига
“Алло, алло, ойижон!”

Ҳатто никоҳ чоғида,
Эрининг қучоғида,
Телефони қулоғида
“Алло, алло, ойижон!”

Юваётган кир қобкетар,
Ош тагига обкетар,
Соат-соат гап сотар,
“Алло, алло, ойижон!”

Ётганиниям айтар,
Турганиниям айтар,
Юрганиниям айтар,
“Алло, алло, ойижон!”

— Аксирдим, соғлиқ тиланг,
Эснадим, кинна силанг,
Гап тўхтамасин, уланг
“Алло, алло, ойижон!”

Қайинотам майда гап,
Қайиноғам беадаб,
Энсам қотади қараб,
“Алло, алло, ойижон!”

Қайнсинглим тергаб, денг,
Қилади гижинг-гижинг,
Шу ўлгурга эр топинг,
“Алло, алло, ойижон!”

Менга кундошми, овсин?
 Куяди, худо олсин.
 Тезроқ уйдан йўқолсин
 “Алло, алло, ойижон!”

Сизда – ош, бизда – шўрва,
 Қорним тўйяпти зўрға.
 Мунча пешонам шўр-а?
 “Алло, алло, ойижон!”

Вой, кўнглим айнияпти,
 Ҳомилага ўхшаяпти,
 “Гуллаяпти, тугяпти”
 “Алло, алло, ойижон!”

Онаси дер: “Уйга чоп,
 Қилиб бераман кабоб”.
 Бу – онадан келган гап
 “Алло, алло, ойижон!”

Гўё бошқа иши йўқ,
 Ҳой, дейдиган киши йўқ,
 Уриб бергим келар дўқ,
 “Алло, алло, ойижон!”

Эрга тегдингми ахир,
 Тиниб ўтир бетаъсир
 Ҳар куни “висир-висир”
 “Алло, алло, ойижон!”

Ковламасдан кирини,
 Сақла шу уй сирини,
 Кесгим келар тилини
 “Алло, алло, ойижон!”



“Алло!” деб ўтар куни,
“Алло!” деб ўтар туни,
Зерикмагани бун
“Алло, алло, ойижон!”

Очиб сиру асрорин,
Каму кўст, йўғу борин,
Алҳол бузди рўзгорин
“Алло, алло, ойижон!”

Сўнгги марта қоқди “сим”:
– Эрим берди жавобим.
Онажониси гунг, жим
“Алло, алло, ойижо-о-о-н!”





БИЛЛУР ГУЛДОН

Ишдан келса Боқивой,
Ўғли жавраб турибди,
Йиғлаяпти келини,
Нима бало бўлипти?

Иккисиям жим бўлди,
Кўришиб отасини,
Ўғли гапириб берди
Келинин хатосини:

— Кўрмайсизми, чанг артиб
Роса ишни “дўндирди”,
Онамнинг қимматбаҳо
Гулдонини синдирди.

Ана энди кўрасиз,
Балоларга қолади,
Ҳали онам келсалар,
Жонин суғурволади.

Ранги баттар оқариб,
Йиғлар эди келини,
Билади-да молпараст
Қайнонасин феълени.

Боқивойни гам босди,
Келинчаккаям қийин.
Энди уйда бир катта
Жанжал бўлиши тайин.

Урмаган чоғида ҳам,
Озор бериб кўнглига
Аниқ энди ҳайдаши,
Келинчакни уйига.



Ўйлаб қолди Боқивой:
“Нима қилса бўлади?
Бу қайсар хотин, гапга
Қандай қилиб кўнади?”

Ўйлай-ўйлай бошида,
Битта фикр “ялт” этди,
Ёнбошлаб ётган эди,
Ўрнидан туриб кетди.

Келинга деди: — Уйдан
Олиб чиқинг бир дурра
Севиниб деди ўғли:
— Йўли топилди, урра!

— Фикр қилсанг топасан,
Ҳар ишнинг йўриғини,
Туғиб қўйинг дуррага,
Гулдоннинг синиғини.

Ойингиз келганида,
Чақираман, келасиз.
Имлайман, тугунчани,
Секин менга берасиз.

Бир пастдан сўнг хотини,
Чаллардан келди эснаб.
Қучиб олди Боқивой,
Уни астойдил йиғлаб.

Деди: — Бормисан, хотин?!
Бир туш кўрибман сирли,
Эрта тонгда сен билан,
Ажрашаман, шекилли.



Менимча, умринг тугаб,
Қазо фурсати етди.
Бултур ўлган дугонанг
Келиб, сени об кетди.

Сақлаш учун жонингни,
Сўймасак ҳам бир жонлиқ.
Яхши кўрган нарсангни
Қилиш керак қурбонлиқ.

Кўзларингни юмиб тур,
Жонинг - менга минг тилло.
Тунда яна бошингга,
Кеб турмасин бир бало.

Гулдонни хотинининг
Бошидан айлангириб,
Тугун-пугуни билан
“Синдирди”, ерга уриб.

Деди: — Бу бир садақа,
Жонга жону қонга қон
Сенинг азиз жонингдан
Айлансин биллур гулдон.

Сапчиб тушди хотини:
— Вой дод, менинг гулдони!
У сингунча танимдан
Чиқса бўлмасми жоним.

Синдираман, десангиз,
Идиш топиб келардим,
Ҳовлида турган чинни
Итялоқни берардим.



— Ҳай-ҳай хотин, паст кетма,
Жонинг тенги ўшами,
Қурбонлиққа-я, лойиқ
Кўрасанми ўшани?

Хотини йиғлаб деди:
— Туш кўрмай ҳам қолинг сиз,
Юз минг сўмли нарсани
Нима қилиб қўйдингиз?!

— Дугонангда ҳамма айб,
Ўлиб ҳам тинчимади,
Бировнинг хотинини
Нега олиб кетади?

Бир эркакнинг тушига,
Кирибди аёл бўлиб,
Ётмайдими эркалаб,
Кўксимга бошин қўйиб.

Йўқ! Қайтамга сени ҳам,
Олиб кетса, ардона,
Бировларда тўрт хотин,
Ўзи менда бир дона.

Хотини деди: — Вой, дод,
Ҳайф бўлди, эсизгина
Қандай зўр гулдон эди?!
Қандай яхши эди-я?!

— Нимаси яхши эди,
Айланади ошнангга?
Унга солиб битта гул,
Берганмисан қўшнингга?



Дўсту душманга фақат,
Кўрсатгани олгансан,
Меҳмонларнинг кўзини
Ўйнатгани олгансан.

Хўжакўрсинга қилган,
Ҳар иш номи риёдир.
Риёкорнинг қалби ҳам,
Қабри ҳам безиёдир.

Бева, муҳтож, кўшнига
Ош бермаган косанг ҳам,
Икки пулга қимматдур,
Миллион сўмга олсанг ҳам.

Бобом айтар эдилар,
Бирон буюм синганда:
“Бош кўзингдан садақа,
Умри шунча экан-да!

Чиқаётиб йиқилсанг,
Жаҳл қилма нарвонга,
Яратгандан беамр,
Тикан кирмас товонга.

“Закот билан молингни
Сақла”, деган донолар,
“Садақа-ла жонингни
Асра”, деган донолар.

Ҳар нарсанинг умри бор
Мангу қолмас ҳеч нарса
Одам ўлиб кетяпти,
Гулдонга нима аза?



Кейинги гал туш кўрсам,
Индамайман, кўрасан,
Садақа ҳам қилмай-да,
Икки кунда ўласан.

Эрсиз хотин кўп, бирин,
Кўз остига оламан.
Йил ошингни ўтказиб,
Шартта уйланволаман.


Шундай бўлса яхшими?
Ранжима сўзларимдан
Ундан кўра “раҳмат”, деб
Ўпиб қўй юзларимдан.

Кириб кетди уйига,
Қўлин силтаб хотини,
Мотамсаро бир ҳолда
Ҳурпайтириб патини.

Боқивой болаларин,
Чақириб, секин деди:
— Гулдоннинг синигини
Йиғиб, йўқотиш энди.

Бузилмасин деб уйинг,
Қолишма деб меҳнатга,
Ўлган бечоралар ҳам,
Қоб кетишди тухматга.

Аллоҳ, ўзинг кечиргин,
Товба, товба, алҳазар!
Қиёматда уларга
Нима дейман, хумпарлар?



Ўғли билан келинин,
Лол қилганди Боқивой,
Артист бўлганида ҳам,
Зўр бўларкан, ҳойнаҳой.

Сақлаб қолди синишдан,
Топиб сулҳнинг йўлини,
Биллурдан ҳам қимматроқ,
Бир инсоннинг кўнглини.





ЭНГ ГҮЗАЛ ҚАРҒИШ

Бир саҳройи аёлнинг
Ўғилчаси шўх экан.
Ундан зарар кўрмаган,
Бирон куни йўқ экан.

Қозондаги таомин,
Тегиб қочиб кетаркан.
Мешидаги сувини,
Сегиб қочиб кетаркан.

Қарғар экан боласин,
Қилолмасдан эпини,
Қирқиб қочганида кир
Ёядиган ипини:

“Ҳой, ипимни қирқмагин,
Қалбингга илм тўлгур.
Ҳой, мешимни тешмагин,
Каъбага имом бўлгур!

Сичқон думин кесмагин,
Беозор бўл, тўғри юр,
Ғариб йўлин тўсмагин,
Каъбага имом бўлгур”.

Демас экан: “Жувонмарг”,
“Ҳароми”, “Мараз”, “Ўлгур”,
Битта экан қарғиши:
“Каъбага имом бўлгур!”

Ният кетди, вақт ўтди,
Мисли ел ё шабада,
Шу онанинг, шу ўғли
Имом бўлди Каъбага.




Не-не шоҳу султонлар,
Орқасида туриб ғоз.
Унга иқтидо қилиб,
Ўқир эдилар намоз.

Дуо-ла шум боладан,
Чиқди бир хуш нафасли
Олим, ҳофизи Қуръон
Абдурахмон Судайсий.

Назоратда инсоннинг,
Ҳар сўз, ҳар бир нафаси,
Ибрат бўлсин бизга бу
Аллоҳнинг мўъжизаси.

Комил инсон кўрдингми,
Марҳобо, билки улар
Ота-она, элидан
Дуо олган болалар.



**БАЛАТИ САНЪАТ**

Болангизни қарғаманг,
Дуо қилинг болани.
“Ит”, “Эшак” деб сўкишга,
Ҳаё қилинг, болани.

Расулulloҳ дердилар,
Юзларидан ёғиб нур:
“Болалар бу — жаннатнинг
Гулу райҳонларидир”.

Тўғри баъзида “гулу
Райҳон”лар ҳам кўйдирар,
Шўхлиги ошиб кетса,
Жонингиздан тўйдирар.

Бобом дерди: “Болани
Сўкмоқ асли эмас эп,
Жаҳлингиз чиқса айтинг:
“Нодон” ёки “Хумпар” деб.

“Бой бўлгур”, “Кўпайгур” денг
Асло деманг “Ўл”, “лаънат”,
Шуни билиб қўйингки.
Сўкиниш ҳам бир санъат.

Қанийди, пайғамбардай
Сўксангиз, қилсам ҳузур
Ул зот дердилар, сўкса:
“Бурнинг ерга ишқалгур”.

Тилдан чиққан ҳар сўзда,
Маърифат, зиё бўлсин,
Ҳатто сўкишингиз ҳам,
Яхши бир дуо бўлсин”.

Ихлос билан қилинган,
 Ҳар ниятинг ушалар,
 Ҳар сўзга кўкда “омин!”,
 Деб турар фаришталар.

“Ит” десангиз, ит бўлиб,
 Ўзингизни қопади,
 “Эшак”дан эшак, ҳар ким
 Ўз тилидан топади.

Фарзандингиз билан эл
 Фахрланиб яшасин,
 Иту эшак феъллардан,
 Парвардигор асрасин.

Олим, шоир, ҳунарманд,
 Полвон бўлсин болалар
 Юртга керакли, ҳалол
 Инсон бўлсин болалар.

Болангизни сўксангиз,
 “Пошшо бўлгур”, деб сўкинг,
 “Олим бўлгур”, “Хизрга
 Ошно бўлгур”, деб сўкинг.

Оғиздан чиққан ҳар сўз,
 Мархабо, билки, кушод.
 Инсон маърифатини
 Ўлчайдиган даражот.





ОПАМНИНГ ИТИГА

*“Менда шунча ташвиши, мана бу
итим эса, ётгани ётган”.*

(Сухбатдан)

Тўғрида, ётганинг ётган кун бўйи,
Бир ҳафтадан кейин Наргизнинг тўйи,
Соҳибангда шунинг ташвиши, ўйи,
Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Тўй дегани шу-да югур, чоп, улгур,
Ҳали келгани йўқ ётоқ гарнитур,
“Бизга не хизмат?” деб, бир ўрнингдан тур,
Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Сув таши, “Ласетти”ларин ювишга,
Дўхтир гаплаш, келинига туғишга,
Қарашвор, поччамга қаср қуришга,
Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Бу ёқда буғдойи пишиб турипти,
Олмалари ерга тушиб турипти,
“Ўрсамми, терсам” деб, шошиб турипти,
Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Иморат тикласа одамлар кўрсин,
Кўшнининг уйидан баландроқ бўлсин,
Ҳою ҳавас ўлсин, манманлик ўлсин!
Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Тўй бошқа тўйлардан зўрроқ бўлсин, деб,
Сарпо суруғи ҳам мўлроқ бўлсин деб,
Юрибти-да шўрлик ўзин ўзи еб,
Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Келиннинг пойига гул сочиш керак,
 Куёвнинг бошидан пул сочиш керак,
 Жавоб бер, қачон қалб нур сочиш керак?
 Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Дубайдан келармиш куёв сарпоси,
 Уч миллионли эмиш, келин либоси,
 Бу ҳаммаси битта тўйнинг ғавғоси,
 Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Элга ёт урфларни топволиб ҳар хил,
 Ўзин қийнаётган ўзи-ку, ахир.
 Қачон нурланади, бу қалб, бу кўнгил?
 Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Китоб жавонининг чангини қара,
 Қодирий, Раънонинг рангини қара,
 Ба ҳурмати Кумуш, юнгингни тара,
 Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Илм-маърифатнинг конийди бу уй,
 Олиму фозилнинг жонийди бу уй,
 Кўҳна дониш Шарқнинг шонийди бу уй,
 Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Шу уй деб оввора олиму султон,
 Пок, буюк шаънига бўлишиб қалқон,
 Қилсам деб турганда обод, фаровон,
 Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Инсон бўлса эгни буту, қорни тўқ,
 Нега сенчалик ҳам ҳаловати йўқ?
 Жавоб бер, турмасдан кўзинг қилиб лўқ,
 Нега тек ётасан, опамнинг ити?




Ўзининг югуриб елгани қолиб,
Сени ҳам ишлатса ёнига олиб,
Фишт олиб келсанг-чи, бозорга бориб,
Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Яшашни ўзимиз қийин қилвордик,
Одам қадрин бойлик, буюм қилвордик,
Хаётмас, бу ёгин ўйин қилвордик,
Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Қалбимни шайтонлар эгаллаётир,
Ҳою ҳавас отин эгарлаётир,
Шундан юрагимда қўрқинч, хавотир,
Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Марҳабо умрини емираётган не?
Кўнгил ганжинасин кемираётган не?
Молпараст хешларга бирон нима де?
Нега тек ётасан, опамнинг ити?

Кел, эртадан тонгда бирга турамиз,
Инсоф, диёнатнинг бонгин урамиз,
“Меъёрда тўхтанг!!!” деб бирга ҳурамиз,
Нега тек ётасан, опамнинг ити?





ОТАМНИНГ ОРЗУСИ

Яқинда бир китоб ўқидим,
Пол Брегдан, очлик ҳақида.
Парҳез билан тозаланмоқ ҳам,
Билдимки, энг тўғри ақида.

Ишонсангиз, ўқиб эсладим.
Буйракдаги тузларимни мен.
Эҳ, бир умр тескари яшаб
Вужудимни тузладимми мен?!

Ўзимда бир синаб ҳам кўрдим,
Алломанинг ёзганлари рост,
Шу китобни келтириб дейман:
– Ота, сиз ҳам ўқинг, илтимос.

Илинаман Япон Кехони,
Ҳаёт учун фойдаси катта.
Отам дейди: – оҳ, оҳ қандай соз,
Ўқийман-да буни, албатта.

– Мириқиб бир кулмоқлик учун
Кийиш шартмас тўнни тескари,
Ўқилса бас, Саид Ахмаду,
Жиром-Жиром ҳикоялари.

“Шум бола”син Ғофур Ғуломнинг
Ўқиб мазза қилгансиз тайин.
Эркин Воҳид “Шум бола”сини
Бир ўқинг-да, дейсиз “офарин!”.

Замонадош донишмандларга
Сардор бўлса арзир бир одам.
Мазкуралар ёзиб қўйибди
Ёдлаб юрса ярашар олам.



Жа, ўқиса ўн мингта киши
Ўқир-да, деб, чоп этилган кам,
О, чет элда чиқса шу китоб
Етмас эди миллион нусха ҳам.

Китоб дўконида ўтириб,
Ҳазрат ўзи – Иброҳим Ғофур,
Дастхат ёзиб бериб турсалар,
Қайси ўзбек қилмайди ғурур.

Ўн минг китоб, беш миллиард халққа
Етармиди улашса тенгдан
Ҳали дунё битта ўқишга
Ижарага олади мендан.

Ғошим келар, Ўткир Ҳошимни
Ўқиб юрса ўтмас одамлар.
– Нимасини тушунаркин у? —
Ғийбат қилма, дейди отамлар:

– Эшонларданмикин, билмадим,
Салобатли ҳар сўз, нафаси,
Шу адибда бир хислат бор-да,
Афлотунга қариндошмасми?

– Фалсафада, – дейман, – отажон,
Юнонлардан туркийлар устун.
Шогирд бўлган Ўткир Ҳошимнинг
Бобокалонига Афлотун.

Кулворамиз, яйраб кетамиз,
Ўткир Ҳошим учун минг шукур.
Афлотунни дунёга берган
Бобокалонига ташаккур.



Отам дейди бобосин эслаб:
“Ўлар пайт ҳам хушёр эдилар,
“Китобларсиз қиёматгача
Қандай яшарканман”, дердилар.

Кун келди муқаддас китоблар
Ёқилганларини кўрганмиз,
Шу бобомни қабрларига
Китоблари билан кўмганмиз.

Алиф, лам, мим, ўрган, бил, ўқи,
Ҳар мўъминга илм фарз болам,
Дунёвий ҳам, ухравий ҳам, шарт,
Илм билан юксалар одам.

Ким илмда ё илм талабида,
Турмас экан, билгинки, улар —
Ачиб қолган қатиққа келган,
Майда пашша қавмидагилар

Отам йиғлар ўлиб Куръонни,
Навоийни ихлос-ла ушлаб:
— Хизмат қила олсайдик элга,
Битта яхши китобга ўхшаб.





ШЕЪРЛАРИМГА НАСИХАТ

Сўзларим, сиз — менинг болаларимсиз,
Замон дарёсида кетмангиз оқиб,
Мен ўтиб кетсам ҳам ўтиб кетмасдан
Ўтиринг уйимнинг чироғин ёқиб.

У қадар бежирим бўлмасангиз ҳам
Ҳар ҳолда қалбингиз самимий, тоза,
Минг қочинг, минг тонинг менга ўхшайсиз,
Бола онасидан олар андоза.

Мол-дунё, шуҳрат деб туғилмадингиз,
Яшанг йиқилганга мадаккор бўлиб,
Бағрингизга босинг йиғлаётганни,
Киринг қўлтиғига нажоткор бўлиб.

Камини тўлдириб бермасангиз ҳам
Қилолмасангиз ҳам рўзгорини бут.
Шундай иш қилингни, сиз кирган қалбнинг
Осмонидан тарқаб кетворсин булут.

Тугунхона экан кўнгил дегани,
Тақдирдан қочиб кетолмас ҳеч ким.
Боссангиз тафаккур мурватларини,
Ўша тугунларга топилса ечим.

Қилар ишингизни қўйдим тақсимлаб.
Қулдай ишланг, босманг бегона изни.
Менга келиб турган савоблар тўхтар,
Кун келиб ўқимай қўйишса сизни,

Сиз — дунёга эккан дарахтларимсиз,
Савоб умидида “Бисмиллоҳ” айтиб.
Илоҳий бир овоз “бу — гуноҳ!”, деса
Тупроқдан суғуриб олардим қайтиб.



Истардим қумрилар бутоғингизда,
“Тинчлик, поклик!” дея, сайраб туришса,
Соянгизда қалблар, эпкинда баргдай,
Эзгулик қўшиғин куйлаб туришса.

Гулингиз ифорин ёйиб шаббода,
Сиз тамон талпинса бол ари — диллар,
Ҳар сўз япроқ каби шилдираб турса,
Истардим, уйғонса мудроқ кўнгиллар.

Қуриманг, кўкариб туринг, ишқилиб
Вақт шамолларида эгилиб кетманг,
Маҳшаргача гуллаб, мевалар тугиб,
Керак бўлиб туринг, кесилиб кетманг...

Қўрқаман, ҳар ненинг вақти — умри бор,
Ҳақнинг ҳам, халқнинг ҳам ризосин олинг
Куюк, доғингизни кўрмай ишқилиб,
Жигаргўшаларим, орқамда қолинг.





МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
ДУНЁНИНГ БИР ҚАВАТИ	
Ватан ҳақида сўз	8
Катталарга насиҳат	10
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо	13
Бировнинг боласи уйимда	15
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми	17
Қизим, қайнонанг – тилло	19
Қизим аразлаб келди	21
Куёвимга илтижо	24
Мурасасиз келинлар	26
«Асал ойи»	29
Қутиласан	32
Қуда булдик	35
Ҳасрат	37
Сезгир она	39
Тасалли	40
«Тадбиркор» аёл	44
Навоийга кўшни бўлсам	48
Покликка қасида	50
Ҳажнома	52
Рамазон	55
Момохон пошшойимга	58
Боламга	61
Тилак	62
Мактаб	63
Одам	65
Маст бўламиз	66
Яшашни ўргатаман	68
Ўзингизни эҳтиёт қилинг	71
Келин танлаганда адашманг	74
Армон	76
«Ушабтуринг»	78
Пешона бозорида	81
Замонавий эртақ	83
Товус	86
Чимилдиқдаги насиҳат	88

Изҳор	89
Фаҳр	90
Анжонликка ўхшайди	92
Иккинчи китоб	94
Хина	97
Армон манзараси	100
Шукрона	101
Дўстимиз Иззатиллонинг пўстинига	102

ШУКУР, ШУКУР, МИНГ ШУКУР

Меҳмон келганда	106
“Қадимшунос”	107
Тошкент	108
Волидангни рози қил	109
Марғилондан қиз олинг	110
Ўзингники	111
Ўзингга шукур, ўзингга	112
Ошналар-оғайнилар	113
Ватан севмоқ	114
Танур	115
Кўпайсин	116
Онажон	117
Болалар	118
Онасини бериб қўйганлар	119
Қаерда қиз бор?	120
Той бола	122
Ният	123
Телефон олдида	124
Хаёл тулпори	125
Янги дунё	127
Энг гўзал ҳадис	129
Йиртиқ камзул	132
Икки сандиқ “сеп”	135
Қумга кўмилган одам	139
Узатилаётган қизга ота дуоси	143
Жаннатдаги “кундошим”	147
Гулдаста – 1	152
Гулдаста – 2	156
Эрим билан дам олдим	160
Уйимдаги «шпион»	162
“Сахий” одам ҳақида	166
Гап	169
„Азизим, мухлисим, жоним, биродар...“	173



ОНАМНИ КЎРГАНИ БОРАМАН

Онамни кўргани бораман	176
Келиним келин олди	179
„Хўп-хўп“	183
Кўрпача	186
Ношукур	189
Дам олгани бораман	191
Мен яшайман	196
Афлотуннинг „хотини“	199
Кўшнилари ҳақида ривоят	206
Дугоналар қиссаси	216
„Дарахтлар“	221
„Дафтар“	225
Омонат	232
Қизиқиш	237
Шукрона	239
„SMS“	241
Оддий фалсафа	246
Ойпошша холанинг илтижоси	248
Орзу	251
Қизим Муслимахонга	255
„Энага“	256
Кўзи кулиб турган одамлар	257
Дунёга саёҳат	261
Авом шоири	264

ЖО-О-О-Н, ДАДАСИ...

Жо-о-о-н, داداسи.....	270
Соз ва созанда	273
Ҳай-ҳай, уят!	277
Муҳаббат визаси	280
“Шишалар”	286
Қарз	290
Ҳазилкаш чолу кампир	293
Аза уч кун	298
Бидъатчининг ҳасрати	302
Икки марсия	306
Ўн қатор байт тарихи	309
Чўнтаги бор дарахтлар	311
Хўп бўлади, келинпошшо!	314
Қинғир қовурға	316
Телефондаги суҳбат	323
Алло, алло, ойижон	327

Биллур гулдон.....	330
Энг гўзал қарғиш	337
Ғалати санъат	339
Опамнинг итига	341
Отамнинг орзуси	344
Шеърларимга насиҳат.....	347

МАРҲАБО

САЙЛАНМА

1

Қайта нашр

Муҳаррир *Зухро Алиева*
Мусаввир *Шухрат Одилов*
Саҳифаловчи *Суннат Пулатов*

Нашриёт лицензия рақами АІ № 154. 14.08.09.
2013 йил 25 декабрда босишга рухсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}.
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 18,48 шартли босма тобоқ.
12,7 нашр тобоғи. Адади 5000 нусха.
5 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп
этилди. 100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кучаси, 86.

Бизнинг интернет манзилимиз: www.gglit.uz
E-mail: info@gglit.uz, iptdgulom@sarkor.uz